



Абдулла Орипов:

## "ЭРТА РУҲИНГ ТОПГАЙ ОЛИЙ ОҲАНГЛАР!.."



### МУҲАББАТ

Ҳар мўмин дилида бир орзу фақат,  
Ҳар дамда ўйида Маҳшарнинг кун.  
Оллоҳ гуноҳларин қилиб маҳфират  
Зора ноил этса жаннатга уни.

Тунлари мени ҳам чўлғайди хаёл,  
Ўзинг ёрлақагин мени ҳам ё раб.  
Сенинг васлинг гарчи энг олий висол  
Раҳм этгил ва лекин ҳолимга қараб.

Менинг ҳам тилагим ол инобатга,  
Қовуштир орзулар олами билан.  
Расуллуллоҳ демиш: Киши жаннатга  
Киргайдир севикли одами билан.

### ДИЛОЗОР

Бунчалар дилозор бўлмасанг, кимса  
Мақоминг бандаи мўмин-ку ахир.  
Кимдир жигарини тупроққа кўмса  
Ҳолин сўрамасанг, тошми бу бағир.

Тепангда порлайди офтоб чароғон,  
Сен эса атрофни буткул тун дейсан.  
Кимнингдир дилига чўкса зимистон,  
Сен унинг ҳилолиг ёруғ кун дейсан.

Бир маҳал дуч келиб сендек балога  
Пайғамбар оҳ чекмиш, қалби тўла зор.  
Расуллуллоҳ демиш: Ҳатто Мусога  
Уммати бунчалик бермаган озор.

### ТЎРТЛИК

Бир йўл чеккасида ётибман нолон,  
Чорасиз бўлсам-да эрурман инсон.  
Устимга отининг сояси тушди,  
Жиловни нарироқ тортсанг-чи, нодон.

Мустақиллигимизнинг илк меваларидан бири, шубҳасиз, улкан унвон — Навоий номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши бўлди. Бу юксак унвонга биринчи дафъа кимлар сазовор бўлганидан хабарингиз бор, албатта. Бу йил мукофот иккинчи марта ўзининг муносиб эгаларини топди. Биз Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Шукрулло, шоир Барот Бойқобилов, таржимон Аҳсан Ботурларни ҳамкасбларимиз сифатида мукофотланганлар сафида кўрганимиздан хурсандмиз ва уларни минг-минглаб муштарийларимиз номидан чин дилдан табриклаймиз. Уларга янада улкан ижодий зафарлар тилаб қоламиз. Қуйида суюкли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қувончли воқеадан сўнг мухбиримиз билан қилган мухтасар суҳбати ҳамда ҳали сиёҳи қуримаган уч шеърини ҳукмингизга ҳавола этяммиз.

— Абдулла ака, Исломи дини ақидалари билан шаклланган, сўфиёна туйғуларга йўғрилган, алқисса Шарқни Шарқ этган руҳни Сиз "Ҳикмат садолари", "Ҳаж дафтари" туркумлари билан шеърятимизга қайта олиб кирдингиз. Бу руҳдаги шеърлар ёзиш фикри қандай туйғилган? Ва уларни ёзиш жараёни қанақа кечди? Руҳий тайёргарликсиз ҳам бу ҳайратли ва ҳайратланарли ҳаяжон тўлғоғини кўнгилдагидек ўтказиш менинг тасаввуримга сиғмайди.

— Аввало Сиз юқорида эслатган мавзу — руҳ мазмуни-ю тарихийлиги жиҳатидан ҳеч биримизга бегона эмас. У фақат йиллар мобайнида қатагон этилган эди, ҳолос. Дунё менинг ҳам кўзимга, айниқса болалик йилларимда сирли кўринган. Менга жуда яқин туғулган қишлоғим осмонидagi юлдузларга боқиб, тилсимлар ҳақида адоқсиз ўйлар сурганман. Бироқ қизиққан жумбоқларимнинг моҳияти дин билан боғлиқ илоҳий тилсим эканлигини ўшанда билган эмасман. У табиий бир ҳолат эди. Йиллар ўтиб, оламни, табиатни мушоҳада қилишим учун фалсафа кўмакка келди ва у дилимга қаттиқ ўрнашади. Йўлчи саҳродаги чечакка боқиб, аввал унинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, бу кўҳлик манбасини замин ва осмон деб ўйламаслиги мумкин. Лекин кейинроқ буни англайди. Чечак тупроқ инъоми ва кўк ёмғирдан кўкарганидек бизнинг маънавиятимиз куёшларидан бири дини Ислоmdir. Қуръони карим, айниқса, Ҳадиси шариф фавқуллода ҳикматларга бой. Айтиш мумкинки, тугал ва гўзал байтлардир. Шеърятлар шеърятидир. Улар менинг руҳиятимни топдимми ёки руҳиятим уларга омухта бўлиб кетдимми — аниқ айтолмайман. Ҳар ҳолда мен ул ҳикматларни шеърга солмаган тақдиримда ҳам, барибир, илмий жиҳатдан тадқиқ этган бўлардим.

— Бу шеърлар ёзилишидан асосий мақсад нималигини тушунтириб беролмайсизми?

— Ушбу шеърлар тугилишида асосий мақсад ўша шеърларнинг хулосаларида, китобхонга берадиган озми-кўпми маънавий ибратларида сезилиб турса керак, деб ўйлайман.

— Тушунарли. Мен кутилмаган, кўпчилик билмаган ҳаёлий бир эҳтиёж бўлиши керак деб ўйловдим. Юқорида лўндагина айтиб ўтган бўлсангизда янада аниқроқ бўлиши учун бир нарсага сўрамоқчиман. Айримлар бу руҳдаги шеърларга бир насихатомуз битик деб қараб, ундан ўзларига бир инсоний йўриқ излашади. Иккинчи бирлари эса шоирнинг санъаткорлигини қадрлашади. Бу ҳодиса мозий адабиётимизда асосан ниманинг эҳтиёжи бўлиб юзага келган? Бунга ўзингиз қандай қарайсиз? Кейинги пайтда бу мавзуда анча-мунча ижодкорларимиз қалам тебратяпти. Бу шеърларга сизнинг баҳонгиз?

— Одамзод дунёни билишга ҳамиша иштиёқманд бўлиб келган. Тугилиш, умр йўллари, ўлим, абадият... эҳ-ҳе, бу савдолар кимларни қизиқтирмаган, кимларнинг бошини қотирмаган, дейсиз. Бу масалалар билан қизиқиш учун фақат муслим бўлиш шарт эмас. Жаҳон тарихидаги турли динларга мансуб файласуфларни эсланг. Улар ҳам юқоридаги сингари муаммоларнинг ечимини ўйлаб асарлар ёзишган-ку. Бизнинг бахтимиз шундаки, хусусан Исломи дини билан боғлиқ неча-неча жавоҳирот манбаларининг эшиклари очилди. Бу орада биз чинакамига қайта учрашган буюкликка-да умри сиймайдиган зотларни бир тасаввур қилинг. Хусусан мен Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратларини улур файласуф деб билман. У зотнинг ҳадислари эса ўлмас бадий ташбеҳлар билан зийнатланган мукамал шеърий лавҳалардир. Уларнинг бари боболаримизни ҳам, жумладан бизни ҳам гўзал мантиқий кучи, жозибаси билан мафтун этиб келмоқда.

— Сўфиёна шеър, дейишади. Бу қанақа шеър ўзи? Уни динга ҳеч даҳлсиз ҳам яратиш мумкинми? Кўплар эса уни диний-исломий руҳдаги мавж деб қарашади...

— Сўфизмни, дини Исломи мутаассиблик, бир гоя ёхуд хурофот деб қаровчилар учун турли иштибоҳлар, саволлар тугилиши мумкин. Бироқ абадий ҳаракатда бўлиши ҳаёт ҳодисаларини англашда, уларни тушунтиришда юқоридаги тариқатларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар, аслида қариб

қолган тушунчалар эмас. Улар фикр каби тирик, инсонни мушоҳадага чорлайдиган уйғоқ саволлардир.

— Сизнингча, дин санъатга нима беради? Санъат диндорларга-чи?

— Назаримда, дин билан санъатни бир-бирдан ажратиб ўрганиш жойиз эмас. Ушандоқ хатти-ҳаракатлар қандай оқибатларга олиб келгани ҳаммамизга маълум. Такрор айтманки, руҳсиз асар ҳамда мутаассиб диний дунёқарашни қовуштириш фойдасиз ишдир. Аслида эса улар бир қалбнинг тоза чашмалари янглиг иккаласининг кўшилувиган руҳий камолот уммони барпо бўлмоғи керак.

— Дарвоқе, кейинги китобингиз "Муножот"ни ўқиганимда айрим шеърларнинг анча жойлари ўзгарганига кўзим тушибди. Масалан, машҳур "Ўйларим" шеърининг номи "Сароб" бўлиб чиққан. Ва шунда ўтган даврнинг таъъини билан кўлэмаларингизда кўп чин, асл байтлар саргайиб қалиб кетган бўлиши керак, деган фикр кўнгилдан кечди. Бунга нима дейсиз?

— Албатта, давр тақозоси билан шеърнинг номини-да ўзгартиришга мажбур бўлган эдим. Шулардан бири "Ўйларим" аслида "Сароб" эди. Ўз-ўзидан маълумки, аввалги тузум ўзини "Сароб" деб аташга ҳеч қачон йўл қўймас эди. Ҳа, афсуски, кўп байтлар таъъини билан ёзилган. Кўпгина шеър ва дostonларим атайин йўқотилган эди. Масалан: "Иброҳимбек", "Замонамиз қаҳрамонлари" шулар жумласидан.

— Яна "Сайланма"га кирмай қолган "Юзма-юз", "Ленин" каби санъаткорона яратилган шеърларингиз борки, эски тузумга чиндан ишониб, уни юракдан мадҳ этилади. Улардан кечилса, санъат йўқотилади, бироқ тақдир этилса, у кунларни кўрмаган, тушунмаган бугунги ўғувчига эса унинг гоёси ботмайди. Бу шеърларнинг келажак тақдирини ҳақида фикрингиз?

— Ўйлашимча, "Юзма-юз", "Ленин" каби шеърларни босиб ўтилган йўлларини яширмай баён қилиш учун балки нашр қилиш керакдир. Бунинг учун эса китобхонлар ҳам маълум даражада тайёр бўлмоқлари шарт. Адабиётлар тарихида бундоқ воқеалар доимо учраб турган. Мени нокамтарликда айбламаган-ку, Навоийда ҳам, Пушкинда ҳам ўз даврининг пешволарига аташган сатрлар озмунчами?! Улар ҳам ўша байтларини чин кўнгилдан ёзганлар деб ўйлайман. Пайти келар, ижодкор ҳаёти ва ижодини мафкурашардан холи, муҳит билан боғлиб тадқиқ этувчилар пайдо бўлар. Билмасдан рўзасини бир лаҳза очиб қўйганлар кечирмади-ку...

— Давр ўзгарди. Бугунги тирикчиликнинг ҳалворини олдинги тарозилар билан тортиб бўлмай қолди. Бундан кейинги адабиётнинг айниқса, шеърятнинг аҳволи қандай кечади? Шоирларнинг-чи?

— Сабр керак, тоқат керак. Менинг эътиқодим, тажрибам шулки, яхши шеър ёзган ижодкор қорни оч бўлса ҳам, ўзини бир лаҳза бўлса-да бахтли санаيد. Бунга тарихда ҳам мисоллар кўп. Машраб, Гулханий, Махмур, Муқимий ва бошқаларни эсланг. Бироқ, ҳақиқий ижодкор беқадр бўлса, кўчада қолса, бу наинки жамятга балки халққа ҳам исноддир, деб ўйлайман. Бахтимизга яхши шоирлар кўп. Айниқса ёшлар орасида. Улар аҳли ва иноқ, иттифоқ бўлсалар қийинчиликларни енгиш ҳам бир мунча осон кечади.

— Шеърятимизнинг гўзал намуналаридан бисм "Баҳор" шеърини ёзганингизга 25 ёшда экансиз, адашмасам. Мана яна 28 йил ўтиб юртимиз ва кўнгилмиз остонасида баҳор турибди. Бундай ҳаёлий гўзал дамларда юракдан чиқадиган тилаклар баҳордан-да тароватли ва қадим туюлади...

— Илоё, баҳорларга омон-эсон етиша беришимиз. Баҳор руҳиятимизни эски либослардан мосуво қилиб, янги либослар ато қилади.

Сўхбатдош: Вафо ФАЙЗУЛЛО



**Абдусаид КҮЧИМОВ**

**КЕЛ, БАҒРИМГА  
БОСАЙ, СЕВГИЛИМ**

Сени кутдим.  
Умидларим йиғлади сим-сим.  
Бекор бўлди,  
барчаси бекор.  
Сен келмадинг,  
келмадинг, гулим.

Музлар-қишнинг қовурғалари,  
Оқиб ётар ариқда лим-лим.  
Йиртилди-ей, сабр дафтари,  
Сен келмадинг,  
келмадинг, гулим.

Дарахтларни силкилаб шамол  
Хайқиради:  
—Кутганинг ким, ким?!  
Бўғилади, бўғилган хаёл.  
Сен келмадинг,  
келмадинг, гулим.

Қаршимдаги баҳайбат сароб  
"Шошма" дейди, "Шошмай тур, жим, жим..."  
Сўниб борар шам каби офтоб,  
Сен келмадинг,  
келмадинг, гулим.

Кутиш — қафас.  
Кутиш — зил-зиндон.  
Зиндон-қафас бунчалар дим, дим...  
Шубҳа — илон, қоп-қора илон.  
Сен келмадинг,  
келмадинг, гулим.



Қора илон, қоп-қора илон  
Қабоғимдан чақади чим-чим.  
Сўнги илинж оҳ тортар гирён,  
Сен келмадинг  
келмадинг, гулим.

Ғамга ботар ғамнинг кўзлари,  
Зардоб тўла дил тилим-тилим.  
Наҳот, етмас сенга сўларим...  
Оҳ!

Қуринган сен-ку, сен гулим!  
Кел! Ғамларни осай, севгилим!  
Кел!  
Бағримга босай, севгилим...

### ЁЛҒИЗ ДАРАХТ (чизгилар)

#### I

Тарновларнинг кўзи лим-лим ёш,  
Қор тагида йиғлар ҳайқириқ.  
Чўмилади бир жуфт чағир тош.  
Нов остида сассиз қийқириб.

Том бошида мудрайди шамол,  
Сўнги япроқ зафарон-кбрахт,  
Хўрсинганча суради хаёл,  
Қип яланғоч, букчайган дарахт.

#### II

Бру кўкда титрайди титроқ,  
Жаранглайди жарангдан дара.  
Отилади ёниб, шарқираб,  
Нуркамалак — нурли шаршара

Шаршарада яйраб, ярқираб,  
Чўмилади бахтга тўлган бахт.  
Ҳаяжондан маъюс, мўлтираб,  
Энтикади букчайган дарахт.

#### III

Ёмғир каби сим-сим, симиллаб,  
Ёға бошлар қорамтир туман.  
Уҳ тортганча аста, имиллаб,  
Чўққиларга ёнбошлар осмон.

Уйқу босар. Осуда тушлар  
Оғушида ухлаб қолар вақт.  
Ойнинг оппоқ нурини тишлаб,  
Тўлғанади букчайган дарахт.

#### IV

Кўзин юмса — девлар галаси,  
Қўлларида болталар — чақмоқ.  
Олисларда ўрмонлар саси,  
Қайлардодир най чалар булоқ.

Болталарнинг ўтли чақмоғи,  
Танасида қарсиллар.  
Даҳшат!  
Олишмоққа келмайин чоғи  
Қалт-қалт титрар букчайган дарахт.



V

Кичриклари илинган маҳал,  
Ажиллайди бемаҳал кучук.  
Ҳар куни шу ҳар шом, ҳар саҳар,  
Уйғонади сесканиб, чўчиб.

Оппоқ ойдин осмон гуллари  
Очилади уфқда қат-қат.  
Кучоғига босар уларни —  
Тонгни қучар, букчайган дарахт.

МЕНИ ТУШУН

Мени тушун, кечиргил, мени:  
Кўр экан-ку, кўзи севғини!  
Севги деган сўқир туйғуни  
Тушунолмайдим адоман, ахир,  
Ўз-ўзимдан жудоман, ахир.  
Мени тушун, кечиргил, мени.

Ўйламоқчи бўлдим, сени кўп.  
Куйламоқчи бўлдим, сени кўп.  
Қийнамоқчи бўлдим, сени кўп.  
О! Дардимни айтайин кимга?!  
Бўйсунмади юрак дардимга, —  
Мени тушун, кечиргил, мени.  
Нима деркин бунга одамлар:  
Бахт истадинг, менга доимо,  
Бахт истадинг, мендан доимо.  
Ўзга ёрга меҳрим тутдим, мен.  
Ўзга ёрдан меҳр кутдим, мен.  
Нетай! Дардим дор қилди у ҳам,  
Муҳаббатга зор қилди у ҳам.  
Билсанг, қалбим таланган кўрғон,  
Вайронада чувалар армон.

ҚАВМИ ЙЎҚ КИМСА

Сенинг на қиёфанг, юзинг бор,  
На тусинг, на қўзинг, ўзинг бор.  
Соядек, шарпадек бесас, жим,  
Инсмисан-жинсмисан, билмам ким?  
Изма-из кезса-да, ҳар маҳал —  
Соя-ю, шарпалар — бехатар.  
Ҳеч қачон сўрашмас ошу нон,  
Сотишмас, отишмас ҳеч қачон.  
Қўлига бекор тош олмайди,  
Кимсан беҳуда чалмайди.  
Турса-да ҳар ишга тайёр-шай,  
Дуодан чўчийди, ҳар қалай.  
Сен-чи, сен на қарғиш, дуодан  
Кўрқмайсан, ҳаттоки худодан!  
Кимнинг имони саломат  
Бошига солурсан маломат.  
Хезлайсан чақмоқни жалага,  
Тезлайсан отани болага.  
Ҳар банда ҳайрондан ҳайрондир,  
Қадаминг етган уй вайрондир.  
Қирқ йиллик жўралар ёвлашар,  
Чоҳ қазиб, бир-бирин овлашар.  
Алҳазар! Минг бора алҳазар!  
Дастингдан ажал ҳам дарбадар.  
Ташна-зор бўлса-да жонингга,  
Ботиниб боролмас ёнингга.  
Ҳа, балки кўрқмассан ажалдан,  
Фақат бир ёвинг бор ажалдан.  
Чангаллаб туради бўғзингдан,  
Ўзинг — У!  
Кўрқасан ўзингдан!!!  
Сен шундай қисматга маҳкумсан,  
Борсану, аслида марҳумсан.



ТУЙ

(бир ватандош ҳикояси)

Яқинда денг, бир оғайним туширди келин,  
Бир тўй бўлди, эртақда йўқ гўзал тантана.  
Шодёнадан икки кун ҳам ўтмасдан лекин  
Ўша дўстим тўйга чорлов йўллабди яна.  
Гуноҳ эрур айтган жойдан қолмоқ ҳамиша,  
Тўйхонага кирган чоғи бўлиб қолдик лол:  
Келин — ўша, куёв — ўша, меҳмонлар ўша,  
Аввалги тўй-аввалгидек этарди такрор.  
Бу ёқларда беҳудага йўталмас биров,  
Роса ҳисоб-китоблиди ҳар сўм, ҳар чақа.  
Дабдабанинг сабабини англолмай дарров,  
Ҳайрон қолган меҳмонлар денг, ушларди ёқа.  
Нима экан иккинчи бор тўйни тўйламоқ,  
Тилсимли бу дабдабанинг мақсад-маъноси:  
Биринчи гал тантана зўр ўтган-у, бироқ,  
Сал хирароқ чиққан экан унинг киноси...

Нью-Йорк, 1991 йил.

АМРИҚО ҚАРОҚЧИЛАРИ

(ҳазил)

Қароқчилар босиб кетган орқа ўнгингни  
Йўлинг пойлаб турадилар лаҳза қадамда.  
Шилишга шай истасалар хаёл тўйини  
Фикр ўйнар ул зотларга дуч келган дамда.

Қароқчилар босиб кетган юрти азимни:  
Ўлтиришар дўконларни тўлдириб-тўлиб  
Улар-урмас, ёқалашмас, ҳатто таъзимда  
Қоқлашади чўнтагингни кулдириб-кулиб.

Қароқчилар босиб кетган бу мамлакатни:  
Бир гап бўлса чопқиллашиб ёнинг олурлар...  
Меҳрмикин, сеҳрми ё, яхши сўз билан  
Молинг надир, ҳатто ширин жонинг олурлар...

Вашингтон.

Абдусайд КЎЧИМОВ 1951 йил Самарқанд вилоятининг Ургут туманида таваллуд топган. Низомий номидаги Тошкент муаллимлар тайёрлаш олийгоҳини тугатган. "Тонг юлдузи" рўзномасида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Республика Вазирлар маҳкамасида хизмат қилди. Айни пайтда Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси раис ўринбосари вазифасида ишламоқда. Ўзбекистон халқ ноибидир.

Ўтган даврда серқирра ижодкорнинг насрий ва шеърый ўнга яқин китоблари ёруғлик кўрди. "Халқа" номли китоби учун Гафур Ғулум номидаги мукофотга мушарраф бўлган.



Юсуф Шодиметов,  
"ЭКОСАН" халқаро жамғармасининг  
президенти, профессор

## БИР ЎЛКАКИ...

Янги рух номини бекорга шундай атамадик. Ахир табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатгина жами тирликка яшамоқ ҳуқуқини беради, инсоният тараққиётини белгилайди. Бироқ XX аср бошқа ҳамма замонлардан кўра ўша мувозанатга тажовуз қилди. Инсон табиатдан кўп нарса ундираман деб ер, сув, ҳавони шу даражада булғадик, бундан қолган ва тобора кўпаяётган жароҳат унинг ўзига ҳам жиддий хавф соляпти. Энди бу бедодликка ҳеч ҳам чидаб бўлмайди. Шу боис аввало бу хавфни ҳаммадан кўра олдинроқ сезган табиат муҳофазаси жонкуярлари мардона жангга отландилар. Улар сафида ҳали тузилганига кўп бўлмаган жумҳуриятимизнинг нуфузли ташкилоти "ЭКОСАН" халқаро жамғармасининг борлиги юртимизнинг обод бўлишига, асл ҳолига қайтишига умид уйғотади. Биз уларни саҳифамизнинг илк меҳмони бўлишга таклиф этдик. Чумчуқ сўйса ҳам қас-соб сўйсин-да! Азизлар! Айниқса сизлар ҳақиқий аҳволни англашиб турган бу мулоҳаза ва таклифларга бепарқ бўлмаслигингизни истар эдик. Ахир ҳаммамизнинг жипс ҳаракатимиз билангина кўзланган мақсадга эришамиз. Шубҳасиз, "Мувозанат" рухни остидаги фикрларимиз ҳали давом этади. Бу мавзудаги энг долзарб муаммолар хусусида барча мутахассис ва жонкуярларни даврамизга таклиф қиламиз.

Шоир лутф этади: "Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди". Аллақандай равза ҳақидаги таъриф эмас, жаннатлардан-да гўзал Ўзбекистонимизнинг лўнда қиёфаси бу. Албатта, бунга ҳозир ажабланасиз. Ана, кўзингиз пирпираб, қошингиз уча бошлади. Негаки, юракдан чиққан сатрсиз кўрган ва кўпроқ дуч келаётган манзараларга унчалик ўхшамайди-да! Шоир сатри ўтмиш ва келажакнинг дилбар тасвири. Сизнинг норозилигингиз эса яқин мозийнинг дарди, бугуннинг ташвиши. Мен ҳам сизнинг сафингизда туриб, шоир гувоҳ, биз учун орзу бўлган юрт гўзаллиги учун курашмоқ истайман. Бунинг учун аввало ўтган давр мустамлака сиёсати табиатимиз қолдирган жароҳатни яхшилаб билиб олишимиз ва ундан кейин бу жароҳатни даволаш, иккинчи бор бу ярага йўл қўймаслик учун биргаликда ҳаракат қилиш керак, дўстим.

Афсуслар бўлсинким, ўша хўжасизлик даврида бу олтин диёрда суви булганмаган, тупроғи топталмаган, ҳавоси ифлосланмаган бирон бир мусоаффо жойни топиб бўлармиди? Амримаҳол. Аммо ишончим комилки, ҳаракат қилинса яна у жаннатмакон жойга айланади. Ахир биз бугун унинг чинакам эгаларимиз — фарзандларимиз. Унинг эртанги қиёфаси бугунги ҳаракатларимизга боғлиқ.

Эҳтимол, кимлардир ишонмаслиги мумкин. Бироқ биз тўшлаган маълумотлар — фалокат огоҳ этувчи қўнғироқнинг нидоси. Яхшиси, уларни мухтасаргина баён қила қолай.

Нега бизда жуда қисқа вақт ичида экологик вазият бунчалик даражада бузилиб кетди. Биров буни фан-техниканинг ривожланиши билан, саноатнинг бетўхтов хуружига, кўп жойни эгаллаб олишига боғлайди. Аммо дунёда саноати энг юқори бўлган давлатларда ҳам аҳвол бундай эмас-ку?! Чунки бизда саноат корхоналари қурилишида биринчи навбатда ишлаб чиқариш

қувватини кўтариш, охирги ўринда табиатни муҳофаза қиладиган ускуналарнинг ишлаши ҳисобга олинган. Атрофни соф сақлашга бу жиҳозларнинг кучи етмайди. Айниқса буни Ангрен — Олмалик, Чирчиқ — Оҳангарон, Фарғона — Марғилон, Навоий, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудидаги саноат корхоналарида яққол сезиш мумкин. Натижада бу корхоналарнинг заҳар-заққум чиқиндилари ўша ҳудуддаги тупроқ, ҳаво, сувни шунчалик буллаганки, бунда ҳаёт кечираётган инсон ҳолига вой дегинг келади. Масалан, биргина Фарғона — Марғилон саноат туманида атмосфера, сув ва тупроқ заҳарли моддалар билан шунчалик тўйинтирилганки, 8-10 минг квадрат чақиримдаги ер ости сув манбалари 1 миллион тонна саноат чиқиндилари билан ифлосланган. Не ажабки, бу саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир мисқоли ҳам ўзимизда қолдирилмасдан марказга ташиб кетилган.

Бевосита еримизга бўлган муносабатда ҳам шу манзаранинг гувоҳи бўламиз. Далаларимиз азалдан ҳосилдорлиги билан донг таратган. Маҳаллий ўғит билангина унинг кучига куч қўшилган. Беҳишда топилмас ноз-неъматларининг миқдори кўзини ўйнатган Масков тўраларига бу ҳам оз кўринган чоғи, янада ҳосилни ошириш зуғумини қилиб келдилар. Аммо унинг қолдирган асорати бугун ҳар бир бу юрт фарзандини титроққа солади. Қўпол бўлса-да еримиз гиёҳванд кимсага ўхшаб қолган. У шунчалик кимёвий дориларга бўктирилганки, суғориладиган ерларимизнинг 40 фоизда тупроқ заҳарланиб, ҳушига келолмай, иситмалаб ётган бемор ҳолидадир. Бир ёқда қарасангиз Оролимиз ўлим тўшагида, дарёларимиз унга етолмай ярим йўлда жилдираб ётибди.. Иккинчи ёқда эса миллион-миллион гектар далаларимиз сув остида, шўр остида хўрланиб ётибди. Бунинг оқибатида шамол эрозиясининг даражаси 20 фоизни ташкил қилиб, ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келяпти.

Ўйланмай босилган бир қадам минг бир фалокатларга олиб келиши мумкин. Буни экологимизнинг бир унсури бузилиши оқибати иккинчисига салбий таъсири ҳам тасдиқлайди. Орол денгизи яқин-яқингача дунёда энг катта кўл ҳисобланарди. У балиқчилик, овчилик соҳалари ҳамда кема қатнови қулайлиги билан ҳам аҳамиятга молик эди. 50-йилларнинг охири 60-йилларнинг бошида денгизнинг кўп йиллик ўртача сув сатҳи 53 метр, ҳажми 1061 кубометр, эгаллаган майдони 67 минг квадрат чақирим, чуқурлиги эса 67 метрни ташкил этарди.

Суғориладиган ерларнинг ортиб бориши билан 1991 йилга келиб, денгизнинг сув ҳажми уч баробарга қисқарди, сув сатҳи ҳам 37,7 метрли нишонгача тушиб қолди. Жанубий Орол бўйида эса аҳвол бундан-да ачинарли бошланди. Сувнинг камайиши билан атрофдаги 50-60 минг гектарни эгаллаган 50 дан ортиқ кўллар қуриб, бу ердаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига қирон келди.

Бу кулфат етмаганидек денгизнинг ва унга қуйилувчи дельтасининг қуриганлиги натижаси-

да тап-тақир жойдан атрофга туз бўрони ёғилмоқда. Ҳозирнинг ўзида бу 300 чақиримгача етиб, бутун Марказий Осиё табиатига жиддий путур етказиши мумкинлини билдирапти.


1975 йилда шундай қум бўронлари космосдан йилига бир марта қайд этилган бўлса, 1980 йилдан кейин йилига 90 мартагача кузатилаётганлиги, афсуски факт. Бу ёқда тузли сув оқиб, пахтачиликда 10 фоиз, шолчиликда 6-8 фоиз ҳосилнинг камайишига сабаб бўляпти.

Ҳа, бор сувимизнинг ҳам аҳволи — тозалиги ҳаминқадар. У ҳаддан ташқари булганган. Республикада сувни тозалашнинг 600 дан ортиқроқ иншооти мавжуд. Бироқ бу талабнинг ярмидан камроғини қондиришга кучи етади, холос.

Шу ўринда қисқагина қилиб, ҳавомизнинг софлигига ҳам назар ташлаб ўтмасак бўлмайди. Чунки унинг аҳволи ҳам юқоридаги унсурлари янглиғ муҳим ва ташвишланарлидир. Мана ишонмасангиз: ҳозиргача ҳавога 150 дан ортиқ турли хил саноат корхоналари чиқиндилари, газлар, кислоталар, буғ ва тутунлар чиқарилиб, унинг софлигини ниҳоятда бузаяпти. Ҳавога чиқиб кетаётган ифлос, заҳарли моддаларнинг 70 фоизига яқини транспорт, айниқса, автотранспортлар ҳисобига тўғри келади. Бу чиқинди ва газлар шу жиҳатдан жуда хавфлики, аввало улар ҳавонинг тирик организми нафас олаётган қисмига тушади ҳамда кўрғошин билан қўшилиб, мудҳишлигини баттар кучайтиради. Ҳар йил юртимиз ҳудудида шунга ўхшаш уч ярим миллион тоннага яқин заҳарли газ ва чиқиндилар чиқарилиб юборилаётганини бир тасаввур қилинг, бизни қандай даҳшатли хавф кутаётгани кўнгилни сирқиратиб юборади.

Мени англадингиз чоғи, бу саломатлигимизга қанчалик оғир асоратлар қолдираётгани ҳам бизни ҳушёрликка ундаши керак. Ўтган йилларда Ўзбекистонда вирусли сарғайма хасталиги билан йилига 200 минг, ўткир, юқумли ичак касаллиги билан 120-150 минг, типпаратифоз ва бошқа шунга яқин касаллик билан 8 мингдан ортиқ киши оғригани қайд этилган. Ҳатто вабо каби даҳшатли касалликнинг эпидемиологик хавфи ҳам долзарблигича турибди.

Бу маълумотлар шу юрт фарзандлари бўлган биродарларимизни қўрқитиш учун эмас, балки огоҳлантириш, кўзларини очиш учун келтирилди. Негаки бу аҳволнинг сабаби юқорида айтганимиздек, бировнинг биз устимиздан хўжаларча иш юритиб, бойлигимизга кўз олайтириб, шўримизни қуритишга уринганига бориб тақалади. Хайриятки, бошимизга истиқлол келди. Энди бу ҳалокатдан қутулиш ўз қўлимизда. Келинг, дўстлар, табиатимизга фарзандларча муносабатда бўлайлик. Ажаб эмаски, у ўз ҳолига қайтса. "ЭКОСАН" жамғармаси фаолларининг бош мақсади ҳам бу юртни яна олтин унадиган ўлкага айлантириш. Бу борада тинимсиз тер тўкаётган жамоамиз аҳли юқоридаги асоратлардан қутулишнинг тўлақонли дастурини ишлаб чиқди ва уни кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилди. Фақат бу эзгу иш барчамизнинг юрак амримизга айланган-дагина рўёбга чиқади.



Бахриддин Умрзоқов

Қадам  
Юзлик

Оқтоғ этакларидан бошланиб қадимий Нур йўлини кесиб ўтган пасту баланд Нурота қирлари кета-кетгунча бир-бирга уланиб, нақ уфққа қадар қўзилган. Шу боисми, кун ботар маҳали ажиб манзара юз кўрсатади: гўё уфқ қизиган тандиру қирлар қўл бўлиб ундан қизариб пишган тансиқ баҳорий нонни узайтгандек... Бу қиру эдиларнинг ҳар ер ҳар еридаги болишга тушган кичик-кичиқ ямоқдай қишлоқ овуллари ҳадеганда кўзга дарров ташланавермайди. Оқтоғ буларнинг барчасини — улкан адоқсиз даштлик билан қўшиб бағрига олган-да, худди ёмон кўзалардан асраб-авай-ламоқчи бўлган каби аширган; ёзи ҳаддан иссиқ — оловнафас гармсёлари тинка қуритар, изғирин қишининг тун-куни суяк-суяқдан ўтадиган даражада совуқ бу ўлканинг фақат баҳоригина кўнгилга ажиб бир гўзал тароват, хушнудлик бағишлайди. Бунда гўҳу амаллаб кун кеирувчи қимирлаган жон борки, атроф-жавонини афсонавий Боғи Эрамлардек гул-гул яшнатувчи бетакрор бу фаслни бутун қиш ичи бўлакча нек умидда илҳақу интиқ, орзиқиб кутади.

Баҳор эса кўп куттирмайди, ҳар сафар ҳам сездирмай, ўзгача — гўзал чиройи билан солланиб келади.

Ҳайҳотдек қишлоқда Азим Тошни танимайдиган одам йўқ. Ажабо?! — деб ёқа ушлайди киши. Кичкина жуссали, кўкдан кўра яшилга мойилроқ қув кўзалари ўйнаб турувчи бу кимса ёшу қарига маълум. Азим Тошнинг қиёфаси баъзида алмисоқ журналларимизнинг сўнгги бетларида босилиб турадиган бечораҳол қадим замон деҳқон сувратига жуда-жуда ўхшаб кетади: озрингана, ҳафтада майиздек буришган юзига сартарошхонадаги устара жонивор ё тегади ё тегмайди, оғир кесик ва ё яра-чақадан қолганми — қўшчандиқли бурни остидаги шоп мўйлови тамаки туғунидан сарғайган, тез-тез қашиб турадиган мағизранг пешонасида тўрт-беш йўл чувалчанг чизик. Ёзу қиш тўнтарилган носқовоқдай бошидан туллай деб қолган эски телпаги тушмайди. Тош шундай "қаттиқ"ки, ҳатто чексаём аяб, тежаб чекади; буням кунда икки бор — донасини албатта, бўлади, бирини ёғоч муштутига тикиб дарров тортса, иккинчи бўлагини зарилга деб кулочини ичига қистиради, унга жуда-жуда кумори тутгандагина қўли боради. Шу боисми-кан, уни яқинидан ўтган борки, тамакиннинг ўткир бўйидан бир баҳра олмай қўймайди. Гоҳида у чап кифтини хиёл кўтариб галати юриш қилади, аммо бемаза қовун тўнининг чиройингана диққатни тортгандай оёғидаги ковуш-маҳси бирам ярашганки ўзига — ҳай-ҳай, худди қуйиб қўйгандек.

Азим Тошнинг гувала девор билан ўралган ҳовлисининг қоқ киндигида шиферли уйи қад ростлаган. Ҳовлининг бурч-бурчидаги молхона ва тандирхона пистокيرانг қўштавақали ёғоч дарвозадан кираверишдаёқ кўзга ташланади. Яқин-яқингача бундай ҳовли Тошдақа пийда у ёқда турсин, олиққа ҳам йўқ эди. Эслағиси ҳам келмайди: пастак, томёғочлари эгри-бугри, деворлари панжакаш қилиб сувалган, атрофида экин қилишга бир парча тузук ери йўқ кулбада яшарди. Одамзод дегани балои азим, боши тошдан, ҳар қандай йўқчиликка чидар экан.

Қишлоқнинг кунчиқар тарафида тоғлар белига қайиш бўлиб қурумдек қоп-қора асфалт йўл ўтган. Йўл ёқасидан бутун қишлоқ ҳафтадигдек бўлиб кўринадиган баланд тепалик бор. Пастроқда — йўлнинг бериги ёғида ер тагидан сизилиб, жмирлаб булоқ оқади. Бир пайтлар тепалигу шу атрофни товۇқ катагидай гувала гиштли уйлар ўраб турарди. Энди бўлса текисланиб алламбало экиладиган бу тепаликда ярим танаси тупроқ остида қолган бир кўксултон, икки туп олма-ю, қатор самбиттоллар шабадада тебраниб, бир замонлар бу ерда инсон зоти яшаб ўтганидан гувоҳлик бериб туради.

Тепалик ёнида бир қабристон бор, ёзу баҳор — йил ўн икки ой бу ерга келувчилар кети узилмайди. Қабристон мачитига элтувчи йўл ҳозирда ном-нишони қолмаган ўша кўримсиз, ғариб кулбалар олдида ўтарди.

Тош бола-чақаси билан йўқчиликдан қийналиб яшарди. Бахтига поччаси қассоб — кимсан фалончи-дўлоб, номи кетган даллол эди, тез-тез қайнукаси ҳолидан хабар оларди.

Аммо шўрлик бевақт қазо қилгач, бор мол-мулк унинг ёш хотинига қолди-ю, Тошнинг оғзи ошга тегди. Тезда булоқ қуйроғидан ер олиб, ўзи-ю ҳамширасига алоҳида-алоҳида бинойидай ҳовли жой қилди. Хуллас, шу-шу Тошнинг иши юришиб кетди, тузуққина уй-жойли, ҳадемай қўй-қўзили, қўш ҳўкизли бўлди.

Одамзод қизиқ-да, кўпининг омади келиб қўлига жарақ-жарақ пул тушиб қолса, бас, кўзига дунё тор кўриниб, на тузук еб-ичади, на бинойи кийинади... Бировнинг биров билан иши йўқ замон ҳозир. Ҳар ким ҳам азалтидек ўз кунини кўради-да!

Азим Тош анча йиллардан буён қишлоқ таъмирлаш устaxonасига қоровул. Шериги бор, у ҳам мўйлов, икковлон навбати билан ишлашади: бир кун у, бир кун бу...

Бутун қишлоқни ахтариб Тошдай пишиқ-пухта, қаттиққўл кишини топиш қийин: ишхона билан уйи ораси бир тош йўл, шу сабаб опасиникига ойда беш-олти челақ ермойи олиб келишни ҳеч қанда қилмайди. Текинга нима етсин! Ҳеч нарсадан тап тортмайди яна. Жаҳлини чиқаргудек бўлса, хотиними у, боласими — аямайди, бошлаб таъзирини бериб қўяди. Бу эса рутубатли, қовоқ-тумшуги солиқ куз кунинда қаҳратон қиш изгирини эсандай гап...

Чор атрофи тоғу тош қишлоққа фасллар сулуви — чаккасига гулу баргақ таққан гўзалдек ҳўклам келди. Кунлар илган сайин баҳорнинг илиқ нафасидан пана-пастқам ерларга яширинган кир-чир қорлар ғилт-ғилт кўз ёшидек сув бўлиб ер баргига сингади. Қиш бўйи қор кўрпасига ёпинган қирларга энди бўзбола муртидек яшиллик сабза ўради. Дов-дарахтнинг чумчуқ тилидеккина куртаклари лаб оча бошлайди.

Баҳор анча серёгин келди. Кунора фируза осмонда увада, кир булутлар сузади. Кечга бормай баҳор шамоли уларни кунчиқарга ҳайдаб солади. Йўллар лой, ариқлар лабини хушбўй ялпиз, майса қоплаган. Кунботар палла кўча-кўйда одамлар тўп-тўп бўлиб йнгилиб сўхбат қуришади. Бир-бирини қувиб, елиб юрган болакайларнинг қийқириги, қизалоқларнинг қўнғирроқдек овози атрофни тутуди. Кексалар шукр қилишади: "Ҳа-а, бу йил хосиятли келди — насиб қилса, ўт-ўлан мўл бўлади", деб суюнишади.

Довучча аччиқ тортди — ҳадемай ҳамал оёқлайди.

Оқтоғ этакларида айни ўт пишиги пайти. Дашт ўти тизза бўйи бўлиб қолган. Бундай пайтда ҳар ким қишга кўпроқ хашақ тўплаш илинжида елиб югурди.

Тепаликдан кунботарга қараб юрилса, иккинчи бор гўристонга яқинлашилади. Гўристон мачитининг шундоқ ёнгинасида кичик дўнглик ястаниб ётади. Қишлоқ бағридан чиқиб бирлашган йўллар мана шу дўнглик ошиб ўтгану, қирлар оралиғига буралиб кириб кетган-да, кафтдек текислик — шудгор ерга олиб боради. От-уловли одамлар оқими баҳору ёзда шу ерга ошиқади.

Субҳидам. Куёш чиқмай Тош ўғилларини уйготди. Апил-тапил чой ичишгач, эшакни тўқимлатди. Рўмолга егулик турғди-да, бидончада сув, сўнг уч ўроқ, узун арқон, эгов олди. Хуржунга солди. Ўзи эшакда, икки ўгли пиёда йўлга тушишди.

Теварак-атроф жим-жит. Симёғоч чироқлари ҳали ёниқ, дайдиб юрган итлар кўзга ташланмаса, йўлда бошқа ҳеч зог кўринмайди. Қаердадир лайча улиди. Хўроалари қичқира бошлаган қишлоқ ортда қолди.

Баланд-паст қирлар оша илон изли йўл кетган. Эрталабки муздек ҳаво танини яйратади. Кўм-кўк мато янглиг кунчиқар тараф сутта чайилди. Тош мум тишлагандек жим, нуқул эшакни ниқтайди.

Йўл тугаб сўқмоқ бошланди. Шудгорга етмай уфқ мушт еган кўздек қип-қизаринди.

Одам қораси кўринмайди. Тош енгил тин олди. Ўт ташишга киришилганига икки кун бўлган, кўп ернинг ўтига ўроқ тушган. Белўроқдон серўт ерни излашга тушди. Ниҳоят... тўхтади. Тош эшакдан ириб тушиб, хуржунни олди. Эшакни узокроққа боғлатди. Сўнг енгил-тирсакларига хўп ямоқ тушган, ранги униқиб оқаринқираган чопонини ечди, буклаб хуржун билан бир четга қўйди. Ўроқларни қўлга олишди... Чаққон ҳаракатланётган қўллардаги ўткир ўроқлар бир маромда ўт қийратади.

Кун ёйилиб кетди. Илиқ шабада эсади. Пириллаб учаётган чумчуқлар чирқиллаши даштни тутди.

Ҳаш-паш дегунча учовлон анча ўт ўришди. Тош кетма-кет чучкирди, бурнини тер босган кафти билан ишқалаб қўйди-да:

— Қани бўл, эшакни обке! — деди катта ўглига.

Олим суяги бузуқ, бақувват йигит. Ҳарбий хизматдан келганига ҳадемай тўрт ой бўлади. Ўзи унамаса-да, уйдагилар уни уйлантиришмоқчи. Ноилож ахйри кўнди, бошини боғлаб ҳам қўйишди. У отасига ҳеч гап қайтармайди, босиқ. Оилада фақат Асил ўжар, бировга бўйин эгишни ўла қолса ҳам хушламайди. Қучоғига сиққанча ўт олиб отасининг орқасидан келади. Ўрилган ўтни бир ерга уюб, тўплаб арқон устига босишди-да, боғлашди.

Олим эшакни олиб келди. Ўтни ортишга чоғланишди. Бирдан эшак юриб кетди.

— Тек! Иш-ш! Иш-ш!..

Энди ортай дейишганда, эшак қурғур яна юриб кетди. Бутун қиш бўйи оғир ишга ишлатилмаган жонивор ўтни ортишларига бўйин товлаётгандек тихирлик қилар, бўйсунмасди.

— Менга бер! Ҳе сени... — Тош ғазабланиб халачўп билан эшакни кети-ю бошига сола кетди, ўтга яқин келтирди.

— Бинойи-ку, ана!

Йўқ, бу сафар эшак шалпанг қулоқларини диккайтириб, сўна чақаётгандек бетоқатланса-да, жилмади.

Ўтни ортишди.

Асил эшакнинг бўйиндан оёғини ўтказиб, чаққон миниб олди.

— Хих, хих!

Энди эшак юргиси келмаётгандек жойида тураверди. Жаҳли чиққан Тош ўглининг қўлидан қайта таёқни олди.

— Хих-э, падарлаънат!

Таёқ қарсиллади. Эшак жонивор олдинга юрди, думини хода қилиб зўр бериб ҳангради-да, сўнг... юриб кетди. Тош туприди, сўкина-сўкина халачўпни Асилга тутқазди.

Эшак йўртиб йўлга тушди.

Чошгоҳга бориб далани чигирткадай одам босди. Бир чеккада пода ўтлайди. Осмонда тўрғай нимадандир маст, берилиб сайрайди. Баландда аҳён-аҳёнда қанот қоқиб бир бургут сузади. Бир эшак ҳанграб қолса, бас, бошқаси жўр бўлади. Эгалари ўзи билан ўзи овора...

Куёш тиккага келгач, тушилик қилиб озгина дам олишди. Тош кўзларини бир нуқтага тикканча қотган. Олим отасининг қўлидаги ғадир-будур бўғинли бармоқларини тутиб турган муштукка тиқилган чимчилоқчадек учи чўғ папиросга хумор билан тикилади, сўрашга ийманади. Зорлиқ жим-жит, осуда.

Ишга шўнгишди.

Асил кечгача уйга беш қатнади.

Куёш ботди. Даштга зулмат чўкди, қорайиб бораётган осмоннинг ҳар-ҳар ерида юлдуз милтиллади. Кир қўл теккан яп-янги лагандек бўлиб ой сузиб чиқди. Сўнг Олтин Қозиз теппасида кафтдек жойга сочиб юборилган бир ҳовучгина тилла исирғадай Етти оға-ини кўринди. Ўнғир-ғунғир товушлар, бақириб-чақириншлар тоғ қўйинига сингиб кетди.

Кунбўйи одам тўла шудгор бирпасда ҳувиллади-қолди.

Тош уйга кела солиб гаражга шошилди.

Кута-кута тоқати тоқ бўлган шериги билан саму манга боришга оз қолди. Ахир у кун ботмай навбатни қабул қилиши керак эди-да!

Эртаси ишда Тошнинг ичини ит тирнагандай бўлди. Кунни минг азобда кеч қилди.

Уйга келди-ю, ўтиролмади, даштга жўнади. Ҳовлиқиб кетаяпти, кунботарга қараб-қараб қўяди: уфқда офтоб тухум саригидек бўлиб туриб қолган, унда-бунда парку булут ушоқлари ёнади — осмон этагига оловдан жияк тикилган...

Ярим йўлдан ўғиллари билан изига қайтди, ҳамма бирин-кетин шудгордан қайтар, истар-истамас чиқиб келарди. Олим уч, бу бу билан тўрт қатнаганини айтди. Тош бош қимирлатди-ю, чурқ этмади...

Эрта тонгда барвақт туришди, ул-бул еб олиб йўлга чиқишди.

Тонг шудринтига чўмилган ўтни ўроқнинг бир маромда шартиллатиб ўриши қулоққа хуш ёқади. Ора-сира ўт орасидан "пирт" этиб чигиртка сакрайди. Ҳамманинг "боши охурда", ўлиб-тирилиб ўт ўришади.

Тош ўроғини тезлаётганда ўғилларини зимдан кузатади. Негадир суст ишлашяпти.

"Текинтомоқлар! Ёйиш бўлса буларга..."

Асил отасига кўзи тушди-ю, шошиб қолди, кўзларини олиб қочди. Ўроқ бирдан муштдек юмалоқ тошга урилди, "йилт" этиб учкун чақнади, ўроқнинг ўткир дами чап қўлининг кўрсаткич бармоғи учини "шиг..." кесиб ўтди.



"Ах... онангни!" — Асил тирқираб қон оқаетган бармоғини ушлаб кесик ерини лабига босди, чучук қонни сўриб ерга туллайверди.

Нарироқда ўт ўраётган Олим бир пайт туйқус орқасига ўтирилди-ю, хуржун олдига югуриб бориб, чўккалаб олган укасини кўрди. Бу ҳолга тушунолмаб ҳайрон бўлди: "Боя оёғим увишиб қолди, деб баҳона қилувди. Яна ишламай нима қилиб ўтирибди?!"

Олим пешонасидаги терни қўли билан сидириб қад ростлади. Укаси томон юрди. Асил эндигина бармоғини боғлаб, ўроққа қўл чўзганди, орқасидан биров гапириб қолди...

Бир маҳал Тош қараса ака-ука жиққа мушт. Югурганича уларга яқинлашди.

— Ўй, ҳа?..

Олим йўғон бўйинини қашиган бўлиб отасига юзланди.

— Тезроқ ўр... нима бу ўламса қўйга ўхшаб қимирлаш десам, сенам отамдан қолишмайсан-а, кўк кўз, — дейди.

— Буми, буну кўп вақтдан бери қадам босиши бошқача, ўзи. Онасига тортган-да, жувонмарг. Ўзидан каттага гап қайтаради-я, тавба! Ўлдирсан ҳаққинг кетади... Ие, қаёққа?

Асил ўроқни ерга ташлаган эди, учи билан санчилиб қолди.

— Бўлди...

— А?

Қочишга улгуролмади. Кучли зарбадан ағдарилиб тушди. Қорнига тушган тепкидан кўзлари хира торти, тирқираб ёш чиқди.

— Дада! Дада-жо...

"Дурс" этиб чўяндек мушт иягига тушди. Оғриқдан додлаб юборди. Хирқираб қолди, оғзи бир зум қонга тўлди.

— Ў, мен заққумингта ошу нон деб кун бўйи оёқдаман. Буну ўйламайсан-а! Одамларни кўрмайсанми!.. Шу бугун ман бекор! Шу бугун! Сўзимни иккита қиласан, ман-на! Мана сенга! Мана!..

Асил теппасида кўзлари хонасидан чиққудек ғазабга тўлган, тер босган бўйинининг томирлари бўртиб, оғзидан тупук сачратиб сўкинаётган телбавор отасини кўрар, ҳар ичига тушиб, типирчиларди...

Уриб-уриб чарчаган Тош сўкиниб нари кетди. Чеккач, жимиди.

Олим ҳеч нарсани кўрмагандек қовоғини уйганча ўт ўра бошлади.

Асил узоқ чўзилиб ётди. Бурни битган, шининқираган кўзларида ёш қотиб қолганди. Тупирган эди, синган тиши тупиги билан ерга тушди. Лабларида кўпикланган қону лойни сидириб, бармоғини чалворига артди. Ўрнидан тураётганда ўнг қўли елкаси курагигача шунақаям қақшаб оғридики, додлаб юбораёзди. Кўзлари ёшланди. Зўрға тишини тишига босди. Беҳудага гап қайтариб одамларга томоша бўлганидан хўрлиги келди. Уст-бошини қоқди, ўроқни қўлига олди. Хомуш тортиб, ўт ўришга тутинди...

Ота-бола орасидаги совуқгарчилик ўт ўрими тугагунча давом этди. Отаси гапирса ҳам оғиз очмас, у айтилган ишни қиларди. Уша куну даштдан қайтгач, ойнага қараб кўрқиб кетди: кўз ослари кўкариб, ёрилган пастки лаби шишибди. Оғзини очиб қаради: бир эмас, икки тиши синибди. Симиллаб оғрияпти. Аламдан ғазаби қайнаб, қўллари мушт бўлиб тугилди. Эшик олдида ўзига тикилиб турган онасига қаради:

— Қачон бўлса ҳам отамни ўзим ўлдираман! Ўзим...

— деди. Бирдан маънос тортди, — бўлмаса, биз ўламиз унинг қўлида. Бу аниқ!..

Онаизор индамади, фақат боласининг аҳволига ачиниб, кўзларига қўйилиб келган кўз ёшини кўрсатмасликка тиришиб ташқарига чиқиб кетди.

Кўзда Олим отасига билдирмай Волгоградга кетиб қолди. Кетаёти онасига шундай деди:

— Онаси, мен қозларимни уч ой югуриб зўрға тўғирладим. Жўраларим билан келишганмиз... армияда. Энди қайтиш йўқ. Дадам билан айтишиб ўтиришни истамайман. Одамларга кулги бўлганимиз қолади. Шу...

Онаси хамир қораётганди. Бечора ҳангу манг бўлиб қолди. Ўзига келиб:

— Олимжон, нега... нега бундай қиялсан?.. Мен шўрликни ўлдиради даданг, эсингни йиғ, жон болам, — деди даҳшатга тушиб.

Кўкиш кўзлари сўлгин юзга, пир-пир учаётган қовоқларга тикилди.

— Унда... хат қолдираман.

Онаси йиғлаб-сиқтади. Бўлмади.

Олим кўнгли бузилса-да, ўзини тутиб, бўғиқ овозда:

— Бўлди, бас қил йиғини, она. Хайр!..

— деди.

Чиқди кетди...

Ишдан келган Тош молларга қараб Олимни сўради. Хотини қўрқа-писа узатган бир варақ қозғозда ҳарфлари қинғир-қийшиқ қўйидаги сўзларни ўқиди:

"Дада. Мен кетяпман... Ўз кунимни кўрмоқчиман, бирон икки-уч йил. Нима қиламан бу ерда. Уйланиш қочмас. Хавотир олманг. Кетаётганимни уйдагиларга айтганим йўқ. Яхши қолинг.

Олим".

Хатни ўқиган Тошнинг иши шу бўлдики, аламини хотинидан олди, "сен туққансан бу итларни..." деб шўрликни уриб, ёноғини ёрди...

Кунлар бир маромда оқиб ўтаверди.

Тош сиртдан билдирмаса ҳам, кечалари алла-маҳалгача ухломлай оҳ-воҳ қилиб чиқади, ўз отасини бепичоқ сўйган ўғлини сўка-сўка кўзи илинадию, алгов-далгов тушлар кўриб уйғонади. Бир оқшом кўрган туши ҳаммасидан ошиб тушди.

Уч-тўрт кун ўзига келолмай юрди. Қоровулликда эди, шундай гуш кўрди: "Сайқонлик... Елғиз ўзи, қоққан қоziқдек оёқда тик. Бирдан қаттиқ кишнаш эшитилди. Иккита от пайдо бўлди: бири қордай оқ, бири тўсдек қора. Эгарсиз отлар. Атрофида гир айланармиш пишқириб, кўзлари ёниб... Орқадан эса қандайдир таниш овоз эшитилармиш. Бундоқ ўғирлиб қарасаки отаси! Ё ажабо, худди ўзи! Уша-ўша тириклигидагидек: соқолли, саллали, қўлида ҳассаси. "Бер!" дермиш. "Нимани?" — Тош ҳайрон бўлиб сўрабди. "Бер, деяпман сенга! Муносиб эмассан унга. Бер!" "О, дада, нимани?.." "Бер, дейман... — отаси боши устига келиб, ҳассасини юқори кўтарибди, кўзлари қонга тўлиб, — берасанми йўқми?.. Бер-р!.."

— А-а! — Тош шудай қаттиқ додлаб ўрнидан туриб кетдики, сал бўлмаса даҳшатдан юраги ёрилаёзди. Деворни пайпаслаб чироқни ёқди. Беҳолгина каравотга чўкди. Юраги худди тушовини узмоқчи бўлиб депсинаётган отдек дукурлаб уради, нафаси қисилди, кўзлари қизариб кетган, вужуди қалтирайди. Сакраб туриб эшик олдидаги сув тўла сирланган челакака яқин борди. Қўш-қўллаб кўтарди-да, қўлтиллаб нафаси қайтгунча ичди. Анча енгил тортди. Ўрнига қайтди. Танасига муз югуртилаган бўлди, аъзои баданига ёпишган нарсасига қараса — тердан ҳўл бўлган яктаги.

Қайтиб ухломлади, хайрият, тонг яқин экан.

Кун бўйи тушида кўрганларини эсламасликка тиришиб, кунни кеч қилди. Навбатни топширди-да, тўғри опасининг олдига шошилди.



Росмини Акбарали Мамасолев чизган.

— Дадамни... туш кўрдим, — деди. Бошқа гапиролмади.  
— Айтдим-ов Ҳилолагу тунов оқшом раҳматли мени ҳам тушимга кирдилар деб. Дим, олдимда ўтирармишлар қовоғлари солиқ, — амма биқинига ёстиқни тортди (кейинги пайтда оёқ оғриқ, юролмади), — арвоқлар ўз яқинларидан дуо истаб умидвор бўлармиш. Эслаб, йилда бир худойи қилиш керак.

Тош жим.

— Шу ҳафта хатмча қил арвоқ ҳурматига...

Тош бош ирғаб маъқуллади. Дастурхон четдаги пиёрани қўлига олди. Олди-ю афти буришиб, шу заҳоти қайтиб қўйди: чойга тушган чивин... ўлим билан олишарди.

Декабр бошида Асилга ҳарбий комиссариатдан бир ҳафтада устма-уст қаҳирик қоғози келиб, ойнанинг ўн бешинчи кунда кетди...

Бу қиш оғир келди. Туну кун аёз, изгирин. Ерда тизза бўйи қор. Қуёш юз кўрсатмай чиқади, ботади. Майда мол зотига қирон келди. Совуқ олган, ажалидан беш кун олдин ўлаётган қўйларни энди ҳеч нарса: на ем-хашак ва на иссиқ жой сақлаб қолади. Одамлар ёпирилиб келган бу бало олдида ожиз. "Кўпга келган тўй", деб бор аламини ичга ютишади. Кўча-қўйда ё бир ерда гурунқ қизиса аввал бир-бирининг молидан ҳол-аҳвол сўрашади. "Э, ем йўқ, хашак йўқ. Жониворларни майда-чуйда хас-хўш, нишқўрт билан алдаб, сақлаб турибмиз, "Ем бераман, ўлма эшагим... наилож..." дейишади-ю, ич-ичларидан зил кетиб эзилишади, бировга сездирмай тонг қоронғусида ва ёки оқшом маҳали ҳаром қотган қўйларни култпа юқорироғига, қир ортидаги сойлику жарликларга судраб элтиб ташлашади. Култпа кун бўйи дайди, ўлимтик еб ўрганган итларга тўлиб кетади. Очқўз қузғунлар бемалол "қағ-ғ..." иллаб учиб қўнади. Кунлар илиса, бу ердан ўтиб бўлмайдими, бадбўйи ва сассиқ ҳид кўнглини айнитар даражада чор-атрофга таралади. Ҳаво сал илийди-ю, эртасига дарров айнийди.

Ариқларда сув музлаб қолган.

Чошгоҳ ва шомга яқин қишлоқ аҳли молларни сув бошига ҳайдайди. Суви илиқ булуқча оч балиқлар гужгон. Сувсираган сигиру бузоқларнинг сув ичишига халал беришади, ўпмоқчи бўлаётгандек лабларига ёпишишади.

Бону хола қизи мактабга кетгач, молларни ўзи сугориб келади.

Йўл култпага боргану, ўнгга бурилган. Сонсиз туёқ изларидан йўл қори шиббаланган, ҳар қадамда қўй қумалоглари, яхлаб қотиб қолган мол тезаклари... Изгирин муз тили билан юз-кўзини ялайди. Буруну ёноқлар қизариб, ачишади. Хола қўйлар ортидан калишини шайқлатганча келади. Йўталаётган ориқ қўйларнинг нафасидан енгил буг кўтарилади.

Шилини ўргимчак тўрлари қоплаган, ичи хийла қоронғу молхона кенгиш, узун. Бир бурчи сигиру бузоқ учун, бир бурчидаги қоziқ ёғоч билан ўралган жой майда моллар учун. Эшик ёнида — бир четда ёқилғи солинадиган каттакон идиш. Тўрда эса қуруқ ўт, сомон уюми, беда боғламлари...

Хола қўйларни қамади, нишқўрт йиғилиб қолган охурларга оз-оздан хашак ташлади. Бузоқ қарамади, кавш қайтарган бўлиб тураверди. Тағларини супурди, тозалади. Кейин оғил эшигини ёпди. Уйга кетди. Хона исибди... Бошидаги ёпинчигини девордаги миҳга илди. Тўрдаги кўрпача четда ётган мушук шишадек кўзларини йилт эткизиб бир очди-ю, қайта юмди. Печкага озроқ кўмирдан солди. Юпқагина муз қоплаган дераза шишалари тер босибди, ташқари ғира-шира кўринади.

Хона бурчидаги сандиқдан кичкина тугунчани олди. Кўрпача устига ҳорғин чўкди, тугунчадан калава ип, сим тўқигич ва эндигина тўқишга киришган жемперни олди. Буну бошлаганига уч кун бўлди, Асилга тўқияпти. Симларни ўша ясаб берган. Пайпоқ тўқишни қўшнисидан ўтган қиш ўрганувди. Энди жемпер тўқиб қўйсин, таътилга келса, балки олиб кетар. Ана, Бўривой пайвандчининг ўғли келиб кетди-ку!

Девордаги думалоқ соат занг урди. Ўти гурилётган печка устидаги темир чойнак қоңқоғи шанғиллади, чўччайган лабидан фишиллаб буг чиқа бошлади.

"Қайнади... Соатга бир бўлди. Ҳозир кеп қолади булар мактабидан. Ё пирим-эй!.." — хола ўрнидан турди. Чой дамлади, сўнғ печ устидаги чойнакка "пух-х..." иллатиб совуқ сув қўйди. Дастурхонни ёзди.

Яна симу ипни қўлига олди.

Тўқийтгани ангор эчкисининг жуни, асл момиқ қуён терисидай алтирайди. Ипини йиғириб бергани учун қўшнисини — қассобнинг хотинини берган.

Холанинг хаёли бўлинди. Кимдир ташқарида "тап-тап" оёқ қочди. Эшик очилди, шолғомдек қизариб, қўлида сумкаси, қизи кирди.

— Ух-х!.. Уй иссиқ-а? Мактабхона бирам совуқ, ҳақ ўлади-е одам яхлаб... она сизга маза, ўқимайсиз, — кулиб қўйди у палтосини еча туриб.

"Хах болагинам-а... биз тенгилар кўрган кунни худойим сизларга кўрсатмасин", — хола лаш-лушини четга қўйди.

Дастурхон бошига ўтиришди.

Хола чойни қайтарди, пиёлаларга қўйди, бир-бир узатди. Белини ёйдек буккан мушук "хўр-хўр" товуш чиқазиб, Ҳилолага яқин келди. Суйкана бошлади.

— Пишт-э, буни... — Ҳилола тирсағи билан уни ўзидан нари сурди.

Чой ичишгач, дастурхонни йиғиштиришди. Сукунат, фақат соат чиқиллайди.

— Она, мен аммамнинг олдига кетдим, — деди бир маҳал соатга қараб олган Ҳилола, — ўзлари касал, мени келмади, деб йўлга қараб ўтиргандирам...

— Борақол, қизим, — чуқур нафас олиб хўрсинди она, калавага қўл чўзди.

Ҳилола рўмолини бошига яхшилаб ўраб, жун пайпоғини кийди. Даҳлизга ўтди, калишини оёққа илди. Уйдан чиқди.

Кўчада ҳеч кимса йўқ, бундай совуқ кунда ким ҳам остона ҳатларди... Қутуриб гувиллаётган шамол эрталаб тонг қоронғусида сепаланган қорни томлар устидан тўзгитиб, дов-дарахтнинг яланғоч шоҳлари билан ўйнашади. Симёғоч учига илиглик кўча чироғи бошига кийдирилган темирни сарак-сарак қилганча "уят!.. уят!" деяётгандек хунуқ чийиллаб гувиллашга жавоб қайтаради. Тўзгийтган қор зарралари юз-кўзга урилади. Ҳилола қадамини тезлатади...

Ишдан чиқиб опасини кўриб қайтган Тош ҳовлига келди-ю, тўғри молхонага кирди. Бу одат бўлиб қолган: молларни бир қур қўздан кечирмаса кўнгли жойига тушмайди. Айтишга осон — ўн та қўй ҳаром ўлди, жони ҳалқумига келиб юрибди.

Молхона ичига қадам босди-ю, эшик олдида челақка кўзи тушди.

Молхона ичига қадам босди. Бир четдаги челақка кўзи тушди. Пешин юбортиргани... ўғит. "Э, бу хотин... Эрта ёз экин-тикинга асқотар деб не умидда олсангу, тайёрини саришталамаса. Қўйган ерини қара. Туздай бу... моллар ялаб қўйса нима бўлади..." Олди. Шипга — миҳга илди. Нарироқда ётиши бир ғалати чўзиглик сигир кўринди. Қимир этмайди.

Яқин борди. "Ҳа отасини гўрига... бу хотинни. Бир молга қаролмайди!" Энгашди. Кўрдик, сигирнинг сўлаки хўп оққан, оғзи кўпик... Жонивор зўрға нафас олаёпти, қорни обдон шишган, нақ ёрилай-ёрилай деб тургандек...

Чўчиб орта тисарилди. Кўзлари ўт бўлиб чақнади.

— Норбони-и! — деб қичқирди Тош телбанам, ташқарига отилди ва шу асно... хотинига рўпара келди.

Эрининг келганидан беҳабар, жемпер тўқиб-тўқиб печка олдида иссиқ элтиб кўзи илнинган Бону хола уйгонгач, кеч кираётганидан ташвишланиб ўғлини уйготган, молларга кечлигини ҳозирлаш учун эндигина оғилга яқинлашганди. Бирдан қўрқиб кетиб, кўксига гуф-туфлаб жойида қотди.

— Ҳа?.. Эсхонам чиқай депти. Ҳай...

— Бунга қара, қанжиқ! Сигирни ўладиган қипсан-ку!

Бону хола даҳшатга тушди, боя тушдан ўтиб, жонивор елин қилган — ҳар кунгидай озгина кепакни сувлаб берувди челақдаги янги туздан солиб... Биноийдай еб эди-ку...

— Мангина ўлай.. Билганим йўқ бу сабилни...

— Билмапсан?! Ҳа онагинангни...

Хола дарвоза томон қочди. "Тўхта!" — юрагини орқага тортган бу ҳайқириқни эшитар-эшитмас кўчли зарбдан икки қадам олдинга ерпарчин бўлиб учиб тушди. Шунда темирдай чангақ қўллар унинг сочи-ю, қўлидан ушлаб уй тарафга судради.

— Мен мол деб ўлиб юурсам, сен нимачисан?.. Ман-на! Ҳу онангни... сен расвони!

Тош хотинини даҳлиз эшигидан ичкарига ура-ура олиб кирди.

— Сен касофатти бефаростлигиндан молим қирибди. Бу нима энди?! Мени кўрғадой, хонавайрон қилмоқчимисан ҳали...

У хотинининг қорнига тепар, тезак ҳиди анқиб турган мушти билан бошига туширар, хириллаган овози бўғилар, бўкириб сўкинарди.

Турмоқчи бўлган хотинининг кўкрагига тепувди, "О-ооҳ!..." деб хола кўксини ушлаб гандираклаб кетди: "Единг мени... азройил..."

Тош унинг тўзгиган сочидан ушлаб бошини деворга урди.  
— Вой боше-еем!... — чинқирқидан уй деворлари зириллаб кетди.

Хотини кўзлари юмилиб, оёқлари чалишди, остонага етмай ўроқ еган қамишдек ёнлаб йиқилди.

Тош тупириб унинг устидан ўтди, ҳовлига чиқди, офилхона олдида туриб-туриб бош чайқаб қаншарини қашиди-да, кўчага чиқиб кетди.

Қоронгулик чўқар-чўқмас Ҳилола шошиб-пишиб кириб келди. Онасини кўрди-ю, даҳшатдан эсанкираб ташқарига отилди...

Даҳлизга қадам босган қўшни аёл қути учиб тўхтаб қолди. Хона бурчагида деворга зўрга суяниб тураётган Бону холани таниб бўлмас, аъзойи-бадани кўкариб кетган, қон қусарди.

Кимдир келганини сезган хола бошини кўтариб қаради, бир қадам босди-ю, "А-а...аах" деди жон аччиғида, бир қўли деворда, кўйлаги ёқасини ғижимлади.

— Ке-лин... — деди титраб, қўрқиб орқага тисланган қўшнисига, — ҳеч кимга айтманглар. Давленам ошиб кетди, холос...

Тагин отилиб келган ўқчиқдан энгаши-ю, қайтиб гапиролмади. Суяб хонага олиб кириб, ётқизишди... ҳаммаёқ қонга бўянди.

Холанинг кўкрак қафаси синган экан.

Эртасига намозгар палла, эри ишга кетгач... узилди.

Улимидан олдин хизматдаги ўғлидан келган хатни, тўқийтган жемперини сўради. Ҳилола пиқ-пиқ йиғлаб, лабини тишлаганча айтилган ирсаларни олиб берди.

...олгач, жўралари билан бирга тушган — солдат кийимидаги жилмайиб турган ўғлининг сувратига қараб-қараб, сўнг ўпди, унсиз йиғлади-да: "Майли болам... дийдорингга тўёлмай кетяпман. Мендан рози бўл-да..." деб шивирлади. Суратни бағрига босди. Кейин тўқиб тугатолмаган жемперига узоқ тикилди. Кўзида ёш, шифтга боқди: "Мен сенинг болаларингни кўрмоқчийдим болам... Ат-танг!..."

Хешларига, болаларига қаради, Олимни эслади.

— Рози бўлинглар... мендан...

— Она... онажон ундай деманг.

Онаизор қизига қаради. Бир қўли кўксига, иккинчисини унга чўзди. Қизининг бошини силади, бирдан қўли мажолсизланди, кўз ёшдан ҳўл бўлган юзни сийпалаб пастга сирғалиб тушди. Боши ўнг елкасига оғиб, нурсизланган кўзларидан икки томчи ёш силқиб, ёноқдан қуйига, юмалаб ёстиққа томди-ю, туриб-туриб сингиб кетди...

Онасининг қирқи ўтгач, бир оқшом сигирни соғиб, молларга хашак бериб қайтаётган Ҳилола супа лабида ўтирган аммасига пастгина товушда — биров эшитишидан қўрққандек:

— Уша кунни челақни сизниқидан обкелиб, молхона эшиги олдиға мен кўювдим. Эсим курсин, қоронгига қолмай деб шошганимдан онамга нималигини айтмай, кетиб қолибман... Қўрққанимдан... бунни дадамга айтмагандим, — деди ва шошиб қўшиб қўйди: — яна айтиб қўйманг... — шундай деб у анграйган аммасига эътибор бермай, ўйчан уйга кириб кетди.



Нормўмин ЭРКАБЕК

\*\*\*

Жўшқин кўзлар, гунча лаблар майин кулиши,  
Ойюзларнинг қизариши, яшнаб тўлиши  
Хаёлимни олиб оппоқ қуш каби ўтди,  
Ичимни бир дил ҳаприқиш, бир фарёд тутди.  
Висолида туриб гўё туш кўрадирман,  
Оёғимнинг остини ё бўш кўрадирман.  
Афсонавий бўйларидан гуллайди сабо,  
Рашким қўзғаб, жисми узра у беҳуш само.

\*\*\*

Одамларга озор айласам,  
Зардобларга тўлғай юрагим.  
Йўлга ўзни бекор шайласам,  
Азобларда тўлган юрагим.  
Мислсизди мендаги туйғу,  
Мислсизди мендаги қайғу.  
Хазон тўзгин севги боғларим,  
Бир сукутга чўмган чоғларим,  
Хилват бориб, бағримни тилдим,  
Оғир-оғир фарёдлар қилдим...

### ТЕМУР АРВОҲИ

Қуёш ётоғига кетди сўламан,  
Қўнғил ваҳма босиб, беҳол бўламан.  
Ўқтин-ўқтин кўзга кўринар арвоҳ,  
Ким дейман, Темурми? Четда турган, воҳ...  
Ғалаёнда ранги ўчган юзлари,  
Зулматда ярқ этиб ўтган кўзлари.  
Ҳарчанд оёғимга кела билмасман.  
Тутган қиличини нега олмасман?  
Мен-ку соқов бўлсам, нега индамас?  
На ўннга на сўлга юр деб ундамас.  
Ҳаяжондан дарё бўлиб тошаман,  
Мен фақат уйимга, уйга шошаман...

Нормўмин ЭРКАБЕК Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Кўлчиал қишлоғида 1964 йилда туғилган. Низомий номидаги педагогика олийгоҳида таҳсил олган. Ҳозир Тошкент Давлат Аграр дорилфунунида ишлайди. Шеърлари республика матбуотида эълон қилиниб келади.





Гаффор ХОТАМ

## Севинчда армони яширин

1. Қисмат деган тушунча моҳият эътибори билан жуда теран маъно англатади. Кўп қадим бу заминда ҳаёт шарпаси кеза бошлаганидан буён Одам Атою Момо Ҳавонинг бирон-бир фарзанди ўз қисматидан қочиб қутула олгани йўқ, шунинг баробарида етмишинчи йилларнинг шоиру носирлари ҳам...

Гоҳи-гоҳида турли хил сабаб боис киши қайрилиб ўз ортига — эмаклаб ёхуд босиб ўтган ҳаёт йўлига бир-бир назар ташлайди, бирда қаноат ҳосил қилса, бирда надомат туяди. Шундай дамлар гоҳи ҳали чўғи ўчмаган куллар, унинг теварagini олиб ўтирган ёш-яланг, гарчи бугун бирон-бир кимса эслашни истамаса-да, ўша кезлар калака ва кулгига сабаб бўлган нажот қаъласи бир-бир хаёлдан кеча бошлайди. Ва шунда қисмат деган маъҳум тушунча бизнинг саъийи ҳаракатимизни кўздан қочирмай кузатиб турган нуроний шамойилида юксалади-ю, унинг мийиғида акс этган ифодани кўришни истамай беихтиёр юзингни ўгирсан киши.

Нима бўлганда ҳам бу авлод Сўзга ва санъатга жиддий ёндашиш заруратини туғдиришга муваффақ бўлди.

Бу авлод чигал муҳитда мавжуд бўлган борки қийин-чиликни бошидан кечирган, сир эмас, ҳозир ҳам ағир елкасини машаққатга тутиб бериб турибди, шунинг учун ҳам ҳамтенгларим шаънига ортиқча бир нописанд сўз айтиш мендан лозиммас.

Учқур ва рангин хаёл ошуфта этган; капалак кува-кува бўлак бир манзилга кириб қолган болакай каби сирли бу хилқатга қадам босган бу авлод кўнглида агар нималар борлигини билмоқ истасангиз, уларнинг юрак уриши сезилиб турган асарларини мутолаа қилинг. Шунинг ўзи кифоя.

2. Бу авлод, ҳар ҳолда, она сутига тўйинган, демоқчиманки, чинакам санъат асарларидан чанқоғини боса олган ва шунинг учун ҳам Сўзга масъулдир.

Ўз "мен"ини бағоят қадрлайди, шунинг баробарида Ватанни англамак саодати ҳам уларни четлаб ўтмаган.

Асосийси, ўтмишдошлари бошидан кечирган таъйиқ ва ситамлардан холи, журъатли улғайди. Яна шуни ҳам англаб етишдики, ўлжага лочин каби човут солиш лозим, ҳозирги шароитда бу ҳеч бир зиён келтирмайди, жиллакурса, тирноқларингни ботириб оласан-ку, ахир.

3. Инсоннинг туйғулари шоҳмот доналари эмаски, уни тартиб билан териб чиқиб, бир-бир назардан кечирсанг, сўнг "Буни қара-я, бармоқнинг учи тегавериб, қайроқдай ейилиб кетибди-я, дея ҳукм чиқарсанг.

Ҳатто жуда собит туюлган дунёнинг ўзи шунчалар ўзгариб бораётган экан, инсоннинг кўз қараши асл ҳолича сақланиб қолиши мумкинми сира? Оёқ остида қолган майсалар каби қайси бир туйғулар маҳв бўлаётир, қуёшдан нур эмган кўкатлар янглиғ қайси бир туйғу барқ ураётир. Ва бу табиий ҳолдир.

Аммо шундай туйғулар ҳам борки, улар ақиданинг асосини ташкил этади. Азиз ва мукамбар бу туйғулар аввал бошда ҳам муқаддас бўлган, шунингдек, ҳозир ҳам.

Жажжи гўдакнинг киприкларида илиниб турган кўз ёшнни кўрган маҳал кимнинг юраги титраб кетмайди дейсиз, ёхуд ушбу тизма ярадор оқ қушлар каби тизилиб... хаёлингдан кечса:

Мен ҳам тунлар баъзан йўлга қарайман.

Мунаввар қуёшга кўксимни очиб.

Сенинг хаёлингдан мадад сўрайман,

Сенинг хаёлингга бораман қочиб.

4. Сиз айтмоқчи бўлган фаслда чўбир отга мениб олиб, барчамиз ҳам ўзимизни талотўпга урдик, албатта, Некрасов шоир бўлмасанг ҳам гражданин бўл, дегани учун эмас. Юракини ўртаб ётган дарду оқни ёзувчилар айтиб чиқмаса, ким айтар эди, ахир?! Миллатнинг ўзлигини англашида бу Сўз, бу саъийи ҳаракатнинг таъсири чексиз. Аммо...

...гоҳи ёлғиз қолган пайтларинг титилиб кетган китобни қўлга олиб, унинг сарғайган саҳифаларини ҳорғин варақлар экансан, дейлик, Гюстав Флобернинг Луиза Колега ёзган мактубига кўзинг тушади, ишқий номани ўқий бошлайсан, ва тусанки, бир ярим асрлик муҳлатни итқитиб ташлаб адибнинг сирли ҳаяжонини, ҳар бир сатрга яширин ўтли нафаси сенга довура келаётир. Шунда ва ёхуд хонанданинг бўлак бир дунёдан таралаётгандай туюлгучи илоҳий саслари мудроқ хонанга сизиб кирганида...

...баногоҳ титраб кетасан киши. Тилсимли дунёлар хулёси хаёлингни банд этади.

Лекин кўнглида шукр бор, таскин шундаки, шу Кунларга ҳам етказди. Ўзи, шуни ҳам англатаётир...

5. Севинчда армони яширин авлод

Нечундир шундай дегим келади.

Ўкинч шундаки, шуқуҳли эврилиш қисматда бор экан, нега у аввал — дейлик, биз дунёни идрок этаётган маҳал содир бўлмади ахир?!

Тақдири азал.

Ҳар ким ўз қисматини яшаб ўтишга маҳкум, моҳиятини қандай кечирши, ортингда қандай из қолдириши билан боғлиқ, албатта.

### ЖОРИЙ САВОЛЛАР:

1. Сизнингча, 70-йиллар адабиётига кириб келган авлод зиммасига ҳаёт қандай масъулият юклаган эди? Бу авлоднинг ўз олдига қўйган мақсади ва ўй-режалари нималарда бўртиб кўзга ташланади?

2. Сиз 70-йиллар авлодига хос бўлган типик хусусиятни қандай изоҳлайсиз?

3. Адабиётга энди кириб келган кезлардаги туйғуларингиз билан айни ёшдаги туйғуларингиз ўртасида мувофиқлик сақланиб қолганими?

4. Юртимизда қайта қуришнинг бошланиши ва сўнг жумҳуриятимизнинг мустақилликка эришиши сиз мансуб бўлган авлод ҳаёти ва ижодига қандай ислоҳлар киритди?

5. Агар 70-йиллар авлодини номлаш зарурати туғилса, сиз уни қандай авлод деб атаган бўлардингиз?



# ЖУМА, ун учинчи кунга тўғри келмайдиган ишлар билан машгул бўлади.

Биз умид билан яшаймиз. Мунажжимлар қандай тўфонларни ваъда қилишмасин, йўлимизни қанча қора мушук кесиб ўтмасин, барибир остона ҳатлаб кўчага чиқамиз, асло изимиздан қайтмаймиз. Ойнинг ўн учинчи кунини ваҳм солиб яқинлашганда ҳам, ҳатто бу кун жумага тўғри келган тақдирда ҳам пинак бузмаймиз, уларнинг барчасига ақидаларистларнинг бир "эрмаги" сифатида қараймиз. Ҳолбуки, кишиларнинг жума, ўн учинчидан ва умуман 13 рақамидан чўчишларида намоён бўлувчи бу "хурофий ақида" олимларнинг мушкул тилида "трискедата-фобия" деб аталади.

1930 йили сэр Генри Сигрейв ақидаларга қарши бориб, 13 июн жума кунини моторли қайиқда юзиш бўйича рекорд ўрнатмоқчи бўлди. Теаликни соатига 98 милгача ошириб, у ўз мақсадига эришди. Бироқ пойга тугади деганда туйқус қайиғи тўнкарилиб, сэр Генри ҳалок бўлди.

Бутун дунёда жума, ўн учинчи кунини касалхоналардаги тартибга путур етади — бирорта ҳам бемор бу кунини жарроҳлик сўрасига ётишни истамайди.

1147 йили, жума, ўн учинчида Рум руҳоний отаси Евгений II Парижга келди. Рўзанинг бешинчи кунини кетаётгани боис, шаҳарликлар аъло ҳазратни анча беҳол қарши олдилар. Бу ҳазратга оғир ботди ва у жумани пайшанба деб ҳисоблашни амр этувчи фармонга муҳр босди.

Аксарият динларда ё жума кунини, ёки ўн учинчи кун хайрсиз деб ҳисобланади ва фақат насронийларгина унисига ҳам, бунисига ҳам салбий муносабатдалар. Жума шунинг учун лаънатланадики, шу кунини Исо Масих чорчўпга миҳланган, 13 рақамига қарғиш тегишининг сабаби шундаки, Махфий Йигин чоғи дастурхон атрофида айнан шунча меҳмон ҳозир бўлган.

Боб Ренфри умри давомида тўрт бор бахтсиз ҳодисага учради: биринчи бор йиқилиб қовургаси синди, кейинги гал дарёга қулаб, сал бўлмаса чўкиб кетаёзди, сўнг уни мототсикл уриб кетди ва, ниҳоят, у хаёл билан бўлиб ёпиқ ойнаванд эшикка юзтубан келиб урилди... қизиги шундаки, бу бахтсиз ҳодисаларнинг барчаси жума, ўн учинчи кунлари содир бўлган. Шунча "саргузашт"ни бошдан кечирган, Боб бўлак тақдир билан ўйнашмасликка аҳд қилди ва энди ҳар жума, ўн учинчи кунини уйда, тўшакдан турмай ўтказди.

1791 йилда Британия ҳукумати денгизчилар орасида кенг тарқалган ақидаларга қарши кураш бошлашга қарор қилди. Икки бора қарғиш теккан кунда йирик кемалардан бирини қуришга киришилди. Унга гуноҳдан чўчима "Жума" деб ном қўйишди. Кема жума кунини битказилди ва шу кунини сувга туширилди. Тайинки, Лондондаги кўрфаздан ҳам жума кунини денгизга чиқди. Шундан сўнг кемани ҳам, ундаги одамларни ҳам ҳеч ким қайтиб кўрмади. Уларнинг тақдири ҳанузгача номаълум.

"Жоржтаун продакшн" ва "Парамаунт" (АҚШ) кино ширкатлари учун "Жума, ўн учинчи" номли даҳшат уйғотувчи филмлар мажмуи ниҳоятда омадли бўлди. 1980 йилдан буён ҳар бир суратга олинган филм ва улар муҳрланган видеокассеталар кино корчалонларига милёнлаб доллар фойда келтирмоқда. Филмнинг учинчи қисми чиққач, Ҳолливуддаги нуфузли нашрлардан бири — "Верайети" шундай деб ёзди: "Биринчи филм хийла бўш эди ва у яратувчиларга 17 милён фойда келтирди. Иккинчи филм савия жиҳатидан биринчисидан унча узоқлаб кетмади ва 10 милён доллар миқдоридан даромад берди. Учинчи филм ҳам даҳшатли даражада расво чиққанини эшитиб, проюсерлар, ҳойнаҳой, дўппиларини осмонга отишса кераг-ов". Биз фақат шунини қўшимча қилимоқчимизки, мазкур номдаги кейинги филмлар (тўртинчидан еттинчигача) ҳам юқорида зикр этилмиш анъанага путур етказгани йўқ.

Ойнинг ўн учинчи кунини тўғри келувчи ҳар жумада Филадельфия (АҚШ)даги "Жума-13" дея аталувчи жамият ўз аъзолари учун кўнгилочар базм ташкил етади. Тўқин дастурхон атрофида еб-ичилганидан сўнг, меҳмонларга хурофий ақидаларга қарши кўнгиллари тусанган йўллар ва воситалар билан курашиш таклиф қилинади: кимдир кўзгунини уриб синдиради, кимдир зинапоғ тагидан ўтади, яна кимдир остонада ястаниб чордона қуради... Хуллас, барча одамлар орасидаги тамойилларга тўғри келмайдиган ишлар билан машгул бўлади.

1990 йил, 13 октябр — жума кунини Аргентинанинг Буэнос Айрес шаҳрилик Марио де Гуйя газак отган бош бармоғини доволатиш мақсадида касалхонага ётди. Оператсия олтидан бемор оғриқни сезмасин учун унга танани карахт қилувчи дори беришди. Де Гуйянинг юраги буни кўтаролмади ва сал бўлмаса нариги дунёга жўнаёзди. Беморни дарҳол кислородли камерага ётқиздилар. Бу ерда у яна касал юқтирди — қурсоқ пардаси яллиғланиши рўй берди. Бироқ бу билан ҳам иш тугамади: де Гуйяни хонасига олиб кетишаётган пайт у замбилдан ағанаб, оёғи ва ўмров суяғи синди.

Тақдир билан ўйнашишни ҳушламайдиганларга гапимиз: илло-билло жума кунлари кулманг, айниқса, агар бу кун ўн учинчига тўғри келса (ким жума кунини кулса, яқшанбада кўзёши тўқади); шунингдек, асло бу кунини тугила ҳам кўрманг...

## ВИДЕОКЎЗГУ

### 1993 ЙИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙФОТГАН ФИЛМЛАР

1. "Қуш зарба" (Double Impact). Жанг-жадалли филм. АҚШ. Режиссёр — Шалдон Латтих. Бош ролда: Жан Клод Ван Дамм.
2. "Кичик Токийодаги тўқнашув" (Showdown in Little Tokyo). Жанг-жадалли филм. АҚШ. Режиссёр — Марк Л. Лестер. Бош ролларда: Долф Лундгрэн, Брандон Ли.
3. "Яланғоч тўпчоңча 2 1/2" (Naked Gun 2 1/2). Ҳазил-мугтойибали филм. АҚШ. Режиссёр — Жерри Закер. Ролларда: Лесли Нилсон, Приссилла Пресли.
4. "Универсал аскар" (Universal Soldier). Жанг-жадалли фантастик филм. АҚШ. Режиссёр — Роданд Эммерих. Бош ролларда: Жан Клод Ван Дамм, Долф Лундгрэн, Элли Уокер.
5. "Қамалда" (Under Siege). Жанг-жадалли филм. АҚШ. Режиссёр — Эндрю Дэвис. Бош ролларда: Стивен Сигал, Томми Ли Жонс.
6. "57-йўловчи" (Passenger 57). Қўрқувда тутувчи жанг-жадалли филм. АҚШ. Режиссёр — Уэвин Хукс. Бош ролларда: Уэсли Снайпс, Брус Пэйн.
7. "Сўнгги бойскаут" (The Last Boyscout). Жанг-жадалли филм. АҚШ. Режиссёр — Тони Скотт. Бош ролда: Брус Уиллис.
8. "Жосус" (Hitman). Политсия фаолияти ҳақида. АҚШ. Режиссёр — Ахарон Норрис. Бош ролда: Чак Норрис.
9. "Тухта! Йўқса онам отиб ташлайди" (Stop! Or My Mom Will Shoot). Политсия фаолияти ҳақидаги ҳазил-мугтойибали филм. АҚШ. Режиссёр — Рожер Споттисвуд. Бош ролда: Силвестр Сталлоне.
10. "Қахрамон" (Hero). Фожеий комедия. АҚШ. Режиссёр — Стивен Фриер. Бош ролларда: Дастин Хоффман, Энди Гарсиа, Жина Дэвис.

ДУНЁДА МИЛЛИАРДЕРЛАР Сони ҚАНЧА?

АҚШ	101
Германия	44
Япония	34
Канада	10
Франсия	9
Гонконг	8
Мексика	8
Швейцария	7
Италия	6
Саудия Арабистони	6
Тайван	6
Бразилия	5
Буюк Британия	5
Чили	3
Колумбия	3
Гретсия	3
Корея	3
Испания	3
Шветсия	3
Тайланд	3
Туркия	3
Ўзбекистон	?

ДУНЁДА МИЛЛИАРДЕРЛАР Сони ҚАНЧА?

Ушбу маълумот ҳар йили дунёдаги энг бадавлат кишиларнинг рўйхатини эълон қилувчи "Форбс" жўрналидан олинди. "ТАЙМ" (АҚШ)

### ЛАТИФА

Кунлардан бирида Брус Ли билан Шварзенеггер бирга улфатчилик қилишибди. Ширакайф ҳолатда қовоқхонадан чиқиб, уйлари томон кетишаркан, Брус Ли Шварзенеггерга:


— Арнолд, қара, тангалли доллар ётибди, кўтарвол, — дебди. Арнолд кўтариб олибди.

Эртасига уйқудан туриши ҳамон хотини:

— Ҳа, яна Брус Ли билан ичибсан-да? — дермиш.

— Қаёқдан билдинг? — деб сўрабди Шварзенеггер ҳайрон бўлиб.

— Қаёқдан буларди, қачон ўша қийиқкўз билан бирга ичсанг, нуқул уйга канализасия қудугининг қопқоғини кўтариб келасан.



**ОШИҒИ ОЛЧИ ТАЛАБА**

Эй биродар! Ҳа, ҳа, сиз! Ҳувиллаб қолган кутубхонанинг бир бурчагида қимтинибгина китоб варақлаб ўтирган талаба! Сизни чақиряпман! Биламан, кўчада аллақайси бир дўконда сотувчи бўлган танишингизни кўриб каловланиб қоласиз. Юрагингиз безиллайди. Дабдурустдан "Ҳа, студент! Ишлар зўрми?" деб қолса-я?! Мавзу бориб-бориб ким қанча маош олишига бориб тақалиши тайин. Оғайнингиз кеча фалон пулга видеомагнитофон, видеокамера, "Мерседес"... ва ҳоказо, ҳоказоларни олдим деб турганида, "талабалик нафақам мана бунча, ўқиган китобларим мана шунча", дегилмайсиз. Яхшиси манови пастқам кўчадан бурилганингиз, ўша "бойвачча"нинг кўзига кўринмаганингиз яхшиёв...

Талаба дўстим! Қаддингизни бироз кўтаринг. Буларнинг бадри ўткинчи. Бозор иқтисоди сари дадил қадам қўярканмиз,

Касби-кор	ҳафталик маош 5 ҳисобида
1. Ҳуқуқшунос	1008
2. Шифокор	984
3. Муҳандис	836
4. Олий мактаб муаллими	756
5. Бош ҳисобчи	743
6. Иқтисоди	732
7. Кимёгар	687
8. ЭҶМ дастурчиси	662
9. Ҳамшира	634
10. Меъмор	623
11. Официант	218
12. Ҳазинабон	218
13. Ферма ишчиси	239
14. Сотувчи	246
15. Бармен	249
16. Сартарош	263
17. Банк оператори	381
18. Фаррош	292
19. Тикувчи	326
20. Такси ҳайдовчиси	339
21. Журналист	537
22. Ҳитувчи	600

эрта-индин ҳамма-ҳаммаси ўз изига тушиб кетади. Дейлик, 10-15 йил ўтар-ўтмас келажаги буюк давлат фуқароларининг турмуш даражаси қандай бўлади? Қайси касб эгаси кўпроқ қадрланади? Марҳамат, ушбу рўйхат билан танишиб чиқинг-да, бироз фикр юритинг.

Рўйхатни кўриб, маошни Амриқо пулида оларканманми, деб ҳайрон бўлманг. Аслида бу рўйхатда Амриқо фуқароларининг бугунги кундаги турмуш даражалари ўз ифодасини топган. Кўринг, таққосланг. Қайси касб-кор этагини тутишни чамаланг. Умуман олганда меҳнатга ҳақ тўлаш бозор иқтисоди шароитида деярли ўзгариб туради. Бугун наби юришиб турган бўлса — хўп-хўп, маош яхши бўлаверади, аммо эртасига... э, йўқ, бунисини худо кўрсатмасин... Бугун чоригини зўрға судраб юрган талаба, борди-ю камёб мутахассис чиқиб қолса, эртасига ошиғи олчи, замон бизниги, деб юраверади.

Талабалик — олтин даврим, дейишади: бугун ўқиб, ўқиб қолганингиз, эртага олтинга айланиши ҳеч гап эмас!

**ШАРҲИ БИЗДАН!**

**Ё АФЛОТУН! Ё СУҚРОТ!**

Тош — китоб эмас! Шундай деган эди ё... Афло-отун, ё Суқрот...

**ТОШ ҲИНАТАРДИ**  
**ЛЕКИН КИТОБЛАРНИ КЎТАРА ОЛМАДИ**  
 Тошингни ўйнатиб юравермасмидинг-а?! Сенга китоб кўтариб юришни ким қўйибди-я?! Вой бечора, вой шўрлик...  
**ФРАНЦУЗ АРСЕЛЛИ МОРИС ЖЮНО ҲЗИНИ КУЧЛИ ҲИСОБЛАРДИ**  
 Йигит киши борки, ўзини кучлиман, дейди. Дам Арнолд Шварценеггер, дам Жан Клод Ван Дамм... У ёғи дам-дам... кимнингдир қовоғи кўкаради, башараси... (Саёҳатчилар! Дунёдаги энг балбашара жой инсон башарасида. Ф.Нитше). Ҳай, майли, тафсилотларга кейин... кейин ўтамиз.

**ЙИГИРМА ЁШЛИ БУ ЙИГИТ ОҒИР ТОШЛАРНИ ИРҒИТИБ ҲИНАР, ЕЛКАСИДА ПЎЛАТ ТЎСИНЛАРНИ БЕМАЛОЛ КЎТАРА ОЛАРДИ**  
 У, оғир тош! У, пўлат тўсин! Сизлар йигирма ёшли бу йигитни яна кўрармикансизлар-а...  
**БИР КУНИ ЖЮНО ДЎСТЛАРИ БИЛАН ГАРОВ ҲИНАДИ**  
 Гаров ўйнама! Қулоғимизга қўйиб келишади-ку?! Гаровни мардлар ўйнайди, дейсанми?! Вой, ўғил бола-ей!  
 У БОРДО ДОРИЛФУНУНИ КУТУБХОНАСИДАГИ 25 ТА ҚАДИМГИ ҚЎЛЁЗМА КИТОБНИ БОШИДА КЎТАРИБ ТУРИШИ КЕРАК ЭДИ  
 Вой каллаварам-эй?! Вой амманнинг бузоғи-ей?! Хўп мардлик қилиб гаровлашишига гаровлашибсан... Китобларнинг сонини 25 та эмас, 19 та, ана бор-э 20 та бўла қолсин деб талашиб тортишмайсанми?!  
**ГАРОВГА 500 ФРАНК ТИКИЛДИ**  
 Бор йўғи-я!!! Шунга шунчами?! 500 франкни... и-е, и-е чўнтакдаги сўм купон-ку, ўзим берардим-а?! Гаровни йиғиштир. Кетса, мендан кетсин. Оз-моз қўшиб 967 сўм купонга ош олиб бераман. Ўзбекнинг оши зўр-да?!  
**РАҚИБЛАР ОҒИР ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ТАНЛАБ, ПОЛВОННИНГ БОШИГА ҚЎЯ БОШЛАШДИ**  
 Ҳой, полвон, ошингиз совиб қолди! Ҳалиям бўлса қайтинг-э... Бир пиёла ҳинд чойиям бор...  
**ЙИГИРМА ИККИНЧИ КИТОБ БОШИГА ҚЎЙИЛГАНИДА...**  
 Айтмовдимми, талашинг деб. Шу йигирма иккинчиси қўйилганида бўлди эди. 500 франк меники, э йўқ сизники эди. Энди-чи, энди? Ё гардиш, ё фалаҳ...  
 у ҲУШСИЗ ЙИҚИЛДИ  
 Ҳой азизим! Нега қаққайиб турибсиз-а?! Боринг, анови ерда телефон жетони сотилади. Ҳа-я, "03"ники текин-ку?!  
 "Тез ёрдамни чақиринг-э..."  
**ТАБИБЛАР ОҒИР ЮКДАН ПОЛВОННИНГ УМУРТҚА СУЯКЛАРИ СИЛЖИБ КЕТГАНЛИГИНИ ҚАЙД ҚИЛИШДИ**  
 Ҳа, тош — китоб эмас экан! Дарвоқе, буни Афлотун айтганмиди, ё Суқротми?!

Шарҳловчи Дилшод НУРУЛЛОҲ

# КАРВОНСАРОЙ КАРВОН

## ТАҚВИМ

### МАРТ

1 март. Сирру синоатларга тўлиқ даврнинг бошланиши. Қорбоболар эришга тушишган, қорқизларни-ку, асти қўяверасиз. Сўнгги муҳлат — саккизинчи март.

8 март. Меҳнаткашлар эркагу аёлга ажраладиган кун.

13 март. Рамазон ҳайити. Афсус, якшанбага тўғри келибди...

19 март. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги ходимлари куни. Ҳаммомга жўнанг! Хомтама бўлманг: барибир ваннага иссиқ сув келмайди (сабаби — санага қаралсин). Ювиниш эса шарт. Ахир, индинга, атиги бир кундан сўнг...

21 март. Наврў-ў-ўз!..

23 март. Жаҳон метеорология куни. Келгусига об-ҳавони белгилаш айнан шу куни тавсия этилади.

27 март. Халқаро театр куни. Учрашувга чиқишингиз мумкин. Лекин зинҳор бировга рўмолчангизни ҳада эта кўрманг!..

### ОБ-ҲАВО

Баҳор кирган, лекин қиш ҳали кетиб улгурганича йўқ. Жанубда илк чечаклар гул очади — ҳар бир донаси беш минг сўм. Баҳорги уйғониш кузатилади, айниқса, чет эллик сайёҳлар гавжум жойларда. Томорқачилар ўз ерларига колхоз далаларидан табиий ва минерал ўғитларни ташиб кета бошлайдилар.

### АПРЕЛ


1 апрел. Халқ оғзаки ижоди қаҳрамони Хўжа Насриддин Афанди ўз узунқулоқ дўсти билан қатиқ ялашганига 1000 йил тўлади. (Ҳазил.)

7 апрел. Геологлар куни ва Жаҳон саломатлик куни. Соғлом геологлар уйда байрамларини нишонлайдилар, қолган аҳоли эса гуруҳларга бўлиниб, дориналар бўйлаб изғийди: чиқмаган жондан умид бериб байрам марофатига ул-бул...

## ЎЙЛАБ ТОПИЛМА- ГАН ВОҚЕА

Таниқли ёзувчи, катта-кичик мукофотлар соҳиби ҳасрат қиляпти:

— Яна Нобел мукофотини ҳам олсам эди...  
— Унда ёзинг! — деб маслаҳат беради қаламқаш дўсти.  
— Яхши, лекин кимга?



## ЛАТИФА

Бир кекса жаноб боғда сайр қилиб юриб узоқда, бинолар узра пайдо бўлган қизғиш ёгдунни ҳайратланиб кузатаётган болакайга кўзи тушди.

— Яша, ўғлим! Қалбинг жуда ям гўзал экан. Ҳар куни шунақа шафақни кузатасанми?  
— Шафақ? Қанақа шафақ? Мактабимиз ёняпти-ку.



## АФТИНГИЗ СИРИНГИЗНИ ОШКОР ЭТАДИ

"Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама", дейди доно халқимиз. Бироқ, маълум бўлишича, айрим ҳолларда чиндан ҳам ойнадан эмас, афтинг ўзидан ўпкалагули экан... Қадим битикларда ёздилар:

### ПЕШОНА

Ажинсиз силлиқ пешона беғамлик, тараллабедодликдан нишона.

Ажинлар ётиқ, сочга яқин бўлса — тошюраклик ва такаббурликдан, агарда қошга яқин жойлашса — ўткир ҳофизадан дарак беради.

Чуқур қат-қат ажинлар ўртамеёна ақл, ялқовликни, ётиқ, сезилар-сезилмас ажинлар ҳалоллик, покликни,

тик чизиқли ажинлар ақллилик, серғайратлик ва иззатталабликни англатади.

### ҚУЛОҚЛАР

Ҳаддан ортиқ гўштли қулоқлар бадқовоқликдан, кичкина қулоқлар — мутаассирлик, ҳиссиётга берилувчанликдан,

диккайган, учли қулоқлар — ўткир ақлдан, катта қулоқлар — мусиқий иқтидордан, ингичка, узун қулоқлар — гайирлик, зиқналикдан, соч томон қапишган қулоқлар — эҳтиёткорлик, айёрликдан,

тўрт қиррали қулоқлар — пишиқ-пухталиқ ва ҳалолликдан дарак беради.

### ИЯК

Олдинга томон туртиб чиққан ияк серғайратлик ва кучни,

узун, учли ияк — ниҳоятда ўткир ақлни, чуқурчали ияк — субутсиалиқ ва енгилтақликни, юқорига томон хиёл кўтарилган ияк — серқатъиятлик ва айёрликни англатади.

### ТИРНОҚЛАР

Чўзиқ гардиш шаклидаги тирноқлар — дуруст табиатдан,

япалоқ тирноқлар — асабийликдан, ингичка тирноқлар — иззатталабликдан, кенг, ясси тирноқлар — тортинчоқлик, журъатсизликдан.



байрамларини нишонлайдилар, қолган аҳоли эса гуруҳларга бўлиниб, дороналар бўйлаб изғийди: чиқмаган жондан умид, балки байрам шарофатига ул-бул сотиб қолишар?

12 апрел. Космонавтлар куни. Қуйидаги қадаҳ сўзи билан нишонлашни тавсия этамиз: "10, 9, 8, 7, 6, 5, 4, 3, 2, 1 — кетди-ик!"

22 апрел. Яқин икки-уч йилдан берисига ёлғиз "севинч"нинг ўзи тугилаётган кун.

27 апрел. Жаҳон биродарлашган шаҳарлар куни. Сиэтл, қайдасан?!

### ОБ-ҲАВО

Ҳаво кескин исий бошлагани муносабати билан мамлакатимизнинг аксарият ҳудудларида колхозчилар ердаги қорни нима қилиб бўлмасин тутиб туришга энг шимариб киришадилар, чунки тракторлар ҳали далага чиқиш учун ҳозир эмас. Эрувгарчилик айрим хўжаликларни қаттагина харажатларга туширади. Юқори қаватда жойлашган хонадонлардан чакки овози эшитила бошлайди.

### ЛАТИФА

Маҳбуснинг бўлмадошига ҳасратидан:

— Омад бир кетса, кетаверар-кан-да. Бир бойваччанинг дала ҳовлисига тушаман деб роса уч ҳафта итини гўшт билан боқибман. Эшик қулфини бузиб, энди остона ҳатлаганимни биламан — мушугининг думини босиб ўтирибман-да!..



### БУ ҲАРБИЙДА БЎЛГАН ЭДИ...

- Тўхта, отаман!
- Тўхтадим.
- Отыпман.

- \* \* \*
- Сезишимча, ўртоқ оддий аскар, сиз ҳаддан ташқари ақллига ўхшайсиз.
  - Ким? Менми?
  - Менми бўлмаса?!

### ЛАТИФА

Эр: — Ҳа, нима гап, тинчликми, бор-йўғи қирқ беш минут гаплашдингми бугун телефонда?  
Хотин: — Э, кўрмайсизми, адашиб тушишибди-да.



### ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ВОҚЕА

Қаршимдан ўзидай келувчи оғир тўрхалта кўтарган кампир ҳарсиллаб чиқиб келди. — Ёрдам берайми? — дедим мен ҳамдардона ва тўрхалта томон қўл узатдим. — Ёрдам берингла! — дея овозининг борича қичқирди кампир.

япалоқ тирноқлар — асабийликдан, ингичка тирноқлар — иззатталабликдан, кенг, яси тирноқлар — тортинчоқлик, журъатсизликдан,

ёноғ пўчоғи шаклидаги тирноқлар — нозиктаъбликдан,

учи ғажилган тирноқлар — асабийлик, қуёноракликдан нишона.

### ДАСТХАТ

Чап томонга хиёл қийшайган ёзув ўжарлик, эҳтиёткорлик, журъатсизликдан, дароз ҳарфлар — оқсуякликдан, қапиштириб ёзилган ҳарфлар — хаёлпарастликдан, ўнг томонга хиёл букилган ёзув — теран ақл ва шижоатдан,

жимжимадор дастхат — меҳрибонликдан, тик, равон дастхат — серғайратлик, кучли иродадан,

ҳарфларни бўлиб-бўлиб ёзиш — бамаънилик, мулоҳазакорликдан,


ҳарфларни майда қилиб ёзиш — худбинлик, писмиқ табиатдан,

ҳарфларни бир текис ёзиш — хотиржамликдан, чапиштириб ёзиш — устомонликдан,

ингичка ёзув — илм-фанга мойилликдан, аниқ, лўнда дастхат — ҳар нарсага шубҳа билан қарашга мойилликдан дарак беради.

Қ А В В О В О С Д А Р О М

Қ А В В О В О С Д А Р О М



Рустам МУСУРМОН

**Қаро кўзим**

*Қаро кўзим, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзим қорасида мардум киби ватан қилғил.*  
Алишер Навоий

**ҚАНОАТ**

Кўзларингдан ўпаман, гулим,  
Қорачиқлар қиймати учун.  
Кўзларингдан ўпаман, гулим,  
Киприкларинг зийнати учун.  
Кўзларингдан ўпаман, гулим,  
Ишқимизнинг тийнати учун:  
— Кўзларингдан ўпаман, гулим,  
Мудом мени қийнаши учун...



**АДОЛАТ**

Давлатинг бепоён, лекин кўнглинг тор,  
Ҳеч кимга ватан йўқ сенинг мулкингда.  
Қаёққа қарама, фақат қатлу дор,  
Тийра-тийра туйғу камон илкингда.  
Кўзларингда кўрдим мен ўз расмимни,  
Егудек термулдим ўзим ўзимга.  
Гулим, икки пора қилиб жисмимни  
Парчинлаб қўйибсан икки кўзингта...

**КАФОЛАТ**

Кўзинг кофирларга қарамдир, гулим,  
Қисилиб қўйилган ҳар ёқдан мардум.  
Кўзинг қотилларга қарамдир, гулим,  
Тўсилиб қўйилган ҳар ёқдан гардун.

Гулим, икки дарё оқадур тўлиб,  
Ҳусни жамолингнинг мамоликида.  
Мангу қолиб кетай баҳодир бўлиб,  
Ўшал икки дарё оралигида...

**ИБОДАТ**

Қаро кўзларингдан ҳайдама, гулим,  
Тўкиб ўлтирайин ўкрикларингни.  
Қаро кўзларингдан ҳайдама, гулим,  
Тўкиб ўлтирайин киприкларингни.  
Қаро кўзларингдан ҳайдама, гулим,  
Чирсиллаб чатнайин қаро чўгингда.  
Қаро кўзларингдан ҳайдама, гулим,  
Қорайиб турайин қорачиғингда.  
Ўн гулимнинг бари очилмай, гулим,  
Кўзингта тўкилай япроғим менинг.  
Ҳайдама, кетаман, лек борар йўлим  
Сенинг қаро кўзинг — тупроғим менинг.

**САОДАТ**

Кўзларинг — бир мардумни кафанга ўраб қўйиб,  
Чарху фалак бағрини тирлаётган нолалар.  
Киприклар — ёлпасига эғнига қаро кийиб,  
Шуд мардумни айланиб йиғлаётган болалар.

**ҲАЗАЛ**

Ики кўзки бало менга қаро киприк қоқишгайдур —  
Вужудимда ики ақраб киби бежо чопишгайдур.  
Кўзумни ғам сели босди, бу кўзлар дастидан фарёд,  
Гўёки ҳеч на бўлган йўқ дағи беғам боқишгайдур.  
Аларни наҳри ғамлардин қуруқ олиб ўтай деб мен  
Гума тушдим, бағрига ниш уриб бот-бот чақишгайдур.  
На мен су қаърига шўнғиб қутулмасмен алардин ҳеч—  
Ики ақраб на чўккайдур ва на суга оқишгайдур.  
Кўзида кифти обийсен киприкларин на қўймайсен?  
— Ки суга ғарқ ўлан мардум хору хасга ёпишгайдур.

**МУҲАББАТ ТУРКУМИДАН**

Муҳаббат шунчалик миттики,  
Бемалол сигади юракка.  
Муҳаббат шунчалик каттаки,  
Сигмайди ҳатто ер-фалакка.  
Ҳар доим ҳеч кимга билдирмай  
Узоқдан кузатиб туради.  
Йўлларни бир нафас тиндирмай  
Тун бўйи ухламай юради.  
Ўзингни алдамай қўя қол,  
Не даркор муваққат овуначи?  
Сен мени шошилиб суя қол,  
Суюнчи берайин, суюнчи.  
Билиб қўй, меҳрни қантариб  
Яшасанг кўкайинг куяди.  
Мени-чи муҳаббат қайтариб  
Қўйнига яшириб қўяди.

Рустам МУСУРМОН 1963 йили Қашқадарё вилояти,  
Кивтоб туманидаги Яккатут қишлоғида туғилган. Тошкент  
Давлат дорилфунуни тил ва адабиёт факултетини битирган.  
Ҳозир ана шу илмгоҳдаги XX аср ўзбек адабиётга  
кафедрасининг аспиранти. Ёш шоирнинг шеърлари куза-  
тишлар самимийлиги, туйғулар табиийлиги, шаклнинг  
халқона оҳангларга уйғунлиги билан эътиборингизни  
тортади.



Артур ШОПЕНГАУЭР

## АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Немис файласуфи Артур Шопенгауэр (1788-1860) дансиглик ўзига тўқ савдогар оиласида дунёга келди, табобат, сўнг фалсафа бўйича сабоқ олди, Берлин дорилфунунида доцент бўлиб дарс берди. Айтишларича, у ўзбилармонларча буюклиги тан олинган Гегел билан баравар соатларда дарс ўтган. Аммо талабалар Гегелни хуш кўришарди. Шундан сўнг ҳафсаласи пир бўлган Артур Франкфуртга келди ва шу ерда ижод қилиб, ундан намуналарни кўриқларга жўнатиб турди. Аммо уни тан олишмади. Фақат ўлимидан сўнг, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб унинг номи шуҳрат қозонди. Асрнинг сўнгги ўттиз йили давомида у Овруподаги энг ўқишли немис муаллифига айланди. Тўғри, бу унча-муңча жанжалли шуҳрат ҳам эди, унга ёпиштирмаган ёрлиқлари қолмади: "иррационалист", "волюнтарист", "пессимист", "мизантроп", "аёлларга нафратли", "атеист", "космополитист" ва ҳоказо, ва ҳоказо. Айтиш керакки, бу даъволарнинг аксарияти асосли эди. Қуйида муаллифнинг ана шундай жанжалли мақолаларидан бирини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

\* \* \*

**А**гар аёллар бўлмаса, биз ҳаётимизнинг дастлабки соатлари ёрдамдан, кейинчалик лаззатдан, энг сўнггида эса овуноқдан маҳрум бўлардик, деган эди бир фаранг олими. Менимча, аёлларни ҳақиқатан ҳам бундан ошириб мақташ мушкул.

\* \* \*

**А**ёлнинг қадди-қоматиёқ на руҳий ва на кетмон чопишдек оғир меҳнат учун яратилмаганини кўрсатиб туради. Аёл яшаш мажбуриятини борлигича эмас, балки азоб-уқубатлар тарзида ўтайди: туғиш машаққатлари, бола боқиш, эрга қарамлик... Яна денг, у эрга чидамли ва унга қувват бағишловчи ҳам бўлиши керак. Аёл катта дардлар, катта қувончлар, баҳодирлик талаб қилинадиган ишлар учун яратилмаган. Унинг турмуши эркакнигига нисбатан тинчроқ, билимсизроқ, майинроқ кечиши зарур ва бундан у бахтлироқ ҳам, бахтсизроқ ҳам бўлиб қолмасин.

\* \* \*

**А**ёллар табиатан бола табиат, инжиқ, узоқни кўра билмайдиган бўлганлари туфайли бола тарбиялашга мойил-дирлар (ва шунга мослашишган). Бир сўз билан айтганда, улар бутун ҳаётлари давомида катта боланинг ишини қилиб юрадилар: болалик давридан ўтаётган, лекин ҳали воёга етган эркак сифатида шаклланмаган бир одамчадек. Қизларга қаранг, кун бўйи ёш бола билан ачомлашиб, уйнаб-кулишиб юришдан эринмайдилар. Энди шу қизнинг ўрнига эркакни қўйиб кўринг, қанча ҳаракат қилмасин, у нимага қодир?

\* \* \*

**Т**омошага чиққанингизда бир нарса қарс этса, бирдан ҳамма чалғиб, бир неча муддат ўшанга қарайди. Табиат қиз болани ҳам шу тахлит яратган. Табиат қизларга — кейинги бутун ҳаётлари ҳисобига — бир неча йиллик гўзаллик, қарагани маҳлиё қилиш ва бошқа шу тахлит оҳанраболарни бахшида этган. Айнан шу даврда у эркакнинг хаёлини ўғирлаши, кейин эркак шу гўзалликка банди бўлиб, чин юракдан аёлнинг кейинги ҳаётига жавобгарликни ўз зиммасига олиши керак. Эркакни бундай йўлга шунчаки соғлом ақл билан киритсангиз, уларнинг кейинги турмуши силлиққина давом этишига ишонч йўқ. Шу туфайли табиат аёлни, қиз болани ҳаётини, келажагини таъминлай оладиган даражада қуролантирган. Ургочи қумурсқа туққандан сўнг кераксиз (тухумчаларини парваришда ҳатто хатарли) қанотларидан маҳрум бўлади. Шу тахлит аёл ҳам икки-уч бола туққач, гўзаллигидан ажралади.

Балки шунинг учун ёш қизлар уй ва дала ташвишларини иккинчи даражали иш, арзимаган нарса сифатида қабул қиладилар. Улар учун энг асосий жиддий ташвиш: муҳаббат, галабалар ва шунга боғлиқ бошқа нарсалар: асан-тусан, атир-упа, рақс-ўйин ва ҳ.к.

\* \* \*

**Б**ирон-бир нарса қанчалар тугал ва олиймақом бўлса, у шунча аста ва кечроқ етилади. Эркак руҳан ва ақлан аксарият ҳолларда йиғирма саккиз ёшида етилади, аёл эса — ўн саккизда. Ва шунга кўра қобилиятга ҳам эга: қисқа ўйлайдилар. Шу туфайли аёллар кейинги бутун ҳаёти давомида ҳам болагилгича қоладилар, кўриб турганини тан оладилар, шуни маҳкам ушлайдилар, шунчаки ташқи кўринишни борлиқ-йўқлик сифатида қабул қилмайдилар ва майда-чуйдаларни катта нарсалардан афзал биладилар. Ақл туфайли одам худди жонивор янглиғ айнан ҳозирги дақиқа билан яшамайди, балки ўтмишни ва келажакни мушоҳада қилади, шу туфайли у эҳтиёткор, орқа-олдини ўйлайди ва сергакланиб юради. Шунинг оқибатида келадиган фойда ва зиёнларга аёл — ақли калта бўлгани туфайли — кам аралашади. Яна ҳам аниқроғи, руҳан узоқни кўра билмайди: унинг сезгир ақли кўз олдидаги нарсаларни яхши кўради, унинг ўй доирасига узоқдаги нарсалар сизмайди. Шунинг учун йўқ нарсалар, ўтган нарсалар бизга нисбатан аёлларга кам таъсир қилади, шу сабабли улар баъзан топган-тутганингизни телбаларча ўйсизлик билан сарфлаб юбораверишга мойилдирлар. Улар ўзларича ишонадиларки, эркак — топиш учун, аёл — сарфлаш учун яратилган. Иложи бўлса эри тирикчилигидаёқ, йўқса, эри ўлгандан сўнг. Эр топган-тутганини унинг ихтиёрига топшириб қўйгани туфайли аёлдаги бу ишонч янада мустаҳкамланади. Булар ҳар қанча зиён келтирмасин, фойда томони шундаки, шу нарсалар туфайли аёл ҳозирги дақиқа билан банд. Аёл мавжуд нарсдан бизга нисбатан кўпроқ баҳраманд бўлади, шу туфайли аёлнинг фикри тиниқ, шу туфайли, агар сиз оила боқишдек ташвишларга чалқшиб қолсангиз, у сизнинг дардингизга малҳам бўла билади.

Қадимги немисларнинг одатини ташлаб юбормаслик керак. Оғир дақиқалардаги йиғин-маслаҳатларга аёллар ҳам тақлиф этилган, чунки аёл ҳозирги дақиқада нима қилиш кераклигини билади, мақсадга етказувчи энг қисқа йўлни кўрсатади. Хуллас, эркак узоқни ўйлаб, тумшуги тагидаги нарсани кўрмай ўтирганда, аёл уни ушлаб қўлингизга тутқизади. Шу сабабларга биноан аёл бизга нисбатан ҳушёр, у бирон бир нарсани бор бўйича кўра билади, биз эса, агар ҳаяжонланиб турган бўлсак, оппо-осонгина пашшадан фил ясаб, ваҳима кўтариб юбораварамиз.

Шу нуктаи-назардан аёллар бахтсизларга эркакдан кўра кўпроқ ҳамдard бўладилар, улар меҳрибонроқ ва оққўнғилроқ; аммо қозиликда, ҳақиқатни юзга чиқаришда, виждонийликда эркакларга ютқазадилар. Аёлнинг ақли калталиги туфайли мавжуд, кўзга кўриниб турган, ушласа бўладиган нарсалар уларга ҳоқимлик қилади ва мавжуд нарса қошида: узоқ-яқин гоғлар, доимий қондалар, қабул қилинган қатъий қарорлар, умуман, ўтмиш ва келажак, йўқ ва узоқдаги нарсалар — бардош бера олмайди. Аёлда эзулиқнинг биринчи ва асосий шарти мавжуд, аммо аксарият ҳолларда уни ишлатадиган қурол — иккинчи даражали шарт етишмайди. Бу томондан аёлни шундай организмга таққослаш мумкинки, унинг жигари бор, аммо ўт пуфаги йўқ. Шу фикрларга таяниб хулоса чиқарсак: аёл феълдаги узвий етишмовчилик, балким камчиликдир, бу — адолатсизлик! **А д о л а т с и з л и к!** Бу нарса биз аввал таъкидлаганимиздек, ақл калталиги ва узоқни кўра билмаслик туфайли содир бўлади, Яна бу ҳол шунинг билан мустаҳкамланадики, кучсиз жондорлар табиатан айёрроқ, ҳийлакор бўлади, ёлгонга муқкасидан кетади. Ахир табиат шерга тиш ва тирноқ, филга — хартум, тўнғизга — сўйлоқ, ҳўкизга — шок, каракатиса — денгиз моллюскасига — сувни лойқалатадиган суюқлик бахш этганидек, аёлга ўзини ҳимоя қила олиши учун, — эркакка куч ва ақл берилгандан сўнг, — мукофот тарзида ҳийлакорлик ва ёлгончилик ҳадя этилган. Шу туфайли, биз тилга олган жондорлар ўзларидаги қурол билан ҳўжумга ўтганлари мисол, аёл ҳам ҳар бир қулай вазиятда ўз сифатларини табиий равишда ишга солади ва бунда ўз ҳақ-ҳўқуқларидан фойдаланаётганларига гумон қилмайдилар. Шундай хулосаларга биноан мутлақо ҳақиқатқўй ва самимий аёлни топиш мумкин эмас. Шу ҳислатлари боис улар ўзгаларнинг турланаётганини жуда тез пайқайдилар. Ҳар қалай аёл қошида носамимийликка йўл қўйиш хатарли. Ана шу исботланган узвий камчиликлари ва бошқа етишмовчиликлари аёлни ёлгончиликка, хиёнатга, эгроёқликка, хизматга тўхмат сари бошлайди. Қозихонада

аёллар эркакларга нисбатан бир неча баравар кўп ёлгон қасам ичиб, айбдор бўладилар. Ва умуман, аёлга қасам ичириш керакми, йўқми, деган саволнинг ўзи баҳсли. Ахир баъзан-баъзан ҳамма жойларда ҳам моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланган аёллар дўкондан у-бу нарса ўмараётганининг гувоҳи бўлганмиз-ку.

\* \* \*

**И**нсон зоти тугаб кетмаслиги учун уни мудом кўпайтирувчи гамаҳўрлик қилиш табиатан ёш, соғлом ва гўзал йиғитларнинг бурчи. Худонинг хоҳиши шу, ва бу хоҳиш аёлларнинг ҳасидийлигида акс этади. Мазкур қонун бошқа барчасидан қадимийроқ ва кучлироқдир. Агар ким бу қонун йўлини тўсмоқчи бўлса, ўзининг шўри: у нима демасин, нима қилмасин, биринчи фурсатдаёқ аёвсиз топалади. Чунки аёлларнинг яширин, айтилмайдиган, ва ҳатто онгланмайдиган, балки тугма одоб-ахлоқи қўйилган фикрлайди: "Бизга гамаҳўрлик қилганлари боис энди қандайдир ҳақ-ҳўқуқларга эга бўлдик, дея ўйлайдиганларни алдашга ҳаққимиз бор. Яқин кишининг яқинлашиши туфайли бизда пайдо бўладиган авлод, унинг кўриниши ва хусусиятлари қандай бўлиши бизга боғлиқ, у бизнинг қўлимизга берилган, уни биз тарбиялаймиз, ва биз бу вазифани виждонан бажараямиз". Бироқ аёллар бу олий қонуларни олисдаги шарпалар мисол эмас, балки қўлда мавжуд, бор нарса сифатида англайдилар. Ва бу ҳолда уларнинг виждони биз ўйлаганга нисбатан анча тинч бўлади, чунки юракларининг энг ички қатламларида улар тушунадиларки, улар бир шахсга нисбатан ўз мажбуриятларини бузганлари билан ҳўқуқлари бир неча баравар зиёд бўлган авлод олдида керагидан ортиқ хизмат қиляптилар.

Аёл инсон зотини кўпайтириш мақсадида яратилгани ва унинг бошқа хизмати йўқлиги боис улар алоҳида шахсга нисбатан кўпроқ авлод ташвишида яшайдилар, ва авлод ташвиши шахсга нисбатан жиддийроқ бўлади. Бу уларнинг борлигига ва ҳаракатларига маълум даражада энгилтабиатлик бағишлайди, бу балким эркакка нисбатан мутлақо ўзгача бир йўналишки, ана шулар аксарият эр-хотинларнинг жанжалига, ажраб кетишига олиб келади.

\* \* \*

**Э**ркаклар орасида табиатан лоқайдлик мавжуд, аёллар орасида эса табиий душманлик. Буни ҳатто бир касбдошнинг иккинчисига нисбатан ҳаваси, ҳасади, кўролмаслиги деб тушуниш ҳам мумкин. Ва бу ҳол эркаклар орасида онда-сонда учраса, аёл зоти борки, бари бир бирини ёмон кўради, чунки уларнинг ҳаммаси битта касб билан шуғулланади. Кўчада дуч келиб қолсалар, худди рақобатдош партияларнинг вакилларидек бир-бирига синчков тикиладилар. Икки аёл биринчи бор танишаётганда — худди шу ҳолатдаги икки эркакка нисбатан анчайин — ҳаракатлари ясама ва гайритабиий бўлади. Шу сабабли бир-бировига нисбатан мақтовлари беўхшов ва кулгили чиқади. Бундан ташқари эркак ўзидан паст табақадаги одам билан маълум даражада босиқлик ва ҳурмат билан гаплашади, худди шу ҳолатдаги аёлнинг иккинчисига нисбатан сохта манманлигини кузатиб энсангиз қотади. Бу, демак, аёллар орасидаги табақаланиш тасодифга боғлиқ бўлиб, у тез-тез ўзгариши ва йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Биз эркаклар ўзимиздан пастроқ билан гаплашаётим минг бир нарсани ўйлаймиз, аёл эса бу пайт фақат қайси эркакка ёққанини назарда тутди, холос. Бундан ташқари, уларнинг ҳаммаси касбдош булганлари туфайли бир-бирларига эркакларга нисбатан анча яқин туради, шу туфайли ўзларининг турли-туман тоифаларга мансублигини кўрсатишга уринадилар.

\* \* \*

**Б**ўйи паст, елкалари тор, белидан пасти кенг жинсни фақат жинсий ҳиссиёт туфайли ақли хиралашган эркаккина гўзал дея баҳолай олади: жинсининг барча гўзаллиги ана шу ҳиссиётга қоришиб кетади. Бу жинсни бир қанча асосларга таяниб, к ў р и м с и з ва х у н у к дея баҳолаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам аёллар таассуроти ожиз, мусиқага, шёрга, санъатга чин юракдан берили олмайдилар. Агар берилсалар ҳам, бу шунчаки бировга ёққиси ва ўйнашгиси келган маймуннинг ҳаракатидан бошқа нарса эмас. Шу туфайли улар бирон бир нарсага холис

ёндолмайдилар, сабаби, қуйидагича. Эркак ўзининг нарсаларига бевосита ҳокимлик қилишга уринади. Ёки ақл билан уларга эгаллик қилиш ва бўйсундириш йўлидан боради. Аммо аёл ҳаммиша бировнинг ёрдами туфайли ҳокимлик қилишга мажбур, яъни эри бирдан бир ўзи бевосита қўлида тутиб турган шахс орқали. Шу туфайли аёллар ҳар бир нарсага эри олиб бериши мумкин ва мумкин бўлмаган нарса сифатида қарайдилар. Ва уларнинг бирон нарсага қизиқиши шунчаки ясама ҳаракатдан бошқа нарса эмас. Бир вақтлар Руссо: "умуман олганда, аёллар санъатнинг ҳеч бир турига қизиқмайдилар, санъатни тушунмайдилар ва ҳеч қандай қобилиятга эга эмаслар", дея таъкидлаган эди. Ҳа, ҳар бир буюмга бир қарашдаёқ унинг ташқи кўринишидан бошқа жиҳатларини ҳам англай оладиган зот бунни дарҳол тушинади. Аёлларнинг концерт, опера ва драматик томошаларда ўзини тутишига бир назар солинг. Санъатнинг ноёб дурдоналаридан энг зўр саҳналар ижро этилаётганда аёл болаларга соддалик билан ёнидагига сафсата сотишда давом этади. Агар ҳақиқатан ҳам греклар аёлларни саҳна томошаларига киритмаган бўлсалар, тўғри қилганлар. Ҳар қалай уларнинг театрида ниманидир тинглаш мумкин бўлган. Бизнинг замонамизда: Аёл черковда жим турсин", деган иборани "театрда ҳам" дея тўлдириш керак, ва бунни катта ҳарфлар билан шиор каби саҳна пардасига осиб қўйса маъқул бўлади. Ҳар қалай аёлдан бундан бошқа нарсани кутиш ҳам мумкин эмас. Ахир уларнинг энг ёрқин намояндалари нозик санъатда ҳеч бир ҳақиқий буюк ва нодир асар яратмаганлар, ва умуман дунёга ҳеч бир мустаҳкам, эскирмайдиган, ўлмайдиган нарса тақдим этолмаганлар. Бу айниқса рассомликда тез кўзга ташланади. Ахир айнан шу соҳада аёллар ҳам эркаклар қатори шуғулланиш имконига эга, шуғулланишлари ҳам, аммо ўзларининг бирон-бир юксак санъат асарлари билан мақтана олмайдилар, чунки уларда рассом учун ниҳоятда зарур бўлган руҳий ҳолислик йўқ. Бундан 300 йил илгарийёқ Хуан Уарте: "аёлларда ҳеч қандай улкан қобилият бўлмади", деган эди. Истиқно тарзда битта-яримталари учраб қолиши мумкин, лекин улар умумий кўринишини ўзгарта олмайдилар. Улар ўтакетган ва ўзгартиб бўлмайдиган даражада тор фикрлайдилар. Шу сабабли улар гоёт аҳмоқона даражада ўзларини эрдарига тенглаштириб, ҳақиқатда эса эрининг амали ва жамиятдаги ўрнига шерикчилик қилиб, ўзлари ўзларининг разил шухратпарастликларини жунбушга келтириб турадилар. Уларга нисбатан Наполеон I айтган иборани аслида қонун сифатида қабул қилсалар яхши бўларди: "Улар бизнинг камчиликларимиз билан, бизнинг тентакона қилиқларимиз билан алоқа қилиш учун яратилган. Зинҳор ва зинҳор ақлимиз билан эмас. Улар ва эркаклар орасида баданлар яқинлашуви мавжуд, ақллар ва феъллар яқинлашуви камдан-кам содир бўладиган ҳодисадир. Улар барча жабҳаларда эрдан кейинги даражадаги иккинчи жинс, шу сабабли уларнинг камчиликларига нисбатан олижаноб бўлмоқ лозим, аммо уларнинг ҳурматини ошириб бориш, елкага чиқариб олиш ғирт аҳмоқлик. Бу ҳолда биринчи бўлиб унинг ўзи эрни назар-писанд қилмай кўяди. Табиат инсон зотини икки жинсга бўлиб, улар орасидаги чегара чизигини қоқ ўртадан олмаган. Қадимгилар ва шарқликлар аёлларга айнан ана шу нуқтаи-назардан қараганлар ва тўғри қилганлар, ва аёлларга ўзининг ҳақиқий жойини кўрсатганлар. Биз эса кўҳна фарангилардай бачканалик билан ва кулгили даражада аёл қошида ўзимизни йўқотиб қўйишдек хусусиятларимиз билан, — немисча аҳмоқликнинг олиймақом гуллари билан, — аёлларни шу даражада олифта ва безбет қилиб юбордикки, энди улар баъзан-баъзан ўзларининг авлиёсифатлигига ва ҳеч ким қўл теккизолмаслигига ишонч ҳосил қилган Бенареснинг эркатой табаррук маймулларини эслатади.

Ғарб аёли ёлгон муҳитга тушиб қолган, чунки аёллар, қадимгилар айтганидек, ҳурматлайдиган ва илоҳийлаштирадиган нарса эмас. Шунингдек, у эркакка нисбатан бошини баянд тутиши, ёки эркак билан бирдек ҳуқуққа эга бўлиши ҳам мумкин эмас. Биз ҳозир ўзимиз ясаган ёлгон муҳитнинг жаззасини тортаёмиз. Шу сабабли агар Оврупода инсон зоти №2 ни ана ўз ўрнига ўтказсалар ва уларнинг ўзбошимчаликларига чек қўйсалар гоёт савоб иш бўлур эди. Ахир шу сабабли бизнинг устимиздан нафақат бутун Осий куляпти, балки Рим ҳам, Греция ҳам ўзини тийиб туролмаяпти. Бу тadbирнинг ҳам фуқаролик, ҳам сиёсий жиҳатдан натижаларини ҳисоблаб улгуролмай қолар эдик. Оврупо аёли шунақа жонзотки, у аслини олганда яшаши керак эмас; майли, бизда уй бекалари бўлсин, қизлар

уй бекаси бўлиши орзу қилиб яшасинлар, яъни олифталар эмас, уй кишиси бўлиб тарбиялансинлар. Айнан Оврупода паст табақадаги аёллар мавжуд бўлгани туфайли Оврупо аёли Шарқ аёлига нисбатан анчайин бахтсиз.

\* \* \*

**Х**индистонда ҳеч қачон ҳеч кимга бўйсунмайдиган, ҳеч кимга қарам бўлмаган аёллар яшамайди. У ерда ҳар қандай аёл зоти ё отасининг, ё эрининг, ё ака-укасининг, ё ўғлининг қарамоғида. Мену қонунига кўра шундай. Мену қонунининг 5-боб 148-бандида дейилади: "Болалигида аёл отасининг, вояга етганида эрининг; эри ўлса ўғилларининг; агар ўғиллари бўлмаса, эрининг яқин қариндошларининг; агар унақалари ҳам бўлмаса, отасининг қариндошларининг; агар ота томондан ҳам қариндош йўқ бўлса, пошшоликнинг қарамоғида бўлиши керак, токи аёл ҳеч қачон мустақилликни даъво қилмасин". Албатта, аёл ўзини эрининг жасадига қўшиб ёкиб юборишга чидаш мумкин эмас, аммо эри бутун умри давомида эшмакдай ишлаб, бола-чақам ҳеч кимдан кам бўлмасин деб топган мол-дунёни аёл ўйнаши билан ўйин-кулгуга сарфлаб юборса, — бунга ҳам, албатта, чидаш мумкин эмас.

Дастлабки она муҳаббати инсонларда ҳам, ҳайвонларда ҳам инстинкт, холос, ва бола жисмоний жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлган заҳоти инстинкт тўхтади. Урини эса ақл ва одатларга асосланган муҳаббат эгаллаши керак. Аммо афсуски, кўп ҳолларда, — агар она отани севмаса, — бу нарса рўй бермайди. Отанинг болаларига муҳаббати эса мутлақо бошқа нарса ва мустаҳкам пойдеворга асосланган: ота ўз фарзандида яна битта ўзини кўради.

Салкам барча эски ва янги халқларда, ҳатто готтентолларда ҳам мерос эркакдан эркакка қолдирилади. Фақат Оврупода, дворянларни бу ҳисобга қўшмасак, мазкур одатга чап беришади. Эркак бутун умр қора тер тўкиб топган мол-дунё бир кунда аёл қўлига тушсаю, аёл қисқа даврда уни ҳисоб-китобсиз ҳавога сувурса, бу жуда ҳам буюк, ва жуда ҳам кундалик ноҳақлик бўлур эди. Аёлнинг меросхўрлик ва мулкий ҳуқуқларини қайта кўриб чиқиш билангина бу одатга чек қўйиш мумкин. Менимча, шундай қарор қабул қилиш керакки, унга кўра хотинлар, ва қизлар ҳам, мероснинг бир бўлагини олиш ҳуқуқига эга бўлсинлар, зинҳор ва зинҳор бутун меросини эмас. Албатта, оилада эркак меросхўр йўқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Мол-мулкни аёл эмас, эркак топади, шу туфайли аёлнинг унга шаксиз эгаллик қилиш ҳам, уни хоҳлаганидай ишлатиши ҳам мумкин эмас. Аёл ўз мулки: пули, уйи, ерига ҳеч қачон ўз билгича эркин эгаллик қилолмайди. Уларга доим қаровчи керак; шу сабабли уларга ҳеч қачон ўз фарзандларига қаровчиликни ишониб топшириб бўлмайди. Аёлнинг мағрурлиги, у эркакниқидан зиёд бўлмаган тақдирда ҳам, бир ёмон томонга оғиб кетади: айнан моддий буюмларга, яъни шахсий гўзаллик, ялтир-юлтур, сирти чиройли нарсалар учун кўп нарсаларни қурбон қилиб юборади. Эркакнинг мағрурлиги эса аксинча, номоддий афзалликларга эга, яъни ақл, билимдонлик, мардлик ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлар билан ўлчанади.

Арасту ўзининг "Сиёсат"ида, 11-қисм 9-бандда тушунтирадики, Спарта аёлларга жуда кўп ўрин бергани туфайли (Спарта даврида аёллар меросхўр бўлган, сеп олган, эркин бўлган) гоёт оғир аҳволга тушди ва охир-оқибат йиқилди. Менимча Фаранг ҳукумати ва саройдаги Людовик XIII давридан бошлаб айнишларга аёллар сабабчи бўлса керак. Айниб ижғиб-бижғиб, ниҳоят биринчи революция юз берди, кейин бир неча бор тўнтаришлар амалга оширилди. Нима бўлганда ҳам аёл жинсининг биздаги сохта ҳолати жамоатчиликнинг юрак касалидай гап, у юракдан чиқиб, бутун аъзон-баданига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Аёл ўз туриш-турмуши билан бўйсуннишга маҳкум этилгани шундан ҳам маълумки, уларнинг ҳар қанақаси ҳам аёл кўнилмаган, ўзи учун нотабий бўлган тўла эркинлик ҳолатига тушиб қолса, шу заҳоти бошқа бир эркакнинг ёнига боради ва ўзининг устидан раҳбарлик ва хўжайинлик қилишни ўша эркакка бағишлайди, чунки аёлга ҳаммиша хўжайин керак. Агар аёл ёш бўлса, эркак ўйнаш, қари бўлса эркак маънавий пир бўлади.

Рус тилидан  
Абулқосим Муҳаммадрасул  
таржимаси.



Ёлғиз қадамимда айланади Ер.  
Тегиб кетар елкамга юмшоқ — осмон!  
Мен сени ой умрича кутдим,  
Мен сени юлдузлар умрича кутдим,  
Булутларни илаштириб келдинг сочингга —  
Севгилим! Кеч!..  
Бу қадар кеч, келдинг!..

\*\*\*

Узоқ сафарлардан толган карвоним,  
Умримга офтобдек ботган армоним,  
Онамдек қўлимдан тутган дармоним  
Сенсан, Баҳорим!  
Ҳазин япроқларни ердан кўтаргай  
Майсалар шудрингни кўз ёшлар ила,  
Кечган фожеларга кўк кийган онам  
Сенсан, Баҳорим!  
Мен ҳам утаяман шовқинларда лол,  
Сенга келаямман секин, бемажол.  
Тунлар: "нажот бор!", деб нафас ютганим,  
Сенсан, Баҳорим!  
Кўзимга тиқилар ашким — соғинчим,  
Кўйиндим хотирсиз кечган кунларим.  
Бўғзимда буй чўзган гулим — уларим  
Сенсан, Баҳорим!..

## ЮРТ ҚЎШИҒИ

Қадим салтанатлар тожи занглади,  
Лек Бахтар\* тупроғи ҳамон чўнг-оғир.  
Улкан минорларим кўмилиб ётар,  
Сурхон заманида кўларим оғир.

Ухлар авлиёлар — назаркардалар,  
Эртақда ўқилган тарихим ухлар.  
Бўлди, тўфон ўтди, қаддингни кўтар, —  
Ерларга кўмилган ўтмишим "ўх"лар.

Ғариб чордеворлар — тишланган нондек,  
Менга қолдирилган ризқдай яримта.  
Биз уни емадик, ютди баднафслар!  
Мағлуб байроқларим ҳилпирар қайта.

Совуқ тикилмагин, Пайгамбар орол,  
Қара нафас олар бунда истиқбол.  
Аёл сийнасидек — бу қум тепалар,  
Сурхон суваридан сут ҳиди келар..

Прометей оловининг болачалари —  
Қўлимизда ўчмас ҳамон туну кун.  
Бахтар, вужудингдан сачраган учқун  
Пурғам хаёлимга ўт қўяр бир кун!

Ғулум ЭГАМШУКУР 1959 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов ноҳиясида туғилган. 1981 йили ТошДУнинг журналистика кулдиётини битирган.

Айни вақтда Ўзбекистон ойнаижаҳонида Қашқадарё вилояти бўйича махсус мухбир вазифасида ишламоқда.

Ғулум Эгамшукурнинг шеърларида қадим юрт тупроғига меҳр, рассомга хос тоза ва дилбар бўёқларда қалбга қалбнинг атрини сочади.

\*Қадимги Бақтрия назарда тутилади.



## Ғулум ЭГАМШУКУР

### МЕН СЕНИ ОЙ УМРИЧА КУТДИМ

\*\*\*

Тулқинланиб томирда қон оқаётир,  
Хаёлимнинг дарёлари тиниқ — тиниқ.  
Оқаётир, мавжларида нур акси бор,  
Қироқлари ўтмишимдек синиқ-синиқ!

Тулқинланиб томирда қон оқаётир,  
Қуёш гўё — кўларимдан боққан ботир.  
Бир орзу бор - нигоҳлари чарос-чарос, —  
Орзу айла, Сен дарёга айлан, ўғлон  
Хаёлимнинг дарёсида оқаётир.

Сузаётир, бепарводир, бенаводир.  
Кокилларин тўлқинларда сочиб-социб.  
Ўша ахир, ўша юрак давосидир, —  
Бир кун келгай умидимга кучоқ очиб.

Сен сусланма, томирларда оққан қоним.  
Ҳайрат ҳисси, умид ҳисси билан тўлгон.  
Нигоҳингдан оқаётган ёшми, ёмғир?  
Орзу айла, Сен дарёга айлан, ўғлон!

\*\*\*

Кун ёнар, ой ёнар — субут эгалари!  
Ҳеч ким ўғирламас уларни — ҳижрон бевалари!  
Сукутга кўмиб қўйдим — увламас шамол,



- Аёллар панжара ортида қолган элда ором йўқ.
- Аёл нега қаҳр-ғазаб отига минади?
- Ҳамма оналар аёл, ҳамма аёллар онами?
- Аёл қўлини қонга эмас, хиёнага бўяши керак

Жумҳуриятимизда 1992 йил давомида 8811 нафар хотин-қиз жиноятга қўл урганлиги қайд этилган. Шундан 73 таси қотиллик, 208 таси давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш, 558 таси фуқароларнинг шахсий мулкани ўмариб кетишда иштирок этган. 59 нафар аёл талончилик ҳужуми уюштирган. 145 дан ортиқ хотин-қизлар наркотик моддалар истеъмол қилиш, уни тарқатиш, тайёрлаш каби жиноятлар содир этганликлари учун ҳуқуқ назорати ходимлари томонидан ушланган. Булардан ташқари айрим аёллар зино йўлини тутгани, ичкиликбозликка ружу қўйгани, ўнлаб хотин-қизлар боласини кўча-кўйда ташлаб кетгани, ҳатто пул ва бойлик орттириш мақсадида, ўзгаларнинг болаларини ўғирлаб, эвазига катта миқдорда пул талаб қилган ҳоллар ҳам қайд этилган.

Қадимий ҳинд нақлларидан бирида шундай дейилади: "Ичкиликбозлик, тарбиясизлар билан мулоқотда бўлиш, эридан ажралиш, дарбадарлик, ўзгалар хонадониди тунаб қолиш ва яшаш — мана шу олти ҳол аёллар ҳолини хароб этусидир".

Бизнинг давримизга келиб анчагина қамрови кенгайган ана шу "олти ҳолат"нинг таъсирими, бошқа сабабми, ҳар ҳолда, аҳволни ачинарли деб тан олишдан ўзга иложимиз йўқ.

Яна шу нарса ҳам ҳақиқатки, юз минглаб содир этилган ва этилаётган жиноятларнинг "муаллиф"лари осмондан ҳам тушмаган, ердан ҳам чиқмаган. Уларнинг ҳар бирини қачондир аёлларимиз бағрида кўтариб дунёга келтирган, оқ сут бериб вояга етказган. Шунинг баробарида бундай ноқобил фарзандлар жиноятга қўл урганда яна шу оналарнинг жигар-бағри эзилган, сочларига оқ тушган. Мабодо, ноқобил фарзанд кимнингдир мушфиқ онаси ёки келажақда она бўлиши муқаррар опа-сингилсининг ожизалиги, жисмоний заифлигидан фойдаланиб уларга жабр-зулм қилса, хўрласа-чи?.. Бундай пайтларда кўз олдингизда маълум саҳна намоён бўлади: ғамгин, эзилган, кўз ёшидан ва сўзлашдан ўзгасига кучи етмайдиган она бўзлаб, нола қилади:

"— Мен онаман, ахир! Сени ҳам қайсидир она туққандир?!"

Хуллас, она ва аёл сўзи билан жиноятчи, қотил, ўғри сўзини бир-бирига яқин қўйиш у ёқда турсин, ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Тасаввурга ҳам сирмаган ҳоли эса кундалик ҳаётимизда, турмушимизда пайдо бўлиши, аёлларимиз жиноятчилар қора курсисидида ўтириши, кимнингдир рўзгорини обод этиш, болаларига алла айтиш ўрнига умрини панжара ортида ўтказайтгани ҳақиқат эканлигидан кўз юмишга ҳаққимиз борми? Бу муаммо бонг уриш учун етарли эмасми?

Табиийки, аёл жиноятга бежиз қўл урмайди. У фақат катта адолатсизлик ва хўрлик таъсирида бу ишга бош суқиши мумкин. Азалдан халқимизда шундай адолатли нақл бор: "Аёл хор бўлган оила тез ҳалокатга юз тутади. У бахтли бўлган оила эса, доим гуллаб-яшнайдир". Маълумки, оила мамлакатнинг, жамиятнинг, давлатнинг туб негизидир. Демак, аёллар орасида рўй берган жиноятчиликнинг илдиларини, моҳиятини қидириш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлардан бир қатор мисоллар келтириш мумкин. Лекин улар муштарий-

ларга маълум фактлар, суҳбатимиз мазмунига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, деб уйлайман. Бунинг устига аёллар иштирок этган ҳар бир жиноят аксарият ҳолларда бир-бирига жуда ўхшаш бўлади, камдан-кам ҳолларда алоҳидалик касб этади. Масалан, 1993 йил 6 феврал куни Урганч шаҳрида Л.Горелова деган аёл ароқхўр эрининг навбатдаги хархашаси ва жанжалига тоғат қилолмай жаҳл устида қўлига тушган белкурак билан уни то ўлиб қолгунга қадар савалаган. Ҳўш, муштарий жанжал оқибатида бир-бирини уриб жароҳатлаган, ҳатто ўлдириб қўйгани тўғрисидаги фактларни билмайми?

Ёки қорақалпоғистонлик болалар уйининг тарбиячиси Н.Ҳақимова ўз тарбиясидаги етим болалардан учтасини аёвсиз калтаклаган. Гўдаклар турли даражада тан жароҳатлари олишган. "Тарбиячи"ни суд қилиб, жазо берилди. Лекин жаҳлини жиловлай олмайдиган бундай кимсалар камми?

Қўқондаги 14-сонли болалар уйининг директори И.Абдуллаева етимлар ҳақиқа мунтазам равишда хиёнат қилаётганлиги учун қўлга тушди. Жавобгарликка тортилди. Ҳўш, ясли, болалар боғчаси, мактаб, ҳатто магазинлар пештахтаси ортида туриб, болалар, гўдаклар, катталар ҳақини ўмараётганларни ўқувчи билмайми? Бугунги кунда бундай салбий воқеалар ҳаммага кундек равшан бўлиб қолган-ку!

Бухоролик 31 ёшли Наталя исмли аёл ашаддий жиноятчилар тўдасига қўшилиб, одамларнинг уйларига қуролли ҳужумлар уюштиришда фаол иштирок этган. Шахсан ўзи ҳам қотилликка қўл урган, у беш ёшли қизчани, гувоҳ бўлиб қолмаслиги учун, сувга чўктириб ўлдирган. Аёл олий жазо — ўлимга ҳукм қилинди. Ҳўш, бундай мудҳиш жиноятларга қўл ураётган гу-

руҳларда аёллар аралашиб қолаётганлиги сирми? Йўқ, албатта. Булар ҳаммаси аллақачон матбуотда ёритилган, кинофилмларда акс эттирилган. Уларни қайта-қайта санаш билан суҳбатимиз моҳияти ўзгармайди.

Тошкентлик Мадина Отауллаева, Лазоқатхон Абдувоҳидовалар ўзларига таниш, топиш-тутиши яхши хонадон болаларини ўғирлашиб, эвазига катта пул талаб қилишган. Уларнинг бундай ҳатти-ҳаракати қанчалик жирканчлик касб этмасин, бари бир, умумжиноятчиликнинг бир бўлаги ҳисобланади, холос.

Аёллар жиноятчилигини жамиятдаги мавжуд қабиҳлик илдиларидан ажратиб ўрганиш ва фикр юритиш қийин. Лекин табиатан жиноятдан йироқ аёлнинг бундай ишларга нега қўл ураётгани ҳақида баҳс юритиш, фикрлашиш, чора излаш керак, деб уйлайман. Чунки дунёни она тебратди. Она эса аёлдир!

Мен руҳшунос ҳам, ижтимоий изланувчи ҳам эмасман. Аёллар руҳиятини, ички дунёсини тушунишда тасаввурим бор-йўғи ёзувчи Стефан Цвейгнинг ҳикояларини ўқиб бойган, холос. Бу борада на насиҳат, на маслаҳат, на йўналиш беришга давогар эмасман. Аммо қалбимнинг қайсидир бир чеккасида, биз аёллар руҳиятига мутлақо кириб борганимиз йўқ, уларнинг меҳр тўла кўзлари ва ишонувчан қалбидидаги ҳароратни худбинларча топташдан ўзгасини билмаймиз, деган садо келаётганини ҳис қиламан.

Кейинги пайтларда биз саёқ юрган аёлларни тўхтовсиз "тўп"га тутадиган бўлиб қолдик. Лекин нега аёл бундай саёқ йўлга тушиб қолди, деган саволнинг ечимини топиш учун бош қотиргимиз келмайди. Дўппини бундай бошдан олиб, фикр юритиб кўрайлик-чи, балки аёлни жиноят кўчаларига бошлаб кирган нарса аллақерда биқиниб ётгандир?!

Шу ўринда ўзим чуқур ўрганган бир воқеа тафсилотини сизнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ

АЁЛ

ЖИНОЯТГА



ҚЎЛ УРСА

Унинг исми Ирина эди. Иринанинг болалигидан қолган хотиралари жуда саёз: отаси ва онасининг бақириб-чақириб бир-бирларига ташланишларини элас-элас эслайди. У ҳар кун ойисини кутиб, эшик олдида мўлтираб йўл пойларди. Йиғлай деса, отасининг дағдағасидан чўчир эди. Сўнг уруш бошланди. Улар поездда узоқ юришди. Кейин уйларига бегона одамлар тез-тез келадиган бўлди. Бир куни ойиси "меҳмон" амакиларининг бири билан кетиб қолди. Шундан сўнг уни фақат судда кўрди. Ойисини оналик ҳуқуқидан маҳрум этишди. У ўшанда ҳали оқ-қорани таниб улгурмаган беш ёшли қизча эди.

Шундан сўнг "детдом" ҳаёти уни ўз кучогига олди. "Детдом"та ҳар куни кимнингдир ота-онаси келарди. "Машанинг ойиси ўйинчоқ, Танянинг ойиси ширинлик олиб келибди", деган гап дамба-дам қулогига чалиниб қоларди. У эшик-дераза тирқишидан мўралаб кимнидир келишини интизор кутар эди.

У 16 ёшга тўлганда болалар уйи билан хайрлашди. Сўраб-суриштириб дадасини топди. Ёшга жойлашди. Дадаси ҳамон ичарди. У Иринанинг топган-тутган пулини ҳам гоҳ сўраб, гоҳ ўғирлаб олиб ичкиликка сарфларди. Утай она эса қизни уйига сиғдирмай қўйди. Бўйи етиб қолган қизнинг кўнгли кўчадан юпанч излай бошлади. Бўлак иложи ҳам йўқ эди. Кўчада танишган шоввозларнинг бири уни "яхшисан" деди, бошқаси "севиб қолдим" деб кўнгли кўчасига йўл топди. Ирина улардан сигарет чекишни ўрганди, илк марта вино таъмини таътиб кўрди. Тақдир уни ҳаётнинг паст-баланд кўчаларига олиб кирди. У қай бир кун шоввозларнинг бири билан "юриб", натижада бўйида бўлиб қолганини сезмай қолди. Ота-онаси бўла туриб бувиси билан яшайдиган бу шоввоз мардлик қилиб Иринани бувисиникига олиб борди. Улар бирга яшай бошлашди. Бироқ орадан кўп ўтмай "эр" жиноятга қўл уриб қамалиб кетди, кампир эса вафот этди. Ирина оғироёқ ҳолида отасининг уйига бош уриб келди. Бола ҳам туғилди. Ота ҳатто невара учун бериладиган нафақани ҳам тортиб олиб ичар, ўтай она эса Ирინадан ошириб, гўдакни ҳам ҳақоратларди. Охири у она-болани уйдан ҳайдаб солди...

Ўша мудҳиш кун Иринанинг туғилган кунини эди. У 20 ёшга қадам қўйган эди. Саҳарлаб кўчага қувиб солган онанинг дарду дунёси қоронғу тортиб, туғилган кунини эслагиси ҳам келмасди.

У пой-пиёда Ғазалкентда яшайдиган ойисининг уйига етиб келди. Она маст ўтирарди. Ўзи ҳаёт ато этиб, сўнг бахтсизлик гирдобига ташлаб кетган қизи ва неварасига ҳатто "кимсан" ҳам демади. Бир-икки марта болаҳонадор қилиб сўқинди. Сўнг эса "йўқошлар", деб қичқирганича эшикни қарсиллатиб ёпиб олди. Ирина боласини кўтариб роса изғиб юрди. Холироқ жойга ўтириб йиғлади.

— Нега бунчалик бахтсизман, ёлғизман, хорман? — пичирларди унинг лаблари.

Боласига термулди. Яна бир бахтиқарони кўтариб юрганлиги хаёлидан ўтди. Узини дунёга келтирган ота-онасини қарғади. Боласи ҳам катта бўлса, узини шундай ҳақоратларга кўминшини хаёлан тасаввур қилди. "Бахтли бўлишингга кўзим етмайди, болам. Сени болалар уйига топширсаммикин? Йўқ, бўлмайди. Бу йўлдан ўзим ўтиб кўрдим. Мана, оқибати. Бирортасига болаликка берсаммикин? Ким ҳам оларди? Ташлаб кетсам-чи? Йўқ, ташландиқ бола бахтли бўла олмайди. Катта бўлгач, ҳаммасини билиб олади. Сўнг, у ҳам мени... онасини айблайдди. Бир умр лаънатлаб ўтади. Нима қилсам экан?"

Беихтиёр ўрнидан кўзгалиб, йўлга тушди. Йўл эса бу жонсарак аёлни шаҳар қабристонига бошлади. Бу йўл унга таниш эди. Эрнинг бувисини кўмиш учун келганларида бир марта уни босиб ўтган эди. Ирина тўғри ўша таниш қабр ёнига келди.

— Бувижон, мана ҳеч қаерга сигмаган неварангизни олиб келдим. Унга ёнингиздан жой беринг, — дея фарёд қилди у.

Ирина даҳшатта тушди. Ваҳшийлашиб кетди ва ердаги чилвир бўлагини олиб боланинг бўйнига солди... Гўдак билгиллаб-билгиллаб жон берди. Болани ўлдирган она қабристондан кета олмай изғиб, фарёд солиб юрганда, одамлар кўриб қолишди. Уни ҳибсга олдилар, тергов қилдилар, суд ҳам бўлди. Адолатли ҳукм ҳам ўқилди. Аммо... на тергов, на қонун белгиллаб берган бошқа бир ҳукм ҳам бор. Бу адолатпарвар муштариёларимиз ҳукмидир. Ирина ва унинг марҳум гўдагига тақдирдошлар озми? Ташлаб кетилган болаларни келажакда яна қандай қисматлар кутаётир? Боши ёрилган ёки бўйнига сиртмоқ солинган, тақдири синдирилган гўдаклар учун кимни айблаш керак? Ҳаёт йўли бошқача кечганда, Ирина ўз боласининг қотилига айланармиди?

Бу саволларга жавоб борми? Биладан, кўпчиликнинг ҳукми ана шу бечора аёлни қоралашдан нарига ўтмайди. Адолатданми бу ҳукмингиз? Ёки биз ҳам ҳали аёл қалбини, туйғусини тушунишдан йироқмизми?

Ушбу мақолани тайёрлаётим, ота-она меҳридан бебаҳра ўсаётган болалар уйи тарбияланувчиларидан ўз номинга келган мактубларга қайта кўз югуртирдим. Мактуб йўллаганларнинг кўпчилиги қизлар эди. Мен мактубларнинг

баъзиларини қандай ёзилган бўлса, шундай ҳолда қоғозга кўчирдим. Мана улар: Хадича Б., 11 ёш. "Мени бу ерга ҳеч ким сўроқлаб,

кўргани келмайди. Дугонам Иқболанинг онаси эса ҳар ҳафтада келиб кетади. Онаси уни бағрига босади, юзларидан ўпиб, эркалатади. Мен панада туриб ҳаммасини кўриб тураман. Айлиниб юришса, изларидан қолмай кузатаман. Иқболага ҳавасим келади. Унга "Дугонажон, ойингга айтгин, мени ҳам кучоқлаб ўпсинлар, мен ҳам у кишини кучгим, ўпгим келади. Сўнг иккаламиз бирга кутиб олиб, бирга кузатиб кўярдик", деб айтгим келади-ю, ҳоҳ ҳеч айтолмайман. Лекин бари бир пайт топиб

бир куни албатта айтаман. У йўқ демайди, яхши қиз..."


Гулнора Д., 9 ёш. "Дадам ҳам, оим ҳам эши кишилар эди. Уларни суд ажратиб юборди. Прокурор кап-катта одам бўла туриб, уларни бир-биридан ажратди. Мен эса оимнинг этагини чағаллаганимча, прокурор амакига тикилиб турдим. Менга қараб қолса, "ажратманг уларни, икковлари ҳам менга меҳрибон", деб кўлим билан имо қилмоқчи эдим. Аммо мен томонга бир марта ҳам қарамади. Ёмон одам экан у..." Шаҳло Ж., 10 ёш. "Ота-онамни эс-эс эслайман. Яхшиямки уларнинг суратлари бор. Суратларни қўлга олган заҳотим дадам билан оимнинг қотиллари шундоқ кўз ўнгимда пайдо бўлади. Прокурорлар нега уларни ҳанузгача ушлаб, жазоламаптилар? Ахир улар бошқа болаларни ҳам ечим қилиб қўйиши мумкин-ку! Баъзан ўзим кўча-бозорларни айланиб, уларни ахтаргим, учратиб қолсам одамларни чақириб, "ота-онамнинг қотиллари, ушланглар!" дегим келади. Афсуски, бунга рухсат беришмайди..."

Наргиза С., 11 ёш. "Қаттиқ шамоллаб иситман чиққанида Хуррият хола бағриларига олиб, кучоқлаб ётдилар. Юрак уришлари бирам ёқимли эдики! Бу менга жуда таниш туюлди. Бурун қачон ва қаерда эшитган эканман бундай юрак уришини? У кишини кўрсан ёнларига югургим, кучоқлагим, бағриларида узоқ-узоқ ўтиргим келаверади..."

Бу қизларимиз — бўлажак аёлларимиз, оналаримизнинг юрак дардига тўла мактублари. Қани, шундай жумлаларни битган қиз одамлардан яхшилик ва эътибор кўриб ўсса, нопок йўлга тушишга, жиноятга қўл уришига ишонасизми? Менимча, биз уларга оталик, оналик, акалик ёки оддийгина инсонийлик меҳрини ҳада қила билсак, улар ҳеч қачон қаҳр отига минншмайди, жиноят қамчисини қўлга олишмайди. Бу менинг фикрим. Сиз нима дейсиз, азиз муштариё?







Икром Отамурод

\* \* \*

Сени олиб кетаман  
 ўзимни ўтга уриб.  
 Лабларин ялаб батан  
 ганимлар қолар қуруқ.  
 Ит тирнаб ичларини  
 ой ютиниб қарайди.  
 Жамалак сочларингни  
 соғинчларим тарайди.  
 Умидимда унган гул,  
 чашми гирён тўлувим.  
 Руҳимдаги тахайюл,  
 қайғумдаги сулувим.  
 Уйларимни титаман  
 сўз излаб керагимга.  
 Сени олиб кетаман  
 соғинган юрагимга.



\* \* \*

Кўп эрур халқ деган, юрт деган-да кўп:  
 Бир-биридан олғир, устакор, бийрон.  
 Юраги олинган кўп, тили куйган кўп,  
 Халқ қайсин баридан тушига қайрон.  
 Бирига сизгиниб юрди,  
 Ҳаттоким  
 сизгинди-яратган каби узоқ йил.  
 Кажрафтор ўйини англаб етдики —  
 Сизгингани чиқди телба ва қотил.  
 Бирига эътиқод кўйди чинакам,  
 Тавофлар айлади мисли пайғамбар.  
 Эътиқод кўйгани чиқди муттаҳам,  
 Олибсотар чиқди, чиқди иғвогар.  
 Бирига ишонди имони бут деб,  
 Елиб, чопишига ишонди боз-боз.  
 Миш-мишлар тарқалди, сал фурсат ўтиб:  
 Роса учар эмиш, роса лўттибоз.  
 Бирига дил берди. Яқинроқ борди.  
 Тутди томирлари қаварган қўлчи.  
 Қайҳот, ўксик бағрим, силтаб юборди,  
 Дил бергани кибор, шуҳратинг қули.  
 Неча бор алданиб, неча бор куйган,  
 Бағрим пешонасин очилмас тарки.

Фурурини сотиб, халқ деб югурган  
 Хоин ким? Фидо ким? Англамас фарқин!  
 Халқ боис, муроди тўрроққа ўтиб  
 Олғувчи чопқирлар, илинж ахтарар.  
 Аслида жимгина азобин ютиб,  
 Қадрин англаганлар халқни кўтарар.

\* \* \*

Хаёл сенга етаклайверар,  
 номсиз мунгла, номсиз сукунлар.  
 Шомга бефарқ етаклайверар  
 кунлар ортидан кунлар.

Чопаман хаёлга эргашиб,  
 бир умид пайдодир кўксимда.  
 Не тонг, келаверар тиргашиб  
 қаршимда армонлар ўксинган.

Кўклагим майсадек тўкилар —  
 руҳимда қувончлар сизгинди.  
 Хаёлимда югурган йўллар,  
 хаёлимда хаёллар энди.

Хўрсинади жонимдан маҳзар —  
 унутилган гамлар дафъатан.  
 Шовқинлардан нурад ҳар лаҳза,  
 хаёлимда тикланган Ватан.

\* \* \*

Ёбонларда ухлар бир бола,  
 оининг чопонига ўралиб.  
 Олисларда,  
 қадим ўзани нола —  
 Қашқадарё ётар буралиб.

Тун ойдин. Тун салқиндир хийла —  
 эти совиб жулжикар ёбон.  
 Юлдузларнинг кўзлари тийра,  
 боши узра термулар осмон.

Кун бўйи боланинг тамум  
 тинкасини қуритган бот-бот:  
 Қай ўнгирда очофат самум,  
 қай сайҳонда ёввойи таппот?!

Тулғанар. Қўл чўзар. Қўзигул  
 исларини тўкар сўнг саҳар...  
 Тушига киради атиргул,  
 тушига каттакон шаҳар...

Ёбонларда ухлар бир бола...

\* \* \*

Куйдиради жағжаққа офтоб,  
 ҳолсизгина ҳаво ҳансирар.  
 Имконимнинг имкони-сароб,  
 имконимнинг имкони синар.

Юрагимнинг кўзлари яра,  
 умидимнинг муроди сабил.  
 Ёнаётган осмонга қараб  
 Қашқадарёнинг қақрайди лаби.

Қоратикан руҳимда оғлаб —  
 азобим бошвоғи сўкилар.  
 Тоҳир ва Зуҳра қабрин қучоғлаб  
 жизлоннинг ашқлари тўкилар.  
 Куйдиради жағжаққа офтоб...





БЕГОНА

Тож учди. Кулади тахт,  
Сийрилиб, тўкилди шон.  
Орта қолди: омад, бахт.  
Олдда аччиқ пушаймон.

Ҳаво тўзгйди — карахт.  
Йул кесилган — ногирон.  
Орта қолди: омад, бахт.  
Олдда аччиқ пушаймон.

Шухрат — йиқилган дарахт.  
Салтанат — синган синон.  
Орта қолди: омад, бахт.  
Олдда аччиқ пушаймон.

Саройга ганим — бадбахт.  
Ўзин тортар дўст-ёрон.  
Орта қолди: омад, бахт.  
Олдда аччиқ пушаймон.

\* \* \*

Кимсасиз кўчалар бева аёлдай  
хўрсиниб — оч багрин босади қорга.  
Қунишган дарахтлар осади ёлдай  
яланғоч музларни дорга.

Ой эса тепада тиржаяр совуқ —  
чархланган қиличдек ярқираб.  
Гумбазнинг парларин бутлаган қавуқ  
ситилар, бирма-бир тирқираб.

Изгирин юзини ювади сарой,  
эшиқларни семиртирар намлар.  
Кўнглум ҳовурига исиниб уч ой —  
юрагимла қишлайди ғамлар.



ОДИЛ ҲОТАМОВ

ХАЁЛГА ИБОДАТ


Олис ҳижрон сўроғи ҳануз  
Хаёлингга ёмғирдай ёғар.  
Шамоллардан беркигиб базўр  
Хотиралар чақмоғин чақар.

Далли юрак этмай итоат  
Унутмоқнинг топса иложин.  
Сувратинга қилгум ибодат —  
Ёр умрнинг танҳо илоҳи.

Ахир бир кун ёмғирни чарчоқ  
Элитганда титраб тойгайдир  
Шамолларда чақилган чақмоқ  
Кўзларимда қотиб қолгайдир...

\* \* \*

Хаёлингга бермайди омон  
Исёнкор руҳ улугворлиги.  
Кўкда қуёш порлаши ҳамон  
Абадиёт устиворлиги.  
Яшил майса кўнгироғидан  
Ҳазон япроқ баётигача  
Чузилган йул чанг тупроғидан  
Қалдирғочнинг қанотигача —



Барчасида зоҳир, мужассам  
Ҳаёт отли тенгсиз галаён  
Бу йўлда қай аср кечса ҳам  
Инсон исён бўлмоғи аён.

...Хаёлларинг ёришар чексиз  
Юксаласан тўлиб, бегубор.  
Ўткинчидай гул қадамингда  
Лаҳзаларнинг мангулиги ёр.

### ИҚРОР

Бу йўл авраб, аллади, ҳайҳот,  
Эрмак боғи, голиблик, шароб,  
Биз интилган эй нузли ҳаёт...  
Наҳот энди, барчаси сароб?!

Фалак чархи ғирчиллар қургур,  
Тақдирми бу, найрангми, ўйин...  
Энди Ростни тан олмоқ мушкул,  
Ҳақиқатта ишонмоқ қийин...

### ҚАЙТИШ

Темирбетон уйлар ўсар заминда,  
Бағрида паноҳ бор-минг бир калтак.  
"Яратган эгамга минг қуллуқ" гамда  
Одамзод туп қуйиб, ёзади палак.

Пойида куйлашни унутмай чиндан  
Ҳоқисор Паҳлавон Маҳмуд май, жомни,  
Ногоҳ кўриб қолар тонг нури билан  
Гултувакка гуллаб ётган Хайёмни...

\* \* \*

Яшамоқ завқидан ҳорган боғларинг,  
Шуурига сим-сим сингиган ранглар,  
Сесканиб, қалтираб қарга, зоғларинг,  
Оғир қанотида мунглар жаранглар.

Толедай ғанимат кундузни хўплаб,  
Қуёш ҳам чўмади хорғин ва юпун  
Ойни тўсиб қўяр баргларни тўплаб,  
Сен ёққан оловдан ўрлаган тутун...

### ҚАРВОН ИЗИДА

Сароб жимирлаган, уфқ қизиган  
Саҳрони юмдаган тўзон хуружи —  
Тунда ғойиб қарвон изида  
Сўнган гулханларнинг адашган руҳи...

Қум босган қудуққа ботади  
Довруқ қарвонбоши узиб нафасин.  
Асраб қолмоқчидай қучиб ётади  
Тунда йўл кўрсатган юлдуз шарпасин...

### ОЙСИЗ ОҚШОМЛАР

Кимдир армон билан яшайди ҳануз  
Тош бўлиб босади ҳар ўтган куни.  
Таскин беролмайди на кўклар, на куз  
Юраги шам каби бормоқда сўниб.

Таскин беролмайман унга ҳеч қачон  
У ҳам мендан кутмас таъна, дашномлар  
Ўзим ҳам билмайман, билмайман нечун  
Кичрайиб кетаман ойсиз оқшомлар.

\* \* \*

Қалбинг тугёнлардан бўлмаган жудо,  
Кўзларинг қаърида Нилуфардай гам —  
Энг сўнги ёмғирга айтилган видо,  
Энг сўнги қорлардан тиланган кўкларам.

Армон-юракларга сизмаган бир сўз,  
Нигоҳинг тафтида ёнмоғи аён—  
Энг сўнги тунлардан тўкилган юлдуз,  
Энг сўнги тонгларга илоҳий баён...

### ДАЙДИ

Тўдасидан айрилиб  
Бу ҳол келиб хўп малол  
Қанотлари қайрилиб  
Ғорда инграйди шамол.

Совуқ секин сийпалар  
Руҳларнингми нафаси.  
Гуё сокин чайқалар  
Гўнг сирларнинг қафаси.

Бақраяр зулмат малъун  
Шамол жон берар сўнг бор.  
Чиябуридай узун  
Увиллаб юборди ғор...

\* \* \*

...Бу гулларнинг яшаш ҳуқуқин,  
Кафолатлар замон ва фалак.  
Наслларга афсунлар ўқиб,  
Айланади қадим чархпалак.

Ошиқ юрак титроқларига,  
Бағрин очар муҳаббат янглиғ.  
Рангсиз, унсиз япроқларига  
санчилади исмсиз бир тиг.

Шамолларни туйиб сипқориб,  
ранглар сочар одам бошига.  
Охир бошин қўяди ҳориб,  
Қабрларнинг савуқ тошига...

Одил ҲОТАМОВ 1950 йили Навбахор туманидаги Учтут жамоа хўжалигида туғилган. Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиетини тугатган. Шундан буён Навоний тумани "Навоний овози" рўзномаси таҳририятида хизмат қилиб келади.

Шеърлари жумҳурият матбуотида, "Ёшлик баёзи", "Ёшлик алманахи"да босилган. 1985 йилда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида "Кечки майсалар" ("Булоқ кўз очди" жамоа тўпламида) китоби ёруғлик кўрган.

Одил Ҳотамов ўйчан табиатли шоир. Унинг шеърларидаги қуюқ туйғулар рангин-рангин ҳолатларда тириклик ҳақида ўз СЎЗИни айтишга интилади.



ХАЙРУЛЛО

## Улиётган ит ва менинг қўшиғим

Ҳикоя

Мен минг йил ёмғир кўрмаган саҳродай ташнаман.  
Мен интиқлик деган сўз қаърида тугилганимдан буён  
чўкаётган одамман.

Мен беқийсман.

Айнан бугун, мана шу тун мен Сени қасддан яратаман,  
Сенга исм топаман ва жамики туйғулардан огоҳ этаман.  
Мен калом қилдим:

— Сен борсан!

Сен энди мавжудлик деган тушда яшашга маҳкумсан.  
Ва миёга урилган иккинчи исм соҳибисан.

— Денгизсан!

Сен менинг ёлғиз қулимсан. Шунданми меҳр деган бир  
сийқа туйғумга мушаррафсан. Мен каломимни ҳавом  
қилмоққа кетдим.

Жаллод туш кўрди:

...итки изгиринга парво қилмайди, итки тепалик томон  
алмисоқдан қолган оёқларини судраб, эҳтимолки, уларга  
тавалло билан тебраниб-тебраниб югураверади. Тепаликка  
чиқади. Кўксини ёши улуг тошга бериб, хаёлларининг бир  
учини сайёҳ шамолнинг сочларига улайди-ю, ухлайди. Туш  
кўради. Денгиз, тоғ, ўрмон бир қадам бўлганидан кейин  
тушида шубҳасиз саҳрони кўради.

Биебонда баҳорий насимлар эсиб, тустовуқлар маликалар  
каби киборона кезишлардан толишмайди. Саксовуллар гуллаб  
ётади, капалаклар жаннатий рақслари ила илонларни ошиқ  
қилади, калтакесаклар денгиз чиганогига монанд рухсорлари  
билан ёзиғига маҳлиёликда куйлашади. Ошиқ илонлар  
туяларни соғиб тошбақа косасида бесаноқ Мажнуларга сут  
келтиришади. Қум зарралари гиловатгўй, чаёнлар олтиндай  
ялтираб Лайлиларнинг оқушникидай бўйинларига мун-  
чоқдай тизилишади. И т л а ҳ з а л а р о қ и м и д а . . .

Ит тушнинг саробга қариндошлигини булутлар йиғисидан  
сезади. Жирканади. Ҳафсаласи пир бўлиб бедорлигини  
қўмсайди.

— Мен итман, бу туш, бу кун, — дейди. Тунни  
йўқлайди.

Тун кўксига ойни тақиб, юлдузларга беланиб қоп-қора  
либосини, ибодат китоби ваҳимасига жамлаб мағрур-мағрур

юришлар билан кириб келади. Туннинг беҳис ва совуқ  
афтори итни бир қадар тинчлантиради. Овуатади. Мутаассир  
улиёди ит. Тушида улиётган ит уйғониб кетади.

Уйғонганида қуёш гунча каби қизараётган, мадор йиққан,  
хиёл увишган оёқларини кераётганида қуёш гулдай очилган,  
изига қайтаётганда эса, устига олов ағдарилаётган бўлади.  
Орқасидан ажал қуваётгандай югураверади, югураверади,  
югура... Ҳолдан тояди, йиқилади. Танасини тун ва Кун  
исмли аждаҳлар еб битиради. Суякларини ҳам саҳрога  
сингаётган пайтда бир нарсани — итлигини англайди. Ит  
улиёди — и т л а ҳ з а л а р о қ и м и д а . . .

Жаллод туш кўрганди.

Ўзи ҳаммаси айнан шундай кечмоғи керакдай, даъфатан,  
ҳеч қутилмаганда, саратоннинг жазирама кунинда, эҳтимол  
тунида Игна билан Қудуқ қазиб ўтирган Одамни учратиб  
қоласану бирор бир қийинчиликсиз уни тушунасан. Тун.  
Муътадил Тун-Саҳро-Одам-Игна. У ўзининг ғариб ва юпун  
ҳолатидан бир оз мулзам тортади, бироқ бу ноқулайлик  
икковларида ҳам қутилган малол туйғусини тугдирмайди. У  
қайтанга, бироз эркинроқ, гўё Игна билан Қудуқ қазининг  
ўзгача гашти борлигини сенга исботламоқчидай, синиққина  
табассум билан бисотидаги бир неча сўзни туҳфа қилади.

(Мен булутларнинг зарраларига айланиб қолишни жу-  
да-жуда истайман — мен улардан ой ва юлдузлар каби  
ёрқин ранглилик талаб қилмайман-бироқ мен ҳар бир  
заррани аниқ-тиниқ кўриб туришни хоҳлайман ва агар  
шундай бўлса мен ҳар бир томиримни кесиб биттадан заррага  
боғлаб кўярдим ва менинг томиримда қон эмас, ёмғирлар  
оқарди).

Ҳамма гап шундаки, аҳмоқлар ҳам одам, улар ҳам  
яшашга ҳақли, майли, маҳкум дейлик... Яшашга маҳкум  
ёки ҳақлилар эса... ҳамма нарсага ҳақли! Бу эрк уларга  
қўл, оёқ, кўз, бурун, қулоқ каби берилмаган, аёнки, тасдиқ  
ёки инкор қилувчи қонулар ҳам йўқ, борди-ю, шундай  
қонулар мавжуд бўлса, мен Игна билан Қудуқ қазиб  
ўтирмасдим. Сиз эса менга икки дунёда ҳам дуч  
келмасдингиз, яна... ҳозир бораётган манзилингиз ёки  
маконингиз саробга айланарди, келаётган Тарафингиз  
йўқолиб қоларди. Еки акси! Олдийгина йўқолиб қоларди,  
худди совун кўпиги сингари... бор эди, йўқ бўлди... Сиз,  
яхшиси мен бажараётган юмушнинг хоҳлигини  
гайритабиийлигидан кўра, "нимага мен Игна билан Қудуқ  
қазиб ўтирган Одамни бир вақтнинг ўзида ҳам остидан,  
ҳам устидан, ёнидан... ҳамма тарафидан бирдан кўрмайман"

деб ўйлаб кўринг... Яна... нимага мен Қазибётган Қудуқ  
бундан миллион йил аввал ҳам худди шундай чуқурликда...  
Йўқ, келинг, эътироз билдирманг, айтинг, нимага ўзгармайпти  
ҳеч нарса, ахир мана, қўлимда Игна, Қудуқ қазийман!..

Бари бир кўнглинг тўлмади. Сен азбаройи Қудуқ  
Қазибётган суҳбатдошингни ранжитмаслик ниятида "мен  
Сизни тушунаман, тушунган пайтингиз ҳеч қанақа ишончга  
ўрин йўқ, юмушингизнинг нечоғлик табиий-  
гайритабиийлигига келсак, билмадим, ҳар қалай Игна билан  
Қудуқ қазииш мумкин, аммо Қудуқ... билан Игна қазииш..."  
дединг ва жилмайдинг. У бунни кутмаганди. Бунни ҳеч ким  
кутмаган. Бунни ҳеч ким, ҳеч қачон кутмайди-кутолмайди.

Вақтнинг ҳар лаҳза-Гурзисига беписанд бу қоя Одам  
устига гўё осмон ағдарилди. Қиёмат сасини сезгандай қалқиб  
кетди. Бир лаҳза ўзини унглаб, сени туш пардалари аро  
кўриб тургандай, кўзларини хиёл юмганича сўз қотди.

— Агар мен... игнамни йўқотиб қўйган бўлсам-чи,  
аввалдаёқ... йўқолган бўлса-чи менинг игнам, қидириб  
ўтирган бўлсам-чи игнамни?!

У сенга эрта-индин ўладиган одамни эслатади. Жавоб  
ҳозирладинг. Изҳор учун ўгирилганингда кўзинг ҳайбатли,  
одатдагидан юз карра каттароқ чиганоққа тушди. Денгиз  
шовуларди.

(мен аёнлик истадим — бу истак йўқ менда — бироқ  
шундай бўлади — сен ўлсанг ва жасадингни зим-зиё, зах  
ёки дим ва қоронғу-балки ёруғ қошонада бир неча кун  
атайдан-эҳтимол ёдларидан кўтарилиб-ишқилиб, қатор кун-  
лар қолиб, ириб-моғорлаб кетса ва мурдашўй лошингни уч  
кун ювиб ҳам қўласан ҳидни аритолмаса — менга, менга,  
менга лаънатлар бўлсинким, ўша сувни-да ичгувчингман,  
кўзларингга-да сургувчингман).

Денгиз кўзларини осмонга тикди. У осмонни баҳайбат  
қоринга, ўзини эса қориндаги сувга қиёслади".

Мен худди шу жумладан кейин сени илк бор ҳис

қиламан. Мавжуд ва маҳқумлигини тўла тушунаман. Мен эшик тақиллашини ва у кимнидир қаргаб очилишини кутаман. Ишқилиб, ниманидир рўй беришига интиқман. Мен ҳал қилувчи лаҳзалардан қўрқаман, айни маҳал лаҳзаларни мутлақо тушунмайман, Менинг Вақт ҳақидаги тасавурум кенг. Менинг вақт ҳақида тасавурум тор. Пирпираб жони узилаётган шамга ш у н ч а к и қарагим келади. Қарамайман.

Эшик тақилламайди.

Бироқ эшик очилади.

Шам эса ўзининг азалий вазифасини бажараверади. Шам қилт этмайди. Кўр-қўрона итоат. Бирданига сўниш унинг хаёлига келмайди. Шамнинг олов тили устига бармоғини босаман. Аёнки, учирмоқ ниятида. Ҳа, мен уни бир пуфлашдаёқ ўчирмоғим тайин ва бу осон, мен шу "осон"га хиёнат қиламан. Хиёнат эса журъатдир! Хиёнаткор шам эса менинг бармоғини, тўғрироғи, тирноғини тешиб ёнаверади. Қўлим куймайди. Жинни бўлиш машақатлигини англайман. Қарғиша кўмилиб кимдир киради. Мен аслимга қайтаман.

"Денгиз назарида саҳро чиндан ҳам чексиздай туюлади. Акс ҳолда, у эшик борлигини, Ичкари ва Ташкари мавжудлигини биларди. Ҳар қандай мавжудлик маҳқумлик экани, ҳар қандай мавжудлик-маҳқумликка даҳл қилиш эмаслигини, инкор бўлолмаслигини тушунарди. Денгиз эса фақат бир нарсага имон келтиришга кўникканди; саҳро чексиздир... (бунинг ҳеч ҳаери тошга ўхшамайди, бирор тукининг ҳам алоқаси йўқдир саҳрога-алоқаси бўлмагани каби денгизга-ўлган эмас икки дунёда ҳам тирик эмас, ҳеч бўлмаганда-тушига кирмайди ҳеч қандай япроқ-хазон ёнганини кўрмаган ўнгида-қафаснинг ичидагини масхараламаган — уялгани йўқдир қуёшдан — ТУН УНИНГ МАНГУ УЙНАШИДИР — денгиздан чиганоқ топса ҳайратланмайди — эси чиқиб кетмайди саҳродаги саксовулдан-)

Кўнгли орзиқиб кетди.

Қидирганини топмаганди. Елкасига қўлини қўйиб ўзига қаратди. Оппоқ. Мурда эканлигига ишонмади. Кўзларининг пирпираётгани тирикликдан оғоҳ этиб турарди. Қўрқаяпти. Қўрқаясан-а? Менинг ихтиёрим етаклаб келмади-ку бу ерга. Нимадан қўрқасан? Сенинг измингалигимданми? Қўрқаётганинган ҳам қўрқаясан. Ҳайдамайсанми унда? Ҳайдашдан ҳам қўрқасан! Қаёққа ҳам ҳайдардинг? Ер дум-думалоқ.

...ер кимнингдир сапчадек узиб ташланган боши! Миянгни ховончада эзгилаб, сувига тустовуқнинг патини ботириб ёзиш керак. Қўрқаясан-а?

(кет-кет-кет)

Жаллод туш кўрди.

"...юлдуз пастлаётганди. Пастлайверди, пастлайверди, пастлайверди — кафтга кўнди. Кафт кўздай юмилди. Дунё тунга қул бўлди. Кафт ичра бир салтанат...

Куй тирноқларинг орасидан кириб сочининг толаларидан чиқиб кетарди. Емгир қанотларини ҳўл қилди куйнинг. Тўрвангни оч, ҳофиз! Ҳофиз йиғлайди.

— Мезон каби вужудингиз-кимсиз?

— Бедилман. Айтмовдимми! Менинг интилганим тоқ эди — ОҒОҲЛИК.

Юлдуз пастлаунга қадар ўтганини сийқалаштириб бўлмайди. Эскига ё янгига ажратиб ёлгон.

Осмонни елкалаб юрмаган одам йўқ. Денгиз қадамларини санаб чиқиб кетди. Самум. Илма-тешик бўлди вужуди. Кетаверади. Осмонни елкалаб, Игна билан Қудуқ Қазибётган Одамнинг ёнида ҳайбатли чиганоқ ағанаб ётарди. Бирдан, нимагадир беш йилми, беш юз йилми аввал кўрган сурати ёдига тушди. (Балки ҳозир исминг жисмингга монанд тушмаётгандир...)

Суратда кузги боғ ва хазонлар ҳамда йўлак яна иккита одам тасвири туширилган, назарингда, у одамлар сен томонга

одимлаётгандай... (сен бу куйнинг ортидан етолмаяпсан-куй тезлигига эришолмаяпсан) ...эди. Кейин одамлар ростдан юриб келаверишди —

тасвир ва акс тасвир ўртасида бу йўлак кесилганди —

йўлак охирлаётганди —

дараклар тугаётганди —

тасвир тугаётганди —

— ва улар оёқларинг остига гупиллаб йиқилишганди.

Шамол хазонларни чирпирак қилиб жонингга сочганида, йиқилганларнинг иккови ҳам мурдага айланганини сезасан. Хазонларга кўмасан.

Ҳайбатли чиганоққа ҳайратли нигоҳларингни тикиб Игна билан Қудуқ Қазиб Утирганини саволга тутасан.

— Сиз шамдан оғоҳмисиз?

(зулматдан-зиёдан-нурдан-ёнаётгандан-ёндираётгандан-теваракдан-атрофдан-борлиқдан-Кўринаётгандан-пинҳонан...)

— Йўқ... зулмат йўқ, нур ҳам, ёнаётган ҳам, шам менинг ўзим, сен эса борсан!

...бу ит қаердан пайдо бўлганини билмайди. Ит унга нимадир дейди. Жуда тез ёддан кўтариладиган нимадир...

— Мен қаергадир, қачонлардир боргандим. Эҳтимол тушда кўргандирман, бироқ ШУНДАЙ БЎЛГАНДИ. Ушанда, (яна бир эҳтимол) қутургандим чоғи, нуқул тош чайнагим келарди. Тош ҳам ниятдан оғоҳ эди. Шунданми, миқ этмай, тишини тишига қўйиб, қўрқувдан қалтираётганини сездирамасликка уринарди. Мен озимни очдим. Машаққат эди бу. Энг осон машаққат. Тишларим гижирлайверди. Тошни чайнайвердим. Ҳолдан тойиб йиқилдим. Туш кўрдим ва ҳозиргача уйғонолмайман.

Ит бетўхтов улайди.

Чиганоқ садо беради. Денгиз кўзига кўринган жамики-саҳрони-осмонни-саксовулзорни қидиради. Бир нарсанинггина топади. Кўзларини беҳуда қийнайди. Даҳшатли, чиганоқдай ҳайбатли эътироз уйғонади ботинида.

— Йўқ! Зулмат йўқ, шам йўқ, нур ҳам йўқ, Сен борсан — Мен-сан!

—...мармар бино. Тўрт тарафи мармар. Ери ҳам, осмони ҳам. Бир ҳовуч қушларнинг патидан ўзга ҳеч нарса йўқ. Эзиб юборади одамни; истаган бурчакка бориб қилт этмай ўтирсанг ҳам, ҳар бир нафас олишинг парвозларга сабаб бўлади. Ихтиёрсиз парвоз. Ўлгинг ҳам келмайди, бироқ қуш патлари каби жаллодлардан (жаллодлардаги ҳар бир туйғу ўликдир) қочиб қутулолмайсан. Гўё жонинг минг бир бўлақларга бўлинган ва ҳар бир бўлағи биттадан патта юкланган. О, йўқлик эмасми бу? Еки... (наҳот кўзларингиз кўрмаса?) ёки (наҳот эшитмаса қулоқларингиз?) Еки... паға-паға қор ёғайди. Қабристон. Ёши мингга яқинлашиб қолган, жинси нотайин бир одам ун сотиб ўтиради. Набатнинг охири кўринмайди. Тирик ва ўликларни ажратиб олиш учун худо бўлиш керак. Қулоғингизга шундай гап киради:

— Менга битта ун беринг...

Жавоб киради қулоқларингизга:

— Мана сизга битта ун...

Оппоқ могорланган кафт, пағалаб ёғайтган қор... қани ўша ун? Қани?! О, қандоқ қилиб бор бўлай? Бу ўзи бир думалоққина нарса...

Денгизнинг умидсизлиги миллиард марта каттарайди. Ва УЛКАН ДУМАЛОҚ ШАКЛГА киради. Денгиз думалаб-думалаб кўздан йўқолади.

Сен думалаб-думалаб кўздан йўқолаётганингда —

— жаллод туш кўраётган

— ит улийтган

— менинг дум-думалоқ каллам ДУМАЛАБ-ДУМАЛАБ ҳамма фаслларнинг йиғиндиси — туш фаслига оқиб кетаётган бўлади...



...Коп-қора кийимга бурканган одам сездирмасдан бинога кириб, товушсиз қадамлар билан керакли эшикка яқинлашди ва эшик рўпарасида чўкка тушганча қулф билан шуғуллана бошлади. Айланиб юрган қоровулнинг оёқ товушини узоқдан эшитиб, қиё ҳам боқмади. Типратиканнинг мўъжаз шаклини эслатувчи қандайдир темирларни полга ташлади. Муолишда йўл-йўлаккай қуролини қўлига олиб ўзи томон отилиб келаётган қоровулни кўрганда ҳам хотиржамлик билан ишини тўхтатмай чўнтагидан бир сиқим кўргошин шарчаларини олди ва қайрилиб қарамай елкаси оша қоровул тарафга иргитди.

Унинг мўлжали тўғри чиқди. Кўргошин шарчаларни босиб олган қоровул сирпаниб, юзи билан қирралари ўткир чархланган темир парчалари устига йиқилди ва шу заҳоти қалбни тирновчи қичқириқ янгради. Қора кийимдаги киши эса хотиржамлик билан эшикни очди ва ўзига зарур нарсани олиб, худди бу ерда ҳеч қачон бўлмагандек, шовқинсиз ғойиб бўлди...

Жанговар санъатлар орасида қадимий япон жосуслик санъати — ниндзюцу (гоҳида нимпо деб аташади) энг жумбоқли ва сирли бўлса, ажаб эмас. Кино ёки видео экранларда ниндзя ўз бадани ва идрокини бошқариб мўъжизалар яратганида ҳақиқатда шундай бўлишига кишининг ишонгиси келмайди.

Ниндзюцу ҳақида маълумотларни асосан видеофилмлардан олиш мумкин ("Америка ниндзясси", "Ўлимга ёлвориш", "Саброуз" операцияси", "Ниндзя қасоси" ва бошқалар). Ҳаммага маълумки, филм режиссёрлари виждонлари қийналмай ҳақиқатдан жозибани устун қўядилар. Аммо ниндзя ҳақидаги филмлар ягона ҳодиса бўлиб, ҳақиқатни буюб, кўпиртирмайди, аксинча, ҳақиқатни камайтириб кўрсатади, чунки ниндзянинг қўлидан келадиган ишлар мўъжизавий, ғайритабиий бўлиб, кишини ҳайратга солади.

Ниндзя пайдо бўлган аниқ вақт номаълум. Лекин эрамиздан олдинги VI асрга тааллуқли машҳур Хитой ҳарбий санъат тактикаси "Сун Цзи"даёқ ҳарбий ва сиёсий мақсадларда махсус тайёрланган жосус, айғоқчи ва қўпоровчилардан фойдаланилгани тўғрисида гап боради (шу ва ундан ҳам олдинги даврларда Хитойда "Ўрмон иблислари" деган, алоҳида уруғлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор) Японияда эса ҳарбий жосуслик эрамизнинг V-VI асрларидан ривожлана бошлади. Шу даврда ниндзя хизматида ҳокимлар билан курашаётган роҳиблар фойдаланганлиги бизга маълум. (Лекин ниндзя — "кўринмас одамлар" ёки "жангчи соялар" атамаси анча кейин пайдо бўлган). Ниндзя санъат сифатида XIII асрда узил-кесил шаклланди, ҳамда феодал урушлар, низо ва фитналар даври бўлган кейинги тўрт юз йиллик ниндзянинг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Ана ўша даврда алоҳида самурай уруғи жамоасидан чиққанлар ниндзя мактабини шакллантирдилар. Тўғри, ниндзя ёрдамида ҳокимиятга эришган бек (сёгун) Токугава XVII асрда ўлим хавфи остида бу санъатни таъқиқлади ва ниндзяга ҳақиқий ов эълон қилди. Лекин ниндзя яшашда давом этди. Бунга сабаб, бир томони нозик ишларни бажаришда ниндзядан фойдаланган япон жамияти намояндаларининг манфаатдорлиги бўлса, иккинчидан кўзга кўринмасларни овлаш ниҳоятда мушкул иш эди. Кўпинча овчининг ўзи тузоққа илиниб қурбон бўларди.

Бироқ 1868 йили Кун чиқиш мамлакатига содир бўлган буржуа инқилоби ниндзяни ҳарбий ва сиёсий майдондан бутунлай йўқ бўлишга олиб келди, ўзига унчалик хайрихоҳ бўлмаган тарихдагина сақланиб қолди, холос.

Самурай учун эҳтимол ниндзядан ортиқ жирканч мавжудот бўлмаса керак. Ўз беғаразлиги билан танилган, башанг, яхши тарбия кўрган жангчилар, ўз санъатидан бошқа нарсани билмайдиган, ўрмон ва тоғларда ёлғиз яшовчи, бунга қўшимча пулга хизмат қилувчи кишилардан нафратланар ва ниндзя улар учун дахлсизлар табақасидек эди. Лекин, шунга қарамай ўлимни ҳам назар-писанд қилмовчи, мағрур, иззатталаб, қўрқмас жангчилар ҳеч кимдан бу таҳқирланган кишилардан (ниндзядан) қўрққанчалик қўрқмас эдилар. Чунки жуда кўп йил сарф қилиб жанг техникасини ўрганган самурайнинг маҳорати мутлақо ниндзя маҳоратига тенглаша олмасди. Ҳа, ниндзя фанлардан беҳабар эди, шеърлар тўқимасди ва ўз ҳаётида фақат бир нарсани биларди — билганда ҳам қандоқ биларди? Қойиллатарди!

Бўлажак ниндзя тугилишидан тарбияланиб, бу ерда эртак ва ўйинчоқлар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Ота-оналар ва мураббийлар ўғил ёки қиз болалар (ниндзялар

орасида маҳоратда эр-каклардан қолишмайди-ган кўпгина аёллар ҳам бўлиб, уларни куноитит деб атаганлар) билан қандай шуғулланмасинлар, ҳаммаси бўлгусидаги ҳунарни эгаллашга қаратилганди. Ниндзяда ҳаваскорликка ўрин йўқ.

Болаларга берилаётган тарбияни ҳозирги ота-оналар кўрсалар, уларга бу нарса ваҳшийликнинг чўққиси бўлиб кўринар балким. Масалан, беланчакни

шундай тебратардиларки, натижада бола жуда мураккабидан бунга кўникма ҳосил қилиб, беланчакни деворга урилишини қўли билан тўхтатарди. Кейин ўтирган бола тарафига оғир шарни думалатиб, унга тўсиқ қўйишни ўргатардилар. Ярим ёшда бўлажак ниндзя юришдан олдин сузишни бошларди. Ёши улғайишига қараб, машқлар ҳам мураккаблашиб борарди. Болаларга отда чолишни, чопиб кетаётган отга сакраб миниб ва тушишни, тиконли буталар ёки дами сағал ўтмаслаштирилган қиличлар устидан баландликка сакрашни, узоқ масофага югуришни, тез ва товушсиз юриш, баландга осилган ингичка ҳодада, кейинчалик арқонда мураккаб машқларни бажаришга ўргатишарди. Шу билан бирга махсус уқалаш, кўникма ҳосил қилиш ва парҳез йўли билан бўғинларни ғайритабиий силжитиш, оғриқни сездирмасликка эришиб, баданни "темир кўйлакка" айланишга олиб келганлар. Ҳар қандай об-ҳавода яланғоч юришга, кўп вақтни овуқат ва сувсиз ўтказиш, бир неча кунлаб зим-зиё қоронғуликда бўлишга мажбур қилганлар.

Натижада ниндзя суткалаб сувда тура олар, аъло даражада сувга шўнғир, узоқ вақт нафас олмай сув остида турак, ўн метр баландликдан сакраб, деворнинг туртиб чиққан қисмига чопиб чиқолар, из қолдирмай юролар, рўпарадан отилган ўқ-ёйни қўли билан тутиб қолар, қоронғуликда бемалол кўра олар, бўғин халтачасидан қўл ёки оёғини чиқара олар (бу нарса кишидан кўтилишда, тор жойларга кириб кетишда, жангда зарба бериш пайтида қўлни бир неча сантиметрга узайтиришда ёрдам берган) ва ҳатто ўз бўйинини ҳам баланд қила оларди. Бунга устига улар кўриб эслаб қолишдек ажойиб қобилиятга эга бўлиб, бир қарашда жойини баланд-пастигини, хонадаги шароитни, муҳим ҳужжатни кўриб, пайқаб, эслаб қолар эдилар. Эшитиш қобилиятлари ҳам аъло даражада бўлиб, ўқ-ёйнинг

Айғир Ўранлий

# КЎРИНМАСЛАРГА ҚАРШИ ОВ

визиллаши камончигача бўлган масофани аниқлай олганлар ва қуролнинг жарангидан уни турини айтиб бера олганлар. Ниндзялар қуш ва ҳайвонларнинг товушини фарқлай олиб, уларга моҳирона тақлид қилар эдилар. Заҳар ва дори, портловчи моддалар тайёрлаш, акупунтура ва жарроҳликдан хабардор эдилар.

Табийки, жанг техникасига ҳам катта эътибор берилган. Ниндзя ҳам асосан самурайлар ўрганган техникани ўлаштирган, аммо кўпроқ амалий жиҳатида диққатни қаратиб, усулни жуда ҳам юқори мукамалликка етказганлар. Ниндзянинг моҳир гимнаст ва акробатлигини ҳисобга олсак, бу техника уларнинг қўлида қанчалик ҳалокатли ўлим ташувчи қуролга айланганини кўз олдимизга келтириш мумкин.

Улар қурол ишлатишни ҳам яхши ўлаштирган бўлиб, қуроллари ҳам ўзига хос бўлган. Ниндзя оддий қиличдан ташқари мактабига қараб сёге (икки тигли ханжар — битта асосга эга, бир текисликда ётувчи қайрилган ва тўғри тигли), манкикигусари (учларида кўрошин шарчалар бўлган занжир), "йўлбарс оғзи" кастетлари (бу кастетлар кафтини ички ва ташқи томонига маҳкамланади), сюрикенлар (учлари ўткир чархланган қушув аломати, юлдузча ёки олти қирра шаклидаги юпқа пўлат пластинкалар: бу қуроллар даҳшатли отиш қуроли бўлган) ва яна бошқа кўпгина қуролларнинг турларидан фойдаланганлар. Қилич қинларида тешикча бўлиб, шу тешик орқали сув остида нафас олиш ёки заҳарланган ўқ-ёйни пуфлаб отиш мумкин бўлган (бу нарса "аждар тупути" деб аталган). Уларнинг билагига махсус билагузук бўлиб, унинг ёрдамида душман қиличчини қисиб олиб, бармоқнинг бир ҳаракати билан рақибни қуролсизлан-тирганлар.

Умуман топшириққа отланган ниндзялар замонавий махсус хизмат ходимларига қараганда анча яхши тайёрланганлар ва қуролланганлар, уларда зарур бўлганда оёқ кийимига маҳкамлаш учун тишлар, сюрикенлар учун махсус халта-ўқдон, билакка эса, дротиклар учун ўқдон маҳкамланган. Тутундан парда ҳосил қилиб, тутунда ғойиб бўлиш учун "тутун тарқатувчи шарчалар", қурол ёки ёрдамчи асбоб сифатида фойдаланиладиган учлари халқали сым арбалар ва бошқа кўплаб қуроллар бўлган. Шунингдек, кўза кўринмас қуроллар — хасса-қилич, юпқа металл пластинкалардан ясалган елпигич, шяпа-сюрикен (соябони остига каттагина тир ўрнатилган) ва бошқалар бўлган.

Тайёргарчиликнинг сўнги босқичи руҳий тайёргарчиликдан иборатдир. Одатда бу машғулот ўқувчиларнинг бир-бирига узоқ вақт таъсирига қурилган бўлиб, ўқувчилар рўпарам-рўпара ўтириб кўзини узмаган ҳолда шеригини кўзига тикилиб, унинг тўлқинига мослашиб, туйғу ва фикрига кириб боради. Гоҳида шерик ўрнига ёввойи ҳайвондан фойдаланилади. Шоғирд ҳайвон билан қафасга кириб, нигоҳи билан уни тажовузкор ниятидан қайтариб, мисоннинг устуниличини тан олдириши керак.

Бундай машқлардан сўнг ниндзя ажойиб руҳшунос, юқори малакали гипнозчи бўлиб етишади ва ҳеч қандай қийинчиликсиз битта ёки бир нечта рақибни ухлатиб, ҳатто нигоҳи билан душманини қочириб юбора олади. Масофада кишиларни фикр ва ниятларини сезиб, бир неча душман қуршовидан ўзини йўқотмай хотиржамлиги ва совуқчилиги билан душманларини ишонсизлик ва қўрқувга солиб, тўқнашувдан олдин устуниликка эришган.

Ун беш йилда тайёргарчилик тугаб, ўқувчи барча ўргатилган билимлардан имтиҳон топширган ва ниндзяга қабул қилинган. Сўнгра унга шахсий қурол ва махсус кийим — ёқасига қайтарма қалпоқ тикилган, шаклсиз, бошдан-оёқ қоп-қора рангли узун чакмон, ҳамда қора ниқоб тақдим қилинган. Бу кийим душманларни қўрқитибгина қолмай (қора ранг кишига кучли руҳий таъсир ўтказиши анчадан бери маълум) балким одамни оддий шаклини шаклсиз, пайқаш қийин қилади ва шу туфайли ниндзя деворга "сингит", қўшилиб кетади, ҳамда қоронғуда ғойиб бўлади. Ана энди катта ёшдаги ҳаёт бошланиб, бу ҳаётни ҳамма ҳам охиригача яшай олмайди. Бу ҳаётдаги доимий катталик — машқ, хавф-хатар ва жангга тайёр туриш.

Шуни қайд этиш лозимки, умуман олганда ниндзя иложи борича жанжалдан узоқроқ юрган, уларнинг ният ва мақсади ўзгача бўлган. Уларга муҳим ҳужжат ёки бекни ўғирлаш, ҳарбий бошлиқнинг гапини эшитиш ёки ўлдириш, қўпорувчилик ёки ивгогарликни уюштириш — бир сўз билан айтганда оддий одамнинг қўлидан келмайдиган ишларни топширишган. Топшириқни бажаргач, ниқобланиш санъати-

дан моҳирона фойдаланиб, масалан ёнғин чиқариб, қувиб келувчилардан қўтилганлар.

Лекин шунга қарамай иш жангга бориб тақалса у қўрқинчи ва бешафқат бир алфозга кирди, бу ерда самурай ахлоқ-одоби, рақибга бўлган ҳурмати ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. У гўзалликдан кўра самарадорликни кўпроқ қадрларди, чунки асирга тушиб қолгудек бўлса уни даҳшатта солувчи азоб-уқубатли ўлим кутарди. Ривоят бўйича очиқ жангда ниндзяни бир ўзи яхши ўқитилган 20 та ва ундан кўпроқ жангига тенг келар экан, афтидан бу муболаға бўлмаса керак. Бунинг устига улар оддий қоидалар билан эмас, балки доимо вазиятни ўзгартириб, мураккаб сакрашлар қилиб, ўз даҳшатли қуролларидан фойдаланган ҳолда қурашганлар. Шунинг учун у билан жанг қилгандан кўра кетишга тўсқинлик қилмаган маъқул. Устига устак жанг нима билан туғати ҳам номатълум. Лекин бари-бир ниндзя жангда енгилиб асирга тушса, душманлари ундан бирор сўзни сўгуриб ололмаганлар. У душманларини қўрқув ва ҳурматини янада ошириб, шафқатсиз қийноқлар остида сабот-матонат билан жон берган.

Ниндзянинг тайёргарчилиги ниндзяга қабул қилиш маросимидан кейин ҳам тўхтамаган — ниндзяида мукамалликнинг чегараси бўлмаган. Жисмоний ва руҳий машқлардан ташқари фалсафани, ҳар хил кишилар — дайди роҳиб, кўзбоғловчи ёки сайёҳатга чиққан бойвачча шўх йигит қиёфасига киришни ўрганганлар. Уларни душманлари доимо хавф-хатарда бўлиб, ҳар қандай одам кийиниб олган ниндзя бўлиши мумкин. Унда ниндзяни "овлаш" пайида юрганларнинг ўзи енгил ўлжага айланардилар. Кўп ҳолларда шундай бўларди ҳам.

Ниндзяни ёллаган қотил деб, қонхўрликда айбловчилар уларга нисбатан ноҳақдирлар. Ҳар доим ҳам улар йўлларига тўғаноқ бўлганларни ўлдирмаганлар. Кўпинча гипноздан фойдаланганлар ёки у ё бу нуқтани босиб, шунчаки ҳушдан кетказиб, ҳаётини сақлаб қолганлар. У ўзига мос ҳунарни ўргатган уруғ жамоасида улгайган ва унинг қонунларига бўйсунмишга мажбур. Уруғнинг раҳбари эса пулдан кўра сийёсий майдонда иложи борича юқори мавқега кўтарилиб, таъсир доирасини кенгайтиришдан манфаатдор. Аслини олганда ўрмон ва тоғларда яшовчи одамларга кўп пулниги нима кераги бор ўзи?

Афсуски, ниндзя олдинги обрў-эътиборини ва ўрнини тиклай олмади. Бошида Токутаванинг қонлиги, сўнгра эса тарих халақит қилди. Ўз қаърига ютиб юборган тарих. Бироқ В.Кассис ва Л. Колосов ўзининг "Мутлақо махфий" китобида, Япониянинг Маё префектурасида жойлашган ниндзяцунинг ягона мактаби ва 1977 йилнинг апрелига довуру шу соҳанинг ҳақиқий мутахассиси 59 кишидан иборатлигини хабар қилади. Бу маълумотни бир нима деб изоҳлаш қийин. Нима бўлганда ҳам гап расмий ниндзя, яъни "ярим ниндзя" ҳақида боради. Улар нима билан шуғулланишди, маҳоратлари қай даражада юқори, буни жуда кам одам билса, эҳтимол.


Ниндзяцунинг халқаро федерацияси бўлиб, бу ташкилот билан учрашганларнинг сўзига қараганда, улар фақат шунчаки ниндзя ўйнашади, уларнинг кийими ва номида юришса ҳам.

"Кўринмас одамлар санъати" ниндзяда олий санъат ҳисобланган — дунёда оддий ҳаёт кечириб, шу билан бирга ниндзя бўлиб қолиш, аммо бундан ҳеч ким хабардор бўлмаслиги ва аслида сенинг кимлигингни билмаслиги керак. Ўз қонун-қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда дунёвий ташвишлар, сен билган, тушунган, лекин ғалати фалсафаси, одат ва қилиқлари билан сени қабул қилмаган одамлар орасида яшаш, ҳаёт кечириш лозим. Ҳеч ҳам орқага қайтмайдиган ота ва болалар ҳикоя қилган шонли ўтмишни эслаб ҳаёт кечириш. Фақат кечасилари юракни тез-тез уриши остида яширин жойдан оилавий махсус қора кийимни олиб ёзиб кўриш мумкин.

Шундай экан, ҳаммадан ўз санъатини яшириб оддий одамлар орасида ҳозир ҳам ҳақиқий ниндзялар ҳаёт кечираётгандир? Барчадан яширинча машқ қилиб, бизни ҳам вақт соатимиз келар деб яшаётгандир? Яна ким билади?..

Ўрисчадан  
Уста Ҳусан ўғли Раҳматилла  
таржимаси.

Азиз муштарий! Аввало таърифлари қуйида баён этилган ном ва сўзлардан иборат очқични ҳал этинг.



Очқич:

1. Шоир Абдулхамид Сулаймон Чўлпоннинг баҳор айёмига бағишланган шеъри — 7, 15, 17, 16, 4, 14, 23, 20, 7, 8, 5, 15.

2. Наврўз айёми таоми — 19, 20, 10, 15, 2, 15, 23.

3. Хушбўй кўкат тури — 22, 15, 7, 3, 8, 2.

4. Уфқда ҳосил бўладиган лоларанг қизиллик — 13, 15, 21, 15, 18.

5. Кенг ўтлоқ майдон — 24, 11, 2, 6, 17.

6. Куннинг мусаффо пайти — 9, 6, 7, 12.

7. Илк баҳор гули — 1, 20, 1, 10, 4, 10, 15.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни таалуқли ҳарфлар билан алмаштириб тилсимни ечинг. Бунда баҳор айёми мадҳ этилган тўрт мисра шеър ва унинг муаллифи бўлган мумтоз шоир номи аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон Орипов.

Манзилмиз: 700017, Тошкент, Ж.Неру кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 33-40-83, 33-06-63.

Босишга 7.04.94.да руҳсат берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Шартли босма табоқ — 4,2. Нашриёт ҳисобида 4,0 босма табоқ. 46353 нусхада чоп этилади. Буюртма 2688

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Оригинал макет "Ёшлик" жўрналининг компьютер марказида тайёрланди.

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёти матбаачилик консернининг босмаҳонаси.

Қалб манзаралари

Абдулла Орипов. "Эрта руҳинг топгай олий оҳанглари!" . . . . . 1

Назм

Абдусайд Кўчимов . . . . . 3  
 Нормўмин Эркабек . . . . . 11  
 Рустам Мусурмон . . . . . 18  
 Гулом Эгамшукур . . . . . 22  
 Икром Отамурод . . . . . 25  
 Одил Ҳотамов . . . . . 26

Наср

Баҳриддин Умрзоқов. Қавм. Ҳикоя . . . . . 7  
 Хайрулло. Улиётган ит ва менинг қўшигим. Ҳикоя . . . . . 28

Мувоzanат

Юсуф Шодиметов. Бир ўлкаки... . . . . 5

Карвонсарой.

Тўхтамурод Рустам. Жума, ўн учинчи, соат ўн уч...13  
 Видеоқўзғу. Дунёда миллиардерлар сони қанча? . 14  
 Латифалар . . . . . 16-17  
 Афтингиз сирингизни ошкор этади. Тақвим . . . 16-17

Мана бу-у-унча!!!

Ошиғи олчи талаба . . . . . 15

Шарҳи биздан

Дилшод Нуруллоҳ. Ё Афлотун! Ё Суқрот! . . . . 15

Етмишинчи йиллар авлоди

Гаффор Ҳотам. Севинчда армони яширин . . . . 12

Тўқ мағиз

Артур Шопенгауэр. Аёллар ҳақида . . . . . 19

Жиноят ва жазо

Файзулла Қиличев. Аёл жиноятга қўл урса . . . . 23

Минг бир амал.

Айғир Ўранлий. Кўринмасларга қарши ов . . . . 30  
 Тилсим . . . . . 32

© "Ёшлик", №2, март-апрель, 1993 й.